O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 9-avgust, shanba | № 64 (7569)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

САМАРҚАНД, 6 август (ЎзА махсус мухбирлари Анвар Бобоев, Акбар Қаршиев).

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекис-тон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантириш баробарида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин Россия ҳукуматига раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи ташрифи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилнинг майидаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди. Бундай самимият ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далолатдир.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия таркибини янгилашга келишиб олди. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, янгиланган комиссиянинг илк мажлиси шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасидаги алоқалар десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан учрашувда бу галги музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлади. Ислом Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзуини устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефт-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳокама этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Россиянинг "Газпром" очиқ турдаги акционерлик жамияти ўртасида "Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажм жиҳатидан янги поғонага кўтаришга келишиб олганини маълум қилди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасозлиги, сув хўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлади. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайди. Шу боис бу борада ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислом Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўплаб келишувларга эришилган. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисида Президентлар келишувларини ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматлараро қўшма комиссия эса ана шундай сиёсатни амалиётга татбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса, комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти кутилган натижани беради.

Владимир Путин Ислом Каримов ҳамроҳлигида қадим Самарқанддаги тарихий обидаларни — Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонасини томоша қилди. Рус православ черковида бўлди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, — деди Россия Президенти. — Шаҳарнинг тарихий обидалари ғоят ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таассурот билан қайтмоқдаман.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

КАТТА ИШЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

— Спорт билан шуғулланишимиз учун зарур шарт-шароит яратиб беришларини сўраб туман раҳбарларига мурожаат қилдик, — дейишди Олот туманининг "Пахтакор" ширкат хўжалигидаги бир гуруҳ мактаб ўқувчилари. — Бундан бирор натижа чиқмагач вилоятга ёздик.

Очиғини айтганда, қишлоқ хўжалигида шусиз ҳам ташвишлар етарли. Пахта ва ғалла етиштириладиган майдонларга ишлов бериш, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, турли русумдаги техника воситаларининг бир маромда ишлаб туришини таъминлаш, пайкалларга сув етказиб бериш, маҳаллий ва минерал ўғитлар жамғаришни ташкил этиш, ўрим, йиғим-терим мавсумига бош-қош бўлиш, ҳосилни давлатга топшириш,

(Давоми 15-бетда)

... Ўтмиш ва бугун. Улар орасидаги фарқ катта. Қайси жиҳатдан ёндашмайлик, бугунги имкониятлар кенгроқ ва қулайроқ. Истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим-заковатларини янада кенгайтириш давлат миқёсидаги масала эканлиги барчамизга бирдек аён. Ана шу мақсадга қаратилган кенгашу бўлимлар, марказу уюшмалар, жамғармаю бирлашмалар фаолиятини кузатиш мумкин. Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам

ЖАМҒАРМА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР УЧУН

айнан шу муддаони кўзлайди.

Аввало, жамғарманинг улуғ аллома номи билан аталашида рамзий маъно бор. Чиндан ҳам Мирзо Улуғбекнинг бугунги ворислари йўқ эмас. Фақат уларни излаб топиш, аниқ мақсадлар сари йўналтириш лозим бўлади. У ташкил этилган 1990 йилда Ўзбекистон ҳали ўз мустақиллигини эълон қилмаган, шундай бўлса-да, жамғармани ташкил этиш зарурияти бор эди. Шу боис ҳам "Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги 137-сонли қарор қабул қилинди.

(Давоми 10-бетда)

OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish masalalari qo'mitasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Yig'ilishda «Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida»gi, «Atmosfera havosini muhofaza qilish to'g'risida»gi, «Mahsulot taqsimotiga oid bitimlar to'g'risida»gi, «Chiqindilar to'g'risida»gi qonunlarga hamda «Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi to'g'risidagi Nizomga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish haqida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni loyihasi muhokama etildi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЭРТАКЛАР ОЛАМИДА ЯША, БОЛАКАЙ! 4-бет

«ДИСКО-КЛУБ» ВА «БАР»ЛАР БИЗГА НИМА БЕРАДИ? 11-бет

ТЎЙ – ЎЗНИ КЎРСАТИШ ЭМАС 12-бет

«МУСТАҚИЛЛИК» ШОХМОТСИМОН КРОССВОРД 16-бет

Ajdodlarimiz qoldirgan tarixiy meros shunday bir adabiy bitmas-tuganmas chashmaki, dunyoning go'zalligini his etishga va uning butun buyukligini, murakkabligini va rang-barangligini tushunishga intilgan har bir kishi bu chashmadan bahra oladi. Bu merosning ahamiyati hech qachon so'nmasdir.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

E'TIBOR

Dang'ara tumanining Taypoq qishlog'idagi besh ming o'rinli qayta ta'mirlangan stadion yana sportchilar va muxlislar bilan gavjumlashdi.

Katta sarf-xarajatlar hisobiga qurilgan mazkur go'sha keyingi yillarda ta'mirga muhtoj bo'lib qolgandi. Bu yerda yoshlarning sport bilan shug'ullanishi, turli musobaqalar o'tkazish uchun sharoit deyarli yo'q edi. Qishloqda esa qariyb besh ming nafar bola istiqomat qiladi.

MASHG'ULOTLAR YAKUNLANDI

XV Xalqaro aerokosmik maktabining mashg'ulotlari nihoyasiga yetdi. Mazkur mashg'ulotlarni Sh.Vohidovning xalqaro yoshlar aerokosmik jamg'armasi, O'zbekiston Fanlar akademiyasi, «Koinot» ishlab chiqarish birlashmasi, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi tashkil etdi.

GRANT SOHIBLARI ANIQLANDI

Poytaxtimizdagi Dedeman Silk Road mehmonxonasida AQShning Xalqaro taraqqiyot agentligi - /YuSAID/ tomonidan e'lon qilingan «Fuqarolar manfaatini yoqlovchi dastur»ning dastlabki g'oliblari e'lon qilindi. Unga Samarqanddagi «Hayot», Toshkentda faoliyat ko'rsatayotgan «Umidvorlik» hamda «Tadbirkor ayol» nodavlat notijorat tashkilotlari sazovor bo'ldi.

Grantlarni O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari qo'mitasi raisi Akmal Saidov va AQShning mamlakatimizdagi muvaqqat ishonchli vakili Devid Epplton topshirdi.

ENG YAXSHI KITOBXON OILA

O'zbekiston davlat konservatoriyasida «Yilning eng yaxshi kitobxon oilasi» respublika ko'rik-tanlovining yakuniy bosqichi bo'lib o'tdi. Uni Madaniyat ishlari vazirligi, «Ma'naviyat va ma'rifat» markazi, «Mahalla» xayriya jamg'armasi, «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati bilan hamkorlikda tashkil etdi.

Vazirlar Mahkamasining 2002 yil 3 avgust kuni e'lon qilingan «Respublikada kitob savdosi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qaroriga muvofiq ushbu tanlov yurtimizda bu yil ikkinchi marta o'tkazildi.

BOG'DA SPORT MAYDONI

Andijon viloyati Xo'jaobod tumanidagi madaniyat va istirohat bog'ida kurash maydoni bunyod etildi. U hashar yo'li bilan qurildi.

Dam olish kunlari bu yerda milliy kurash ixlosmandlari bellashuvlari o'tkaziladi. Barcha andijonliklar kabi xo'jaobodliklar uchun ham kurash faqat sport mashg'uloti emas. Bog'da kurash - dam olishning o'ziga xos turi, bu yerda suhbat qurilib, askiyabozlar musobaqalari ham qiziydi.

Meros

ЎЗБЕК ДЎППИЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

Бадиий ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган ва бутун дунёга машҳур бўлган турларидан бири дўппидўзликдир. Амалий санъатнинг бу тури, XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Чуст, Бойсун, Шаҳрисабз сингари ҳудудларда кенг ривожланиб, унинг санъат даражасига кўтарилган янгидан-янги кўринишлари пайдо бўла бошлади. Бугунги кунда Марғилон, Чуст, Шаҳрисабз ва Бойсунда духоба, ироқи, зардўзи деб номланган қатор дўппи турлари бўлиб, улар миллий кийим сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзбек йигит-қизларининг бошларида ярашиб турадиган бундай нафис дўппиларимиз Мукаррама Турғунбоева бошчилигидаги "Баҳор" ашула ва рақс бадиий жамоаси билан дунё кезиб, миллионлаб кишиларни ҳайратга солганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан бадиий ҳунармандчиликнинг дўппидўзлик санъати ҳам янада тараққий этиш имкониятларига эга бўлди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг республикамиз ҳунармандларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ана шу соҳанинг ҳам янгидан-янги уфқларини очмоқда. Шу боис ҳам дўппидўз ҳунармандларимиз миллий кийимимизнинг бу турига катта эътибор билан қараб, унинг ниҳоятда кўримли бўлишига интилмоқдалар. Ҳар бир дўппида анъаналаримизнинг ёрқин акс этаётганлиги халқ амалий санъатининг бу тури янада жилоланиб кўринаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи хазинасида ана шундай дўппилардан 300 дан ортиғини кўриш мумкин. Юксак дид ва маҳорат билан тикилган бу дўппилар музей залларига ўзгача бир жозиба бахш этаётганлигини алоҳида таъкидламоқ ўринлидир. Албатта, ҳар бир дўппини катта қизиқиш билан томоша қилар экансиз, энг аввало халқимизнинг ўта топқирлигию гўзаллиқни теран ҳис эта олишидан қувониб кетасиз. Ўзбек аёлининг ўз ҳис-туйғуларини безаклар орқали дўппида ифодалаётганлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, музейимизда намойиш этилаётган қадимий ва бугунги дўппилар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан юртимизга меҳмон бўлиб келган кишиларни ҳам бетакрор санъат асари сифатида ҳайратга солмоқда. Иккинчидан, бундай дўппиларимиз музейимизнинг бошқа асори атиқалари қатори Япония, Олмония, Франция, АҚШ сингари кўплаб мамлакатлар музейларида кўрсатилиб, минглаб томошабинларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Уларнинг ўзбек миллий бадиий ҳунармандчилик санъатига бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан музейимиз ходимлари яна бир хайрли ишни амалга оширдилар. Улар "Ўзбекистон маркалари" очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда кўзларни яйратадиган дўппиларимизнинг бир туркумига бағишланган чиройли маркаларни тайёрладилар. Бу маркалар Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг нуфузини оширишда ва ундаги бебаҳо экспонатларни тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Аждодларимиз қолдирган тарихий мерос шундай бир адабий битмас-туганмас чашмаки, дунёнинг гўзаллигини ҳис этишга ва унинг бутун буюклигини, мураккаблигини ва ранг-барангли-гини тушунишга интилган ҳар бир киши бу чашмадан баҳра олади. Бу меросниг аҳамияти ҳеч қачон сўнмасдир.

Мансур СИДИҚОВ,
Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори

Yoz-o 'tmoqda soz

«ЛОЧИН»НИНГ ЛОЧИНЛАРИ

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли "Лочин" болалар оромгоҳи Зомин туманининг хушманзара масканида жойлашган. Асосан 29-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари учун мўлжалланган ушбу оромгоҳда ҳозирда 80 нафар бола таътилни мароқли ўтказаяпти.

Учта ётоқхона, тиббиёт хонаси, ўйингоҳ дам олувчилар ихтиёрида. Бош етакчи Умри Ҳамроқулова раҳбарлигида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, "Балли, қизлар", "Балли, йигитлар", "Эртаклар оламига саёҳат" каби мусобақа ва тадбирлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Миллий урф-одатлар асосидаги саҳна кўринишларини, шеърият кечаларини ўқувчилар қизиқиш билан томоша қиладилар. Оромгоҳнинг маънавият хонаси ва кутубхона ҳам ҳамиша гавжум.

— Мен келажакда футболчи бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун ҳар куни футбол мусобақаларида қатнашаман. Оромгоҳимиз футболчилари қўшни А.Темур ва Алпомиш оромгоҳлари жамоаларини мағлубиятга учратди, — дейди 9-синф ўқувчиси Суҳроб Тошматов.

Дарҳақиқат, "Лочин"да спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Шербўта Бегимқулов болалар билан мунтазам машғулот ўтказмоқда. Шахмат-шашка, баскетбол, волейбол мусобақаларида ўқувчилар оммавий равишда қатнашадилар.

— Оромгоҳда ўтказилаётган тадбирларда бош етакчига яқиндан ёрдам бераман, — дейди 8-синф ўқувчиси Феруза Мамадиева. — Дугонам Озода Ҳайдарова билан биргаликда миллий қадриятлар ва урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган чақалоқни бешикка белаш, алла айтиш, келин салом каби саҳна кўринишларида қатнашаман. Ҳар куни кечқурун рақс ва қўшиқ кўриги ўтказилади.

Ўқувчилар учун қўшни оромгоҳга, туман марказига, айниқса, ўрмон хўжалиги ва истироҳат боғига уюштирилаётган саёҳатлар жуда қизиқарли. Чунки унда ўқувчилар табиат билан яқиндан танишадилар. Ўрмончилар билан мулоқотда бўладилар, турли доривор ўтлардан намуналар йиғадилар.

— 17 нафар ишчи-хизматчи болаларга хизмат кўрсатишмоқда, — дейди "Лочин" раҳбари Зулҳайдар Қурбонбоев. — Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ва таъмирлашда вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими бизга катта ёрдам кўрсатди. Сифатли таъмирланган оромгоҳда ўқувчиларнинг дам олиши, овқатланиши, турли маданий тадбирлар ўтказиш учун барча шароит етарли. Ўқувчилар оромгоҳ қўйнида кўнгилли ҳордиқ чиқариб, олтин ёзни мароқли ўтказмоқдалар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Тил "дарахти"ни асрайлик

Aks-sado

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига яқинда 14 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида барча жабҳаларда она тилимиз ўз ўрнини эгаллай бошлади. Аммо шуни тан олиб айтиш лозимки, кейинги пайтларда давлат тилини жорий қилишга бўлган эътибор бироз сусайгандек кўринади. Бу ҳақда "Ma'rifat" газетасининг шу йил 28 июнь сонида журналист Норали Аслоннинг "Тил қандай юксалади?" номли мақоласида ҳам холис муносабат билдириб ўтилган.

Тилимизга давлат тили мақоми берилгандан буён анча вақт ўтганлигига қарамасдан, айнан бир сўз турли матбуот нашрларида турлича ёзилмоқда. Бу борада айрим чалкашликларга йўл қўйиляпти. Масалан, саналарнинг матбуот нашрларида ҳар хил ёзилаётганига сиз ҳам гувоҳдирсиз. Кундалик газеталарда разм солсак, юмшатиш белгиси мавжуд бўлган ойларни ёзишда айрим газеталар бунга риоя қилишса, айримларида эса ўша белги йўқ.

Маълумки, республикамизда янги алифбога тўлиқ ўтиш 2005 йилнинг сентябрь ойига мўлжалланган. Демак, шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, газеталарда ой номларининг охирида юмшатиш белгисини ташлаб ёзишимизга асос йўқ. Чунки биз ҳозирча 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган "Имло қоидалари"га риоя қилишимиз лозим.

Пойтахтимиз кўчаларидаги айрим афишаларда ўзбек тилидаги бирикмани рус тилига ёки аксинча, рус тилидаги сўзларни ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиш ҳоллари давом этмоқда. Масалан, рус тилидаги "Сильная профессия" бирикмаси ўзбек тилига "Кучли касб" тарзида ўгирилган. Бу сўз бирикмасида "кучли" сўзи ўз ўрнида ишлатилмаган ва таржимада ғализликка йўл қўйилган. Ваҳоланки, бу ўринда сўзма-сўз таржима эмас, балки мазмундан, ҳар бир тил моҳиятидан келиб чиқиб, ёндашишимиз лозим бўлади.

Мақоламга "Тил дарахти"ни асрайлик" деб сарлавҳа қўйдим. Бундан 10 йил олдин халқимизнинг севимли адибларидан бири, марҳум Машраб Бобоев "Ўзбекистон овози" газетасида ўзбек тилини жорий қилиш масалаларига бағишланган мақоласини шундай номлаган эди. Муаллиф ўзбек тилининг мавқеини кўтариш мақсадида атамашунослик қўмитасини ва ўзбек тили жамиятини бирлаштириб, ўзбек тили қўмитасини ташкил қилиш таклифини киритган эди. Фикримизча, бу таклиф бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш вақти аллақачон етди. Ҳақиқатан ҳам бундай қўмита ташкил қилинса, ўзбек тилини тўлиқ жорий қилиш имкониятлари кенгаяр эди. Энг асосийси эса қўмита бутун республика миқёсида ўзбек тилининг мавқеини ошириш билан шуғулланган бўларди.

Турсунхўжа БОБОХЎЖАЕВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Соғлом турмуш тарзи ва тиллар"кафедраси доценти,
Исҳоқжон ТАНГИРОВ,
филолог

Uchinchi guruh a'zolari esa bog'da nihollarni parvarishlayotgan bog'bon va qo'lida kitob tutgan shoirni tasvirlab, "Yaxshidan bog' qolar" degan donolar hikmatini keltirdilar.

Ehtirom

ЎҚИТУВЧИ МУВАФФАҚИЯТИ

У ЎҚУВЧИНИНГ ЭРИШАЖАК ЭРТАНГИ ЗАФАРИДАН ДАРАК

Инсон камолотида устознинг, у берган ўгитларнинг ўрни алоҳида. Зеро, жажжи ўғил-қиз ана шу мўътабар зотнинг берган таълим-тарбияси орқали етуклик шоҳсупасига, кўрсатган йўлидан эса келажак манзили сари одим ташлайди. Шу боис, ўқитувчига халқимизда ҳурмат-эҳтиром ўзгача. Зотан, у бошлаган йўлдан бахтиқболга етишган шогирдлари мўл унинг.

Умр — оқар дарё, деганлари рост экан. Кўз очиб юмгунча шўхшодон болалигимиз, ўқувчилик, ёшлик давримиз йиллар қатида қолиб кетди. Афсус, энди ана ўша унут бўлаётган мўъжизаларга бой, ғаройиб олам эшигини фақат хаёлан черта оламиз, холос. Баъзан ўйга толаман. Илк мактаб остонасини ҳатлаган онлар, устозимизнинг илк сабоқлари, қўлга қалам тутиб, мурғак қалбимиздаги ҳаяжонимизни қоғозга туширган дастлабки лаҳзалар... Булар нурли келажакка қўйилган қутлуғ пойқадам. Албатта, ана шу ҳар бир одимнинг муваффақиятида биринчи ўқитувчимиз Ҳабиба опа Алимованинг ҳиссалари беқиёс бўлган. Зеро, инсон қалбига эзгулик уруғини қадаш бободеҳқоннинг эртанги ризқни яратишдек заҳматли юмушига тенг. Шу боис, ҳар бор хаёлан болалик салтанатига қадам қўярканман, беихтиёр устозимга таъзим қиламан.

Ҳабиба Алимова мана 42 йилдирки, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Ўтган вақт давомида устоз қанча-қанча шогирдларни нурли манзилга йўлламади, дейсиз? Ўйлайманки, бугунги кунда уларнинг барчасида устозларига нисбатан эҳтиромлари баланд.

Ўқитувчимиз ўз меҳнат фаолиятлари давомида болажонликлари, билимдонликлари билан бошқалардан ажралиб турардилар. Шунинг учун бўлса керак, у кишига 1969-1972 йилларда бошланғич синфларни уч йил ўқитишга мўлжалланган янги дастур асосида тажриба синфларда иш олиб бориш вазифаси юклатилган экан. Албатта, ишонч ўзини оқлади. Ўқитувчининг аксарият ўқувчилари бошланғич синфни "аъло" баҳоларга тугатишди. Шундан сўнг ўқитувчимизнинг очиқ дарсларида бўлган туманимизнинг бошқа ўқитувчилари улардан янги дастур сирларини ўрганиб, келгуси ўқув йилида ҳеч иккиланмай 1-синф ўқувчиларини ўқитишга киришганликлари рост.

Маълумки, 1968—1990 ўқув йилларида болалар мактабга олти ёшдан қабул қилиниб, тўрт йил ўқитишга мўлжалланган янги дастур бўйича иш олиб боришга тўғри келди. Бунинг учун эса Ҳабиба опа ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида маърузачилар қаторида ўқидилар, сўнгра янги дастур асосида шаҳар ўқитувчиларини ўқитдилар. Улар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Албатта, болани 6 ёшдан бошлаб ўқитиш бўйича олиб борилган синовлар бир қанча муваффақиятга эришган бўлсада, айрим жойларда у қадар яхши натижаларга эришилмади. Шу боис, изланувчан ўқитувчи ўзи иқтидорли болаларга мослаб уч йил ўқитишга мўлжалланган янги дастур туздилар. Ўша дастур асосида ПХҚТМОИда 150 ортиқ ўқитувчиларга маърузалар ўқиди ва ўзининг ўқитиш усуллари билан таништирди. Эътиборлиси, Ҳабиба опа ўша йили тажрибалари билан ўтроқлашган ўқитувчилар қаторида 1-синф ўқувчиларига дарс бера бошлади. Тажриба-синов яхши натижалар билан якунланди. Ўқувчилар 4 йиллик дастурни 3 йилда муваффақиятли тугатишди. Яъни, ўқитувчи 1-синфни алифбесиз ўқитиш мумкинлигини амалда исботлади.

Бундан ташқари, янги алифбе дарслиги яратилгач, Ҳабаба Алимова ушбу дарсликни ҳам синовдан ўтказишда иштирок этди. Дарслик ҳақида ўз амалий таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Бугунги кунда эса фарзандларимизнинг илм оламига илқ қадамлари мазкур дарслик орқали бошланиши барчага маълум.

Тажрибали муаллима мактабда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида метод кенгаш аъзоси бўлди. У кишининг илғор дарс ўтиш усуллари нафақат мазкур мактаб ўқитувчилари учун, балки "Маърифат" газетаси, "Бошланғич таълим" журнали каби республика матбуотида чоп этилган мақолалари, "Бошланғич синфларда баҳо нормалари" номли услубий тавсияномаси, "Математикадан тестлар" (1-4-синф учун) китобчалари орқали бугунги кунда Республикамизнинг барча вилоятларидаги бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида ҳам қўл келаётган бўлса, ажаб эмас.

Ўқитувчининг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У киши 1994 йилда "Фидойи ўқитувчи", 1998 йилда "Оқилхон Шарофиддинов" кўкрак нишонлари ва 2002 йил 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мурабийлар байрами"да "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Ўқитувчимизнинг юрт эртасига тамал тошини қўйувчи эл фарзандларини тарбиялашдек масъулиятли ишларидаги ютуқлари биз, шогирдларини ҳам қувонтиради. Зеро, ўқитувчимизнинг муваффақиятлари эртага ўғил-қизларимизнинг эришажак зафарларидан даракдир.

Осим АРСЛОНОВ,
собиқ ўқувчи, физика фанлари номзоди

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ТРЕНИНГ УСУЛИ

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятлар, она-Ватанга ҳурмат туйғусини сингдиришда, ўзбек халқининг бетакрор, ноёб фазилатларига ифтихор туйғусини таркиб топтиришда тасвирий санъат дарсларининг ўрни алоҳидадир. Бу фанни ўқитишда илғор усуллардан фойдаланаётган, дарсини юқори даражада ўтаётган устозлар борлиги таълим соҳасидаги ютуқларимиздан бири ҳисобланади.

Республикамиз мактабларида тажрибали тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчилари кўплаб учрайди. Улардан бири Озода Ваҳобова бўлиб, у Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабда кўп йиллардан бери дарс бериб келмоқда.

— Биз туман ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган кўргазмаларда, "Зукко авлод—2003", "Келажак ва экология", "Буви, боболаримиз набиралар ниго-ҳида" кўрик-танловларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келяпмиз, — дейди О.Ваҳобова. — Бунда олий тоифали ўқитувчи, экспериментатор Толиб ака Маҳкамов, 299-мактаб ўқитувчиси Райҳона Алимова, Шайхонтоҳур ТХТБ услубчиси Саодат опа Расуловалардан ўрганган иш усулларим қўл келмоқда. Фан кабинетларини жиҳозлашда ҳам уларнинг маслаҳатларига амал қилиб, намунали ишларидан андоза олдим. Ҳар йили ўтадиган анъанавий август анжуманларида фаол қатнашишга ҳаракат қилиб, ўқитишнинг янги усулларини ўрганиб боряпман.

Биз **Озода Ваҳобова**нинг иш фаолияти билан танишгач, унинг бир соатлик дарсини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

Дарснинг мавзуси: Тасвирий санъат дарсларида экологик тарбия.

Таълимий мақсад: Тасвирий санъат, расм чизишнинг табиатга боғлиқлиги ҳақида тушунча бериш. Экология ҳақида маълумот бериш. Ўқувчиларда кўникма ва малака ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсад: Рассомлик — гўзаллик, нафосат мужассам касб эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш. Ўқувчиларни табиатни севиш, уни асраш, тежамкорликка ўргатиш.

Дарс учун зарур жиҳозлар: Ўзбекистоннинг гўзал табиати акс эттирилган рангли расмлар, альбомлар, экологияга оид суратлар, таниқли рассомлар портрети, диафильм.

Дарсда қўлланадиган усуллар: "Ақлий ҳужум", суҳбат, тест дафтари билан ишлаш, "Ажойиб учлик методи", ривожлантирувчи ўқитиш технологияси.

Дарс бошланғач, ўқувчилар уч гуруҳга бўлиндилар ва ўзларига ном танладилар.

1-гуруҳ — "Экология" гуруҳи

2-гуруҳ — "Табиат" гуруҳи

3-гуруҳ — "Мусаввир" гуруҳи

Гуруҳлар номлангач, ўқитувчи биринчи вазифани топширди:

— Мана, ҳар бир гуруҳ ўзига ном танлади. Энди шу номга мос келадиган расм чизиб, дарс сўнгида уни шарҳлаб берасизлар.

Гуруҳ аъзоларидан бири расм чиза бошлади, қолган ўқувчилар билан "Лаҳзалик савол-жавоб" ўтказилди.

— "Тожмаҳал" меъморий обидасини ким қурдирган?

— Шоҳ Жаҳон.

— У қаерда бунёд этилган?

— Аграда.

— Диптих нима?

— Бир мавзудаги икки бўлақдан иборат бўлган тасвирий санъат асари.

— Ўзбекистоннинг энг қадимги машҳур санъат асарлари қаердан топилган?

— Варахша, Афросиёб, Тупроққалъадан.

— Батал қандай жанр?

— Тасвирий санъат асарларида жанг манзараларини ифодаловчи жанр.

— Чингиз Аҳмаровнинг дунёга машҳур асари номи?

— "Етти гўзал".

— Миниатюрачи мусаввирнинг номини айтинг?

— Камолиддин Беҳзод.

Савол-жавоб шу тарзда давом эттирилади ва саволларга тез, аниқ, кўп жавоб берган гуруҳ ғолиб деб топилади.

Тасвирий санъат дарслари зерикарли бўлмаслиги учун 3-вазифа топширилди. Гуруҳ аъзолари табиатни асраш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини бойитиш ҳақида ҳадисдан намуналар, шеърий парчалар айтадилар.

Шеърий айтишув вақтида тутилиб қолган, сўзларни бузиб талаффуз қилган гуруҳ аъзолари ўйиндан чиқаверади. Асосийси, шеърий парчалар ифодали ёд айтилиши шарт қилиб қўйилди.

Шеърий айтишувдан сўнг гуруҳ аъзолари айтган шеърларига мос келувчи сурат чиздилар. Биринчи гуруҳ аъзолари ахлат қутисига ташланаётган нон, мева-сабзавот қолдиқлари суратини чизиб, тепасига "Исрофгарчиликка йўл қўйманг" деб ёзган бўлса, иккинчи гуруҳ аъзолари ғийбатлашаётган, жанжаллашаётган болалар суратини чизиб, "Ёмон иллатлардан сақланайлик" дея сарлавҳа қўйдилар. Учинчи гуруҳ аъзолари эса боғда ниҳолларни парваришлаётган боғбон ва қўлида китоб тутган шоирни тасвирлаб, "Яхшидан боғ қолар" деган донолар ҳикматини келтирдилар.

4-вазифа эса "Эркин мавзу" бўлиб, гуруҳ аъзолари расм дафтарига сюжетли расм чиздилар ва расмларини бошқа гуруҳларга "Сиз буни қандай изоҳлайсиз?" дея топширдилар.

Расмларни шарҳлаш давомида ўқувчиларнинг дунёқараши нақадар кенг эканлиги намоён бўлди.

5-вазифа эса "Ўзбек рассомлари ҳақида нималарни биласиз?" — деб номланди. Гуруҳ аъзоларига 3 та ватман қоғоз ва маркер берилди. Биринчи қоғозга "Баҳодир Жалолов", иккинчи ватманга "Жавлон Умарбеков", учинчисига "Темур Саъдуллаев" каби исм-шарифлар ёзилган бўлиб, гуруҳ аъзолари номлари келтирилган юртимиз рассомларининг қачон ва қаерда туғилганлиги, чизган суратлари, номланиши, фахрий унвонлари ва ҳоказолар ҳақида 5 дақиқа ичида ёзиб бердилар. Мукаммал жавоб ёзган гуруҳ ғолиб деб топилди.

Дарс сўнгида расмлар изоҳланди. Ўқувчиларга "Ўзбекистон табиати" номли диафильм намойиш қилинди ва "Табиатни асранг" мавзусида расм чизиб келиш уйга вазифа қилиб топширилди.

Дарсда бефарқ ўтирган, эътиборсиз ўқувчи бўлмади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси вазифаларни бажаришда фаол қатнашди, расм чизишда бир-бирларининг фикрларини эътиборга олди, аҳиллик билан ишлади. Дарс аввалида ўзлари яратган қоидаларга риоя қилдилар.

Демак, тасвирий санъат дарсларида кичик гуруҳларда ишлаш, уни тарих, адабиёт, экология билан боғлаш, интерфаол усуллардан фойдаланиш кутилган натижани беради.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Bir soatlik dars

Bog'chada ishlay boshlagan ilk kunlardan boshlab, o'z oldimga shunday maqsad qo'ydim: har bir mashg'ulot jonli o'tsin, har bir mashg'ulotdan so'ng bola ma'nan boyisin, ruhan yuksalsin!

Tajriba

ЭРТАКЛАР ОДАМИДА ЯША, БОЛАЖОНЛИ!

Эртаклар бизни мудом эзгуликка етаклайди. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега эртакларда ҳамиша эзгулик тантана қилади? Чунки эртаклар ижодкори бўлмиш халқ қалбида эзгулик яшайди.

Эртак эшитиб улғайган боланинг қалби мусаффо, туйғуларга бой бўлади. Бола эртаклар, ўйинчоқлар ва ўйинлар оғушида яшамоғи керак. Болаларнинг болалик дунёсини ҳеч нарса билан менгзаб бўлмайди. Инсон умрининг энг гўзал фасли бўлмиш болалиги яхши кечган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Шунинг учун ҳам болалар боғчаларида эртакларга катта аҳамият берилади.

Эртакни шунчаки, жўн айтгандан кўра, қиёфани ўзгартириб, образга кириб жонли талқин қилсангиз, болалар берилиб тинглайдилар ва беихтиёр, эртак қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайдилар. Мен буни ўзимнинг тарбиячилик фаолиятимдан яхши биламан. "Ширин" соғломлаштириш боғчасида ишлай бошлаганимга ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Боғчада ишлай бошлаган илк кунлардан бошлаб, ўз олдимга шундай мақсад қўйдим: ҳар бир машғулот жонли ўтсин, ҳар бир машғулотдан сўнг бола маънан бойисин, руҳан юксалсин! Шундай қилиб, менга янги олам эшиклари ланг очилди ва мен бу сеҳрли оламга қадам қўйганимдан, болаликнинг рангин дунёсида яшай бошлаганимдан масрур эдим.

Дастлабки ишларим юмшоқ ўйинчоқлар ясашдан бошланди. Чунки қаттиқ жисмлардан ясалган ўйинчоқлардан кўра, юмшоқ ўйинчоқлар билан ўйнаш болалар учун мароқли, бунинг устига қаттиқ жисмли ўйинчоқлар болалар қўлидан тушиб кетиб синиши ва қўлоёқларини кесиб юбориши мумкин. Бу, кўнгилсиз оқибатларга олиб келади, албатта.

Мен ясаган ўйинчоқ ва қўғирчоқлар оддий эмасди: улар аста-секинлик билан турли эртаклар персонажларига айлана боришди.

Иш қуролларим ип, игна ва ҳар хил латта-путталар бўлди. Оддийгина чиқит латталарнинг турли хил ўйинчоқ ва қўғирчоқларга айланиш жараёни ҳам ниҳоятда мароқли эди. Мен ушбу сатрларни бу ишга жазм қилган ҳамкасбларим учун ёзмоқдаман: ҳар қандай зерикарли ишни ижодий завқ билан бажарсангиз, у севимли машғулотингизга айланади. Балки бу иш сизга келгусида катта шуҳрат келтирар, зеро, қалбни болаларга бахшида этиб яшашдан ортиқ лаззатнинг ўзи йўқ дунёда!

Дастлабки ишларимдан бири "Тулки ва лайлак" эртаги персонажларини ясаш бўлди. Бунинг учун менга пишитилган лой, ликопча ва гуаш керак бўлди. Ниҳоят, уйқусиз тунлардан сўнг тулки ва лайлак тайёр бўлди. Лекин бу, иш битди, дегани эмасди. Энди гоҳ тулки, гоҳ лайлак бўлиб гапиришим, турли ҳаракатлар билан болалар диққатини эртак қаҳрамонларига қаратишим керак эди. Аста-секин ўзим ҳам бу ишга берилиб, актёрлик маҳоратимни ошира бошладим. Ўрмон ва тоғлар қўйнида кечган воқеалар болаларни беихтиёр, ўзига оҳанграбодай торта бошлади. Сездимки, болаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятлари ўсди, уларнинг сўз бойлиги ошиб, фикрларини аниқ баён қила бошлашди. Бу эртак ўйинни боғчанинг барча гуруҳларига талқин қилиб, ҳамкасбларим билан биргаликда ижодий муваффақиятларга эришдик.

Кейинчалик мавзуларни мураккаблаштириб, кўп персонажлар қатнашадиган эртаклар талқинига ҳам қўл урдим. Масалан, ҳаракатли "Йиғлоқи қуён" саҳнавий кўриниши анча меҳнат қилишни талаб қилди. Бунинг учун оқ сурп, миллий бекасам мато, момиқ пахта, қоғоз, ун, елим, сим, ип, рангли бўёқ, юмшоқ мочалка бўлаклари, шампун идиши, ойна бўлаги зарур бўлди. Бу замонавий электрон ва механик ўйинчоқдан фойдаланиш болаларни табиат билан таништириш, нутқини ўстириш, тасвирий фаолият машғулотларида жуда қўл келяпти. Шундай қилиб, боғчамиздаги ўзига хос "Қўғирчоқ театри" репертуари тобора бойиб, "Қурбақа қиз", "Хуршида бону", "Туяқуш", "Хасис бой", "Она, бола ва бешикча" сингари эртак ўйинларни болалар ўзгача завқ билан томоша қилмоқдалар.

Бундан ташқари, табиат инъомлари билан таништирувчи экологик ўйинчоқлар ҳам фаолиятимизда жуда қўл келаяпти. Бундай ўйинчоқлар асосан қовоқдан ясалиб, болаларни табиат инъомлари билан таништириш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш, гўзалликни ҳис қилиш, ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш ва гулларга сув қуйишда керак бўлади.

Болалар тарбиясида фақатгина эртаклар персонажлари билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ, балки турли-туман усуллардан самарали фойдаланяпмиз. Масалан, "Қоғозни қўл билан аниқла" ўйинида болалар қўллари билан пайпаслаб, оддий қоғоз, картон, зарқоғоз, бахмал қоғозларни ажратадилар. Бундай ўйинларни хотирани ўстирувчи ўйинлар сирасига киритишимиз мумкин. "Қувноқ одамлар" психик ўйинида эса мимикали расмлар орқали болалар қувноқ одам, хафа одам ва бефарқ одамларни фарқлайдилар. Ҳар хил дидактик ўйинлар ҳам тарбиявий соатлар самарадорлиги ва мазмунини оширмоқда.

Булардан ташқари, "Бармоқ театри", "Соялар театри" сингари турли тафаккурни ошириш билан боғлиқ ўйинлар ҳам болаларнинг машғулотларда зўр иштиёқ билан қатнашишларига сабаб бўлаяпти.

Яқиндан бошлаб ҳидли ва овозли банкалар ўйинини кашф қилдик. Бунда болалар банкалар ичига солинган мош, гуруч, қалампир, мунчоқ, райҳонни уларнинг шақиллашидан ва ҳидидан қайси экин эканини аниқлайдилар. Бу ўйин болаларнинг товушларни ажрата билиш, сигналларни қабул қилиш ва ҳид билиш қобилиятларини ўстиради. "Топилмалар қутиси" ўйини болаларни эътиборли бўлишга, ўзгалар буюмига тегинмасликка, ўғирликдан нафратланишга ўргатади.

Машғулотлар аста-секин мураккаблаштирилиб, кейинчалик турли миллат "Алла"лари эшитиб кўрилади ва бевосита болалар томонидан ижро этилади. Бундай ўйинлардан болалар ҳеч қачон ўзларини четга олмайдилар. Педагоглардан бири "Беш яшар қизалоқда ҳам бўлғуси онани кўра олиш керак", деганида нақадар ҳақ бўлган. Худди ана шу мақсадга эришиш учун қизалоқларни турли миллат оналари бўлиб "Алла" айтишга ундаймиз.

Ўзбек онаси:

"Умримнинг ширин они,
Оқ буғдойнинг нони.
Ҳамма ёмон кўрса-ям,
Ойисининг жони, алла-ё, алла"

деб алла айтса, худди шу маънони бошқача тарзда айтадиган қозоқ онаси "Алла"сини эшитиш ҳам мароқли:

"Алдий-алдий аппағим,
Қўзи тери қалпағим,
Журт суймеса-суймесин,
Ўзим суйийем, аппағим".

Рус онаси ҳам бешикни тебратиб мана бу оналар қўшиғини айтганида, беихтиёр, ҳамма халқларда оналар айтажак аллалар болаларини бахтли кўриш истагида эканликларини ҳис қиласан:

"Баю-бай, баю-бай,
Ты, собачка, не лай.
Белолака, не скули,
Нашу Таню не буди".

Хуллас, боғчада ишлаш жараёнида шуни ҳис қилдимки, болаларга меҳрингни берсанг, улар ҳам сени ўзларининг севимли "Боғча опа"си сифатида эъзозлашади. Болалар ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари таъсири остида улғайсалар, эртанги кунда улар бизнинг бахтли келажагимизни таъминлайдилар.

Мамлакат ЭРМАТОВА,
Жиззах шаҳридаги
"Ширин" номли махсус
соғломлаштириш МТМ
тарбиячиси

МЕҲНАТ - МУҲИМ ФАН

Fikr

Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ота-оналар ва ўқитувчилар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Дунёда касблар жуда кўп ва хилма-хилдир. Ана шу касблар ичидан ҳар бир ёш авлод ўзига мосини қизиқиши ва интилишига кўра, эркин ва ихтиёрий равишда танлаши зарур. Ўсиб келаётган болани ёшлигидан касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияласа, улар келгусида ўзини қизиқтирган касбни тез эгаллаб олишади ва уни ардоқлаб яшашади. Афсуски, кўп ота-оналар фарзандининг ихлоси, қизиқиши, интилиши билан ҳисоблашмай, фарзандининг ўзлари истаган касб эгаси бўлиши учун бошқа олий ўқув юртлари ва ишга киришига мажбур қиладилар. Шундай мажбурий равишда касб танлаган ёшлардан жамиятимизга, давлатимизга фойда ўрнига кўпроқ зарар келтирилади. Гарчи, касб танлаш киши ҳаётида, меҳнатда ўзи учун муносиб ўрнини эгалламас экан, кўпинча қийинчиликларга дуч келавериши, табиий.

Баркамол авлодни вояга етказиш ва уларни касбга тўғри йўллаш мактаб партасидан бошланади ва у, бугунги кун педагогининг олдида турган ягона мақсадидир. Ўқувчиларнинг касб танлашида мактабларда ўтиладиган меҳнат таълими дарслари катта аҳамиятга эга. Бизнинг мактабимизда ҳам меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни касбларга қизиқтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мен ўқитаётган бошланғич синф меҳнат дарсларида болажонлар қирқиб ёпиштириш, турли хил чоклар тикишни, газламалардан хилма-хил кийим-бошлар тикишни жуда яхши билишади. Меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг эстетик диди ривожланиб боради. Кўпчилик фикрига кўра, меҳнат таълими фани иккинчи даражали фан деб саналади, шу боис бу фанга масъулият билан қарамайдилар. Аслида эса, меҳнат фани энг керакли ва ҳар бир ўқувчига масъулият юклайдиган фандир. Ўқувчиларни касб-ҳунар эгаллаб, бирор соҳага қизиқтириш услубларида, аввалдамбошу фан ўқитувчиси ўз касбини чин дилдан севадиган, изланувчан, ижодкор, ёш авлодни ўзига жалб қила оладиган муаллим бўлиши керак. Мана шу фазилатларни ўзида мужассам этган устознинг дарсларини ҳар бир ўсиб келаётган мурғак қалб эгаси орзиқиб кутади, ушбу фанга ўзгача бир меҳр уйғонади.

Мен илк бор иш фаолиятимни бошлаган пайтимда шу мактабнинг адабиёт ўқитувчиси Д. Ортиқова каби муаллима бўлишни орзу қилганман ва шу инсондан касб сирларининг нозик қирраларини ўрганиб, келажагимиз ворислари ҳисобланмиш ўқувчиларга сабоқ бермоқдаман. Юқорида айтилганидек, ўқувчиларни ҳар томонлама мукаммал, баркамол ва меҳнатсевар шахс бўлиб вояга етиши биз ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифамиздир. Агар ҳар бир бошланғич синф меҳнат фани ўқитувчиси, мактаб партасидан ўқувчиларни касбга йўналтириб, боланинг қалбида қизиқиш пайдо қила олса, келажакда Ватанимиз учун ўз касбининг моҳир усталари, етук мутахассислар етишиб чиқар эди.

Робия ЮСУПОВА,
Янгибозор туманидаги 20-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси

НАВОИЙДА 5 ТА МАКТАБ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАНДИ

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ таълими тизимини юксалтиришда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония сингари ривожланган мамлакатларнинг дўстона қўллаб-қувватлашлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу, Навоий вилоятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Вилоят мактабларига, хусусан, Япония давлатидан 267 минг доллар қийматига эга ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси совға қилинди.

Шунингдек, яқиндагина Навоий шаҳридаги 11-мактабда компьютерлар тақдимоти маросими бўлиб ўтди. У IREX /АЙРЕКС/ маркази ва USAID /ЮСАЙД/ ривожлантириш бўйича Америка агентлиги лойиҳаси асосида амалга оширилди. Лойиҳа "Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар" деб аталган бўлиб, унинг асосий мақсади Ўзбекистон мактабларига интернет тармоғини келтиришга қаратилган. Ҳозиргача Навоий шаҳридаги 2,11, 17, 18 ва Навоий туманидаги битта мактабга замонавий компьютерлар ўргатилиб, интернет тармоғига уланди.

Тақдимот маросимида лойиҳа директори Стив Лэррэби ва Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Джеймо Гоггим жаноблари ҳозир бўлишди.

Навоий шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х.Якубоевлар навоийлик ёшларга кўрсатилган бу ғамхўрлик учун самимий миннатдорчиликларини билдириб ўтдилар.

Xushxabarlar

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Навоий вилоятидаги Конимех туманида 39 та умумтаълим мактаби, 6 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, ҳозиргача уларнинг асосий қисми янги ўқув йилига шай қилиб қўйилган. Тумандаги 12-мактабда режа бўйича тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Янги ўқув йилига илму урфон ошиёнларини бекаму кўст таъмирдан чиқаришда тумандаги ширкат хўжаликларининг улуши катта бўлаётир. "Сарыбел" ширкат хўжалиги ҳудудида 5 та мактаб бўлиб, улардан иккитасини тубдан таъмирлаш учун хўжалик 11 миллион сўм маблағ сарфлаяпти. Бу саховатдан чўлқувару чорвадорларнинг 5-мактабда таҳсил олаётган 252 нафар, 41-мактабда ўқиётган 238 нафар ўғил-қизлари, уларнинг ота-оналари бениҳоя миннатдордирлар.

Тумандаги "Абай" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мустафо Эгамқуловнинг жонкуярлиги билан ҳудуддаги барча мактаблар тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Жумладан, хўжалик марказидаги 568 ўринли 11-мактабга 12 миллион, 25-ўқув масканига 700 минг, 34-мактабга эса 900 минг сўм сарф этилди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma`rifat» мухбири

Алишер МИРЗАЕВ:

ДУНЁ САНЪАТИДА ШАРҚ МАДАНИЯТИНИНГ ҲИССАСИ УЛКАН

Бизнинг бугунги меҳмонимиз Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, республика Давлат мукофоти совриндори Алишер Мирзаев. У киши билан суҳбатимиз асосан устозлик салоҳияти, шунингдек, рассомлик санъати, унинг жозибаси, муаммоларию ютуқлари ҳақида бўлди.

— Болалигингиз, ўқитувчиларингиз ҳақида хотирангизда нималар қолган?

— Менинг ёшлигим Тошкентдаги Эски шаҳарнинг Калонхона маҳалласида ўтган. Ўша давр одамлари учун хос бўлган кичик-кичик ҳовлилар, пастқам деворлар, қўшниларимиз — машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар менинг мурғак қалбимда катта таассурот қолдирган.

Мен тўртинчи синфдан бошлаб Островский номидаги ўқувчилар саройининг расм тўгарагига қатнай бошладим. Сарой Лабзак кўчасида жойлашган бўлиб, Калонхона билан ораси анчагина эди. Омадим келса, тўгарак биносигача икки отли Абуқашқа номли узун аравaнинг орқасига осилиб борардим. Ҳамиша аравакашнинг узун қамчиси етмас жойга тирмашиб олишга интилардим. Тўгаракка шу аснода қишин-ёзин баробар қатнашга тўғри келарди. Ўша даврда Левитан, Остроухов, Поленов ва бошқа рус рассом манзарачилари ҳақида кўп ўқирдим. Уларнинг оилавий ҳаёти, ижоди, ўз истеъдодини юзага чиқаргунча бошидан ўтган саргузашт ва мураккаб ҳаёт йўли кабиларни бутун тафсилотларигача билишга интилардим.

Юқорида номлари тилга олинган рассомлар чизган манзараларга мувофиқ тасвирларнинг аксарияти ўқувчилар саройи боғида бўларди. Мен ана шу асарлардан нусха олишга ва ўзим ҳам мустақил равишда сувбўёқда сурат чизишга ҳаракат қилар эдим. Саккизинчи синфни битириш арафасида шу боғнинг ичида Саврасов асарларидан руҳланиб расм чизаётган эдим. Домлам Роза Ҳафизовна Сафина севиниб кетди ва "Сен Беньков номидаги бадиий билим юртига киришга бемалол тайёр бўлибсан", деб руҳлантирди.

Билим юртида яхши домланинг қўлига тушдим, Александр Петрович Перов 60-йилларда Ўзбекистон рассомларининг энг олди вакилларидан бири эди. Ўша пайтларда у киши юртимиздаги тасвирий санъат равнақига сезиларли ҳисса қўшаётган рассомлардан бири эди: Ёш талабаларга ўша даврнинг кўзга кўринган мўйқалам усталари Попков, Еришев, Греку, Вуколов кабиларнинг ижодидан намуналар асосида назарий билимлар, айниқса, композиция хусусида кўп яхши маълумотлар берилди.

— Ижодингизнинг ўзига хос хусусиятларини нимада деб биласиз?

— Асосан, миллий мерос санъати билан боғлиқ. Яъни, миниатюра санъати, халқ амалий санъати ва қадимги археологик топилмалар —Афросиёб, Варахша, Болаликтепа каби деворий рангтасвир асарларига қиёсан изоҳлайман. Айниқса, охирги пайтда ўзбек миллий рангтасвири бўлмиш миниатюра санъатини кенг кўламда ўрганган ҳолда уни тўғри ўқиб, сарҳисоб қилиб, шу асосда омухта иш олиб бораяпман. Албатта, бунда ичига уч ўлчамликдан икки ўлчамликка ўтиш жараёнлари, декоратив рангдорлик ҳолатлар, шарқона пластика устида иш олиб бориш ва шунингдек, дунё тасвирий санъатидан хабардор бўлиш ўзига хос тарзда ифодаланади.

— Асарларингизни ишлаш жараёнида уларни томошабинлар онгига етказа олиш учун харакат қиласизми?

— Албатта, томошабинни санъаткор эргаштира билиши керак. Лекин фақат томошабин диди билан ишлаган санъаткор эртага инқирозга юз тутади. Бунинг устига бизнинг замонавий рангтасвир санъати, ҳозирги кўринишда биз учун ноанъанавий. Европадан опера ва балет шакли каби тасвирий санъатимизга дастгоҳли рангтасвир санъати кириб келган. Яъни, холст тортилиб, дастгоҳ кўринишга келтириш. Бизнинг авлод вакиллари миллийликка катта эътибор берган. Азалдан ўзбек хонадонларида дастгоҳ кўринишдаги тасвирий санъат асари эмас, балки улар ўрнини халқ амалий безак санъати — каштачилик, зардўзлик, гилам тўқимачилиги, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунармандчиликнинг бир қанча турлари саналган миллий анъаналар эгаллаган. Бу ҳозиргача давом этиб келмоқда ва бундан кейин ҳам давом этади. Демак, дастгоҳли рангтасвир шаклининг ўзи бўлмаган. Бу яқинда пайдо бўлган санъат. Ўлкамиз кишилари рус дастгоҳли рангтасвир санъати анъаналари орқали тарбияланган. Яъни, мактаб учун тайёрланган махсус китоблардан бошлаб, олий ўқув юртларигача керакли адабиётлар иллюстрацияларида асосий ўринни рус рассомлари асарлари эгаллайди. Бу тасвирий санъатимиз фожеаларидан бири саналади. Бунинг учун, энг аввало, миллий рангтасвир санъатимизни халқимизга сингдириб боришимиз лозим.

Mehmonxona

— Мусулмон динида инсон тасвирини, умуман, жонли мавжудотни тасвирлаш ман этилган деган фикрлар мавжуд. Унинг салбий оқибатлари ҳақида фикрларингиз?

— Бу салбий оқибатлар эмас. Жонзотни жонли қилиб тасвирлашга динимиз қарши бўлган. Сабаби, Оллоҳ инсонни бир кўринишда яратади. Рассом томонидан унинг иккинчи бир нусхасини яратиш қораланади. Ва шунингдек, ислом таълимоти тасвирий санъатни рамзий ва шартли нуқтаи назардан тарғиб қилади. Бу эса тасвирий санъат табиатига тўлақонли жавоб беради ва тан олади. Лекин, бу тушунчани тўғри идрок эта билиш керак. Тангри ўзи безайди, у гўзалликни севади. Рассом фақат гўзаллик яратувчи ҳисобланади. Ва шу орқали Оллоҳни севиш ўрганилади. Қуръони каримда бу ҳақда ҳеч нарса берилмаган. Агар биз ҳадислар орқали нотўғри фикр юритган ҳолда иш тутадиган бўлсак, дунёдаги инсон қўли билан яратилган гўзалликни йўқ қилиб юбориш ҳеч гап эмас. Толибонлар томонидан Афғонистоннинг Бамиан вилоятидаги 50—37 метрли будда ҳайкаллари бузиб ташланиши бунга мисол.

— Ўтмишда Сиз айтаётган камчиликлардан холи ижод қилган рассомлар бўлганми?

— Темурийлар даврида тасвирий санъат юқори чўққига кўтарилган бўлиб, жумладан, миниатюра санъати ривожланган. Миниатюра санъати ўзидан келиб чиққан ҳолда шоирона бир шартлилик асосида бўлган. Мисол учун, рассом Камолиддин Беҳзодга Шайбонийхон ўз портретини ишлашни буюради. Ривоят қилишларича, Шайбонийхон ўзининг ҳаддан зиёд жонли суратини кўриб, қулоғи остига Беҳзоднинг мўйқалами билан "жонли қилиб қўйибсиз" деган маънода ранг суриб қўяди. Бу ерда шартлиликка қадам қўйиш мақсад бўлган.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, барча дунё тасвирий санъат асарлари шартлилик асосида ташкил топиши керак. Бунда табиатдан тўғридан-тўғри кўчириш бўлмайди.

Дунё санъатида XX асрнинг илғор рассомлари, хусусан, Матисс, Кондинский, Пикассо ва бошқалар тасвирий санъатда туб бурилиш ясаганлар. Тасвирий санъатнинг жони ва қони бўлмиш пластикага(шаклбозликка) катта эътибор беришган, шунингдек, уларнинг ижодида натуралистик ва фотографик ифода усуллари кучли бўлган. Юқорида таъкидлаб айтганимиздек, ушбу жараённи тасвирий санъат қонун-қоидаларига риоя қилиб, уни шартли томонлари билан амалга оширишда дунё санъатида Шарқ маданиятининг ҳиссаси улкандир.

— Ўзбекистонда ва чет давлатларда санъатшуносларнинг ўрни ҳақида қандай фикр билдирасиз?

— Ўзбекистонда кўзга кўринган яхши санъатшуносларимиз жуда оз. Тилаб Маҳмудов, Акбар Ҳакимов, Нигора Аҳмедова, Л.Корзаеваларни тилга олиб ўтиш мумкин. Республикамизда ягона бўлган Миллий рассомлик ва дизайн институтимиздаги санъатшунослик факультети бирталай ёш санъатшуносларни тайёрлаб бермоқда. Лекин, санъатшунослар томонидан ёзиладиган, муаммо билан йўғрилган мақолалар жуда ҳам кам. Баъзи бир журналистларимиз борки, тасвирий санъат тушунчасига эга бўлмасдан туриб, уни бузиб ёзишади. Оммавий ахборот воситаларида санъатшуносларимизнинг ўрни бўлса жуда яхши бўларди. Бунинг учун, аввало, санъатшунос расм чиза билиши, рассомлик сир-асрорларидан хабардор бўлиши керак. Шу билан бирга санъатшунос ўз фикрини айта олиши, кўргазмаларга кўпроқ бориши ва жумладан, санъатшунослик факультетида рассомлар тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар, танқидий фикрлар бўлиши яхши самара беради. Бунинг учун факультетда ижодий парвозларни қўллаб-қувватлаш, улар руҳини кўтариш лозим бўлади. Менинг фикримча, санъатшунослик факультетидаги бўлим "Тасвирий санъат тарихи ва назарияси" бўлими эмас, балки "Пластик санъат тарихи ва назарияси" бўлими деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бўлғуси санъатшунослар учун асосий машғулотлар ўзбек тилида олиб борилса, махсус китоблар ҳам ўзбек тилига таржима қилинса, айни муддао бўлар эди. Бу ҳозирги давримиз учун долзарб муаммолардан бири. Чет элларда тасвирий санъат тушунчасининг доираси жуда ҳам кенг. Улар тасвирий санъатнинг барча турларида бемалол фикр айта оладилар.

— Ҳозирда Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларига сабоқ бериб келмоқдасиз. Сизнингча, таълим муассасаларида тасвирий санъат дарслари талаб даражасидами?

— Ўзбек фарзанди қобилиятсиз бўлмайди. Лекин, бу иқтисодий шарт-шароитга ҳам боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди билан болаликданоқ индивидуал шуғулланиб, болаларини тўгаракларга қатнаштира билиши керак. Биз ҳам тўгараклардан иш бошлаганмиз. Тўгарак жиддий босқич.

Энг аввало, бўлажак тасвирий санъат мутахассислари тасвирий санъат тушунчасини, унинг аниқ маъносини билиши керак. Фикримча, "Тасвирий санъат" — нотўғри термин. Бу термин рус санъати орқали бизга кириб келган. Бутун дунёда тасвирий санъат маъноси — PLASTIC ART, яъни пластик санъат деб юритилади. Бунинг таржимаси "шакллар ўйини", чизгилар муносабати, булар тасвирий санъат тушунчасига киради. Энг асосийси, мана шундан бошлаш лозим.

Расм чизишга ҳаммани ўргатиш мумкин. Лекин, фикр юритиш учун назариядан ҳам дарслар олиб бориш керак. Талабаларимизга келсак, уларда ижодий парвоз йўқ. Фақат ҳунарманд бўлиб қолишмоқда, эркин ижодкор эмас. Бу биз учун катта муаммо. Санъатшуносларимиз эса, бу борада қизиқишмаяпти. Бунга чуқурроқ қараш керак.

— Мақсадларингиз, ижодий режаларингиз?

— Илоҳий мавзуга боғлиқ туркум асарлар билан иш олиб бораяпман. Шу билан бирга миллий натюрмортлар ҳақида ҳам. Ундан сўнг икки хил назарий китоб — "Мағрибу машриқ" ва "Миниатюрамиз истиқболи" деб номланган асарларим шулар жумласидандир.

— Тасвирий санъат ихлосмандларига тилакларингиз?

— Санъат асарлари қадрига тушуниб етишса, тасвирий санъат асарлари қўйилган кўргазмаларга кўпроқ боришса, ўз дунёқарашларини кенгайтиришса, дейман. Барчага маънавий соғлик-саломатлик тилайман.

Дилсора СУЮНОВА суҳбатлашди.

— Bolam, to'xta, mana bu gulga qara, o'zi juda kichkina, uni mitti desak ham bo'ladi, lekin juda chiroyli-a, rangini qara, gul yaproqlarini aytmaysanmi? — deb maqtab, bolaning shu gulni mazza qilib tomosha qilishiga, undan zavq olishiga erishish mumkin.

Bolangiz maktabga tayyormi?

АЗИМ ТАБИАТ ҚУЙНИДА ЖАЖКИ БОЛАЛАР

6-мақола

БУ УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРАДИ

Болаларни мактабга тайёрлаш ва 1-синфда муваффақиятли ўқиб кетиши оралиғида бўшлиқ бўлмаслиги учун болага ёқадиган барча ишларни ўз вақтида амалга ошириш лозим. Булардан энг зарури, болаларни табиат билан ошно қилишдир. Табиат қўйнида болалар эркин нафас олиб, ундан руҳий озуқа олсин, теварак-атрофни муттасил кузатишга одатлансин. Баланд тоғлар, азим дарёлар, турфа гуллар, майин шабада, қушлар чуғури, сувнинг шилдираши, чархпалакнинг айланиши, чигирткаларнинг чириллашини диққат билан тинглаган болаларда табиатга бўлган меҳр уйғонади. Ёшликдан табиатдаги барча нарсаларни асраб-авайлашга ўргатиш, экологик мувозанатни сақлашда болалар иштирокини уюштириш лозим. Ҳар бир болани ёшликдан "Табиат қўриқчилари" қилиб тарбиялаш керак.

Табиат бойликлари, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида қизиқарли суҳбатлар уюштириш, қуёш, ой, юлдузлар, ер, денгиз, дарё, кўллар ҳақида гапириб бериш лозим. Табиат ҳақида топишмоқлар, мақолларни ўргатиш фойдалидир. Табиат ҳақида суҳбатлар уюштирганда, сув муаммосини болалар тилида тушунтирилади. Шу ҳақда топишмоқлар ўргатилади. Бу ўринда болаларга:

"Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса чўл бўлур"

мақолини ёд олдириш, томчи сувнинг аҳамияти ҳақида эртаклар, ривоятлар, ҳикоялар айтиб бериш фойдалидир. Ва болалар фикрини эшитиш, ижобий фикрларини маъқуллаш, болаларнинг руҳиятини кўтаришни ҳам унутмаслик керак.

Болаларни табиатни севишга ундаш орқали уларни меҳнатга ўргатиш мумкин. Ҳовли, айвонларда гулзор ташкил қилишда болалар иштирокини ташкил қилиш улардаги ҳамжиҳатликни тарбиялайди. Бу ишларда болалар гуллар, ўсимликлар номини, рангини, шаклини билиб оладилар ва ўз нутқларида бу сўзларни ишлатишга ўрганадилар.

Шунинг учун ҳам Афлотун, Арасту, Абу Али ибн Сино ва бошқа файласуф олимлар бирмунча касалларни табиат қўйнида, соф ҳавода даволашни афзал кўрганлар. Уларнинг назарида, кузатишларида турли томошалар, байрамлар, сайру саёҳатлар, балиқ ови, кенг яйловларда бўлиш, узоқ-узоқларга тикилиб қараш инсон кўзини равшан қилиб, дилини очар ва уларни ҳаётга муҳаббат билан қарашга ундар экан.

Серқуёш ўлкамизда йилнинг саккиз-тўққиз ойи очиқ ҳаводан иборат бўлиб, болаларни сайр-саёҳатларга олиб бориш имкони бор. Инсон қанча кўп нарсани кўрса, унинг онги, тафаккур этиш фаолияти шунча кенгайиб, ривожланади. Айниқса, болалик даврида кўрганлари унинг бир умр ёдида қолади. Хотира эса инсоннинг кейинги фаолияти учун янги-янги йўналишлар белгилайди. Сайр-саёҳатлар шунчаки уюштирилмаслиги лозим. Маълум мақсад, режа, бола учун фойдали бўладиган ишлар тизими боланинг имконияти ва қабул қила олишига қаратилган тадбирлар ўйлаб тузилган бўлиши керак.

Бола ҳали саводли эмас, лекин сайр-саёҳатга чиқишдан олдин унга дафтар ёки альбом, қалам берилса, кўрган-кузатганларини турли белгилар билан ифодалашни ўрганади. Масалан, у дарахтлар, буталар, гуллар, тоғ, дарё, турли иншоотларни ўз билганча, ё расм чизиш орқали ёки ўзига маъқул тушган белгилар қўйиб чизиши мумкин. Сайр-саёҳатлардан сўнг кўрганларини таҳлил қилиш фойдали бўлади. Бола мактабга борганида унга махсус кузатув дафтари берилади, унда бола бу дафтарга ўз тажрибасидан келиб чиқиб, топшириқларни осонликча бажаради.

Атоқли файласуфлар, педагоглар, психологлар киши руҳининг ўсишида тарбия жараёни умумий таъсирининг кўп қисми киши ҳаётининг дастлабки беш йилига тушишини ва инсон шахсининг энг асосий хусусиятлари асосан ана шу ёшда таркиб топа бошлашини илмий исботлаганлар. Шундай экан, болалар билан шуғулланиш жараёни шундай уюштирилиши керакки, 5 ёшгача кўп нарсаларни кўрсатиш, тушунтириш ва кичик таҳлиллар қилиш фойдали бўлади. Боланинг дид-фаросатини ўстириш масаласи ҳам дастлабки беш йил мобайнида амалга оширилса, унда рангларга муносабат, гўзалликни ҳис ва идрок этиш хусусиятлари пайдо бўлади ва ривожланади, уларга интилиш ҳисси боланинг нозиктаъб бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Бола бир қарашда гўзалликни пайқамаслиги ва унга эътибор бермай ўтиб кетиши табиий бир ҳолдир. Лекин ота-она бола диққат-эътиборини жалб этиш мақсадида:

— Болам, тўхта, мана бу гулга қара, ўзи жуда кичкина, уни митти десак ҳам бўлади, лекин жуда чиройли-а, рангини қара, гул япроқларини айтмайсанми? — деб мақтаб, боланинг шу гулни мазза қилиб томоша қилишига, ундан завқ олишига эришиш мумкин. Ёки эрта баҳорда "виз-виз"лаб учиб юрган асаларларга бола эътиборини тортиб:

— Болажоним, еган ширинликларингни эсла-чи?

— Шакар, қиём, шоколад...

— Яна эсла, — бола агар асал сўзини айта олса яхши, эслай олмаса, ота-она унга "асал" деб эслатади.

Бола севиниб:

— Асал, асал, — дейди.

— Ана, қара асалари гулларга қўниб, шарбат йиғиб, сўнг бизга асал қилиб беради, — деб болага асалнинг қандай ҳосил бўлишини тушунтиради.

— Ана, у ёққа қара, улар нима?

— Капалаклар.

— Рангларини айт-чи?

Бола дарров уларни айта олмаса ота-она:

— Оқ, чипор, сариқ... — деб рангларини болага уқтиради:

Бир топишмоқ айтаман, ўйлаб топ!
Икки япроқ бир танда,
Кезар гулзор, чаманда.

Бола бу ўхшатишни жонли равишда кўриб, кузатиб тургани учун "Капалак" деб айтиши, табиийдир.

Болага йил фасллари ҳақида тушунча бериш айнан табиатга сайр-саёҳат давомида бўлса янада фойдали бўлади. Қиш фаслидаги сайр пайтида:

"Оппоқ катта дастурхон ҳаммаёқни қоплаган" топишмоғи айтилади. Болалар ўйлайди.

— Атрофга қара, табиат қандай рангда? Топишмоқнинг жавобини айтгин-чи?

— Оппоқ қор, — дейди бола.

— Жуда тўғри айтдинг. Бу қиш фасли. Қишда қор ёғади, сувлар музлайди. Совуқ бўлади. Йил тўрт фаслга бўлинади. Мана, ҳозир қиш, қишдан сўнг баҳор, баҳордан сўнг ёз, ёз ўтгач, куз келади. Биз, албатта, баҳор, ёз, куз фаслида ҳам боғларга, тоғларга сайр-саёҳатга чиқамиз. Бу фаслларда табиат қандай рангда бўлишини кўрамиз. Шундан сўнг болага ойлар, ҳафталар, кунлар, уларнинг номи ҳақида ҳам тушунча берилади. Кундузи, кечаси бўлишини сабаблари мисоллар билан тушунтирилади.

Болалар эътиборидан ҳеч нима четда қолмайди. Сизу биз илғамаган нарсаларни болалар тезда кўриб қоладилар.

— Ана, бурчакда ўргимчак, — дейди шошиб.

— Ана у чумолиларни қаранг, дарахтга чиқиб кетяпти, чириллаётган нима?

— Чигиртка.

— Чақмайдими?

— Йўқ, у чақмайди. Доим қўшиқ айтиб, сакраб-сакраб юраверади.

Боланинг табиат билан мулоқотда бўлиши, кўпинча ҳайвонот дунёси билан боғлиқлиги маълум. Айниқса, ҳайвонларнинг боласини кузатиш уларга чексиз завқ-шавқ бағишлайди. Тойча, бўталоқ, хўтик, қўзи, улоқларни нафақат томоша қилиш, балки уларни силаб-сийпашни яхши кўрадилар. Шу тариқа бола катталарнинг бевосита раҳбарлигида аста-секин ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилади. Қушларга, товуқ, ўрдак, курка, ғозларга дон сепиш, қўзи, улоқчаларга ўт бериш, сув бериш каби ишларни жон-дил билан бажарадилар.

Об-ҳавони кузатиш ҳам кичкинтойларга алоҳида завқ бағишлайди. Ҳаво булут бўлса, болаларда ҳам бироз кайфият пасаяди. Улар очиқ ҳаволи кунларни яхши кўрадилар. Шундай пайтларда ота-она, ўқитувчилар:

— Қара, қалдирғочлар жуда баланд учмоқдалар, эртага, албатта, ҳаво очиқ бўлади, қуёш чарақлаб туради, — деб улар эътиборини қалдирғочлар учишига қаратишади. Ёки сой бўйида қурбақаларнинг бетиним қуриллаши, шунингдек, мушукнинг ғужанак бўлиб ётиб олиши ҳам тез орада ёмғир бўлишидан хабар бераётганлигини болалар кузатиб, билиб олишларига кўмаклашилади.

Табиатдаги бор нарсаларнинг болалар томонидан идрок этилишини мустаҳкамлаш учун турли хилдаги ўйин-машғулотлар ўтказиш бола ақлини пешлайди. Масалан, болаларга сабзавот ва мева расмлари берилади. Ўнг томонга меваларни, чап томонга сабзавотлар расмини қўй, деб уларни кузатиб турилади. Агар бола уларни яхши фарқламаса, кўмак берилади. Болалар полиз экинларини яхши фарқламай, сабзавотлар сирасига қўшиб айтадилар. Шундай пайтда болалар билан дидактик характердаги ўйин ташкил этиш фойдали. Масалан, "Полизга саёҳат" ўйини болаларга тарвуз, қовун, қовоқ, ҳандалак ва бодринг полизда ўсишини билдиради. Шунингдек, "Кунгабоқар, қаёққа боқар" ўйинида болалар кунгабоқар дон маҳсулотларига киришини билиб оладилар.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки табиат алифбоси болага ана шу тариқа сингдириб борилади. Шунда болада она-Ватанга муҳаббат, ундаги жамики нарсаларга меҳр уйғонади. Эстетик диди шаклланади. Буларнинг барчаси унинг кейинги ҳаёти, фаолияти учун ниҳоятда зарурдир.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор

Xotira

ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Муҳаммад Раҳимхон Феруз номидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби дунё илму фан соҳасининг ривожланишига ўзининг олиму уламолари билан муносиб ҳисса қўшган қадимий Хива шаҳрида жойлашган. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимов раҳбарлик қилаётган мактаб жамоаси Хоразм воҳасида ўз нуфузига эга таълим масканларидан саналади. Мактаб жамоасининг юқори натижаларга эришишида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар Саидназар Абдурасулов ва Раҳим Назарийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳар қандай таълим масканида ўқиш учун зарур бўлган соғлом муҳит билан бирга ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнат қилиши ҳам талаб қилинади. 10-мактаб жамоасининг воҳада ўз ўрнига эга бўлишида жон куйдириб меҳнат қилганлардан бири халқ таълими аълочиси Оқилжон Ражабова эди. Таътил арафасида мактабда фидойи муаллимани хотирлаш кечаси ўтказилди. Аҳамиятли жойи шундаки, мазкур кечада Хива туман ХТБга қарашли бир неча мактаб ўқувчилари мураббий хотирасига бағишлаб, иншо танловини ўтказишди. Бу, битирувчи синф ўқувчиларига битирув имтиҳонлари олдидан ўзига хос синов бўлди, десак янглишмаймиз. Танлов ғолиблари қиммат-баҳо совринлар соҳиби бўлдилар. Кеча сўнгида Оқилжон Ражабованинг қариндош-уруғлари мактаб маъмуриятига миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Ш.НИШОНОВ

ИЛМЛИ ХОР БЎЛМАС

Ustoznoma

Дарё оқаверар экан, ундан қанчадан-қанча ниҳоллар оби ҳаёт олади, не-не жилғалар ариқ бўлади. Инсон ҳаётини ҳам шунга менгзаш мумкин. Турғунбой Тўйчиев отасининг Бўз туманида биринчи муаллимлардан бири бўлганини, бугун бўзликлар у таратган маърифат нури ҳамон ёш қалблар йўлини чароғон қилаётганини таъкидлашини эсларкан, ўзининг ҳам бу касб этагини тутганидан мамнун бўлади. 1943 йил бошланғич синф ўқитувчилигидан меҳнат фаолиятини бошлаган Т.Тўйчиев олтмиш йилдан сўнг ҳаёт тажрибаси билан у даврга нигоҳ ташлаганида албатта ўсмирликка хос шижоат ва айрим нуқсонларни кўриши мумкин. Аммо бир нарса кўнглига таскин беради: у бу касбни танлаб адашмади. 1949 йилда Андижон Давлат ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетини битириб, халқ таълими соҳасидаги фаолиятини мазмунан бойитиб олган Турғунбой Тўйчиев 1991 йилга қадар турли жойларда масъулиятли лавозимларда меҳнат қилган бўлса-да, бу давр оралиғида бировнинг кўнглига беҳуда озор бермади. Шу боис ҳам бўзликлар уни мамлакатимиз истиқлолининг илк йилидаёқ туман халқ таълими бўлими «Нуроний— устоз» кенгашига раҳбарликка сайлашди.

Истиқлол эпкини бугун ўзининг етмиш беш ёшини нишонлаётган мураббийни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу даврда минглаб шогирдларнинг устози, меҳрибон ота ва севимли бобо, халқ маорифи аълочиси Т.Тўйчиев бир неча хорижий давлатларда саёҳатда бўлди, муҳими — унга муборак ҳаж зиёратида бўлиш насиб этди. Хуллас, бугун Турғунбой ҳожи Тўйчиевни ёру дўстлари, биродарлари, туман аҳлининг алқашлари сабабини шу билан изоҳлаш мумкин: илмли киши хор бўлмайди.

И.РАСУЛОВ

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассисларининг 2003 йил август кенгашларини ўтказиш бўйича

ТАВСИЯЛАР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати самарадорлигини янада ошириш тақозо этилади. Зеро, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми, аниқроғи, унинг барча қирраларини қамраб олган ва мазмунига сингдирилган интеграцион (узвийлаштирилган) жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис муаммолари, нафақат шу фаолият билан бевосита шуғулланувчи ташхис тизими мутахассислари, балки барча педагоглар учун ҳам ўзига хос долзарблик касб этади.

Республикамиз халқ таълими тизимида шакллантирилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тузилмаси бугунги кунда етарли даражада илмий-услубий салоҳият, тажриба асосида фаолиятни амалга оширмоқда. Сўнгги 2-3 йил давомида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларига оид барча меъёрий-услубий ҳужжатлар, илмий-услубий материаллар тайёрланиб, жойларга етказилди. 2002-2003 ўқув йилида "Ўзбекистон Республикасида ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш Концепцияси", "Энг намунали ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати кўрик-танлови тўғрисида"ги тажрибавий Низом, "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида психологик хизмат тўғрисида"ги муваққат Низом, "Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўриги тўғрисида"ги Низом, "Туман, шаҳар ташхис марказлари ходимларининг "Амалий тажриба мактаби" тўғрисида"ги Низом каби фаолият мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи зарурий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилмоқда.

Ҳудудий ташхис марказлари мутахассислари ҳамда таълим муассасалари учун "Касблар олами", "Касбий атамалар луғати", "Касбга йўналтирувчининг малакавий тавсифи" каби услубий қўлланмаларнинг лойиҳалари тайёрланди ва янги ўқув йилидан амалга жорий этилади.

Психологик-педагогик ташхис йўналиши бўйича ҳам олти ёшли болаларнинг мактабга тайёргарлигини ўрганиш бўйича "Психологик ташхис методикалари", ихтисослаштирилган мактабларга иқтидорли болаларни танлаш учун "Иқтидор диагностикаси" методикалар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилмоқда. Касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис ишларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 2002-2003 ўқув йилида 1-9-синф ўқувчилари учун "Психологик-педагогик ташхис дафтари" жорий этилди. Бу йўналишдаги ишлар янги ўқув йилида ҳам давом эттирилади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис муаммолари бўйича 2002 йил 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш Маркази режасига асосан Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда "Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари" мавзусидаги конференция, 2002 йил 19-21 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис хизматини такомиллаштириш" мавзусидаги Республика семинари амалга оширилаётган ишларни илмий асосда ташкил этиш ҳамда истиқбол режаларни белгилашда аҳамиятли бўлди.

Ташхис тизими фаолиятининг таҳлиллари 2003-2004 ўқув йилида ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммолар ҳам борлигини кўрсатади:

Биринчидан, таълим-тарбия ва касб-ҳунарга йўналтириш жараёнларининг интеграциялашувини таъминлаш, яъни ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни умумтаълим фанлари, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар мазмуни билан уйғунлаштириш;

Иккинчидан, умумий ўрта таълим мактаблари, ўқувчилар ва ота-оналарни касб-ҳунарга оид ахборотлар билан таъминлаш, касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхиснинг яхлитлигига эришиш, бу жараёнга интерфаол педагогик технологияларни тадбиқ этиш;

Учинчидан, мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими узлуксизлигидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини барча таркибий қисмлари (касбий ахборотлар, касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхис, касбий танлов, касбга мослашув) бўйича мажмуавий амалга ошириш;

Тўртинчидан, умумий ўрта таълим битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш ва жалб этишнинг яхлит механизмини ишлаб чиқиш, уни босқичма-босқич (2003-2009 йиллар) амалиётга тадбиқ этиш;

Бешинчидан, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассислари, мактаб амалиётчи психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислар, дефектолог ва тиббий ходимларининг касбий салоҳиятини юксалтириш, уларга кўрсатилаётган илмий, амалий-услубий ёрдам самарадорлигини ошириш;

Олтинчидан, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизматига оид ишлаб чиқилаётган ўқув, илмий-услубий, ахборот-дастурий материалларнинг мазмундорлигини ошириш ҳамда амалий аҳамиятини кучайтириш ва ҳоказо.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассисларининг анъанавий август педагогик кенгашларида ҳар жиҳатдан мукаммал, атрофлича муҳокама ва таҳлиллар асосида мазкур муаммолар ечимини излаб топиш лозим. Бундан ташқари, ҳудудий ташхис марказлари мутахассислари, мактаб амалий психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислар, дефектологлар ва мактабларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари якунланган ўқув йили давомида амалга оширилган ишларни чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар сабабини аниқлаш, янги ўқув йилида уларни такрорламаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан кейинги ҳаракат йўналишларини белгилаб олишлари керак.

Ташхис тизими мутахассисларининг август кенгашлари бошланишидан олдин вилоят халқ таълими бошқармалари ташхис марказлари ва вилоят ПХҚТМОИлари билан ҳамкорликда туман, шаҳар ташхис марказлари раҳбарларининг семинар-кенгашларини ўтказишлари, уларга жойларда ўтадиган тоифалар бўйича шўъба ишларини ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар бериши ҳамда услубий материаллар билан таъминлаши керак.

Август кенгашларининг тоифалар бўйича шўъба ишлари давра суҳбати, илғор тажриба минбари, психологик-педагогик тренинг, баҳс-мунозара, психологик-педагогик консилиум шаклларида интерфаол усуллар билан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Республика ташхис маркази ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва таълим муассасаларида тиббий-дефектологик ва психологик хизмат муаммолари бўйича мутахассисларнинг анъанавий август кенгашларида муқокама этиш учун қуйидаги мавзуларни тавсия этади:

КОНФЕРЕНЦИЯ (ЯЛПИ ЙИҒИЛИШЛАР) УЧУН:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлиги, 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш ишларининг якунлари, таҳлиллар, истиқбол режалар.

2. Таълим муассасаларига кўрсатилаётган психологик-педагогик ташхис хизматининг аҳволи, унинг сифат-самарадорлигини ошириш омиллари.

3. Руҳий ёки жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг реабилитацияси, уларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили, навбатдаги вазифалар.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШЎЪБАСИ УЧУН:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига йўналтириш ҳамда олти ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш комиссиялари фаолиятининг якунлари бўйича таҳлиллар ва таклифлар.

2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ўзаро ҳамкорлик (мактаб, касб-ҳунар коллежи, маҳалла) ишлари ва уни такомиллаштириш муаммолари.

3. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис бўйича илғор тажриба мактаблари фаолияти билан танишиш.

4. Умумий ўрта таълим битирувчиларини ўтиш даврида (2003-2009 йиллар) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига босқичма-босқич йўналтириш тартиби.

5. Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган синф, мактабларга иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларнинг таълим-тарбиясини ташкил этиш масалалари.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ШЎЪБАСИ УЧУН:

1. Олти ёшли болаларни мактабга мослаштириш бўйича ўтказиладиган "Психологик саломатлик мактаби" машғулотларининг мазмуни.

2. Кичик мактаб ёши болалари учун юритиладиган "Психологик-педагогик ташхис дафтари" билан ишлаш тартиби.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар учун қуйидаги шўъбаларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ МУТАХАССИСЛАР ШЎЪБАСИ:

1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш Концепцияси асосида мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг олиб борилиши билан боғлиқ бўлган долзарб вазифалар.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинган кўргазмалар орқали касб-ҳунарга йўналтириш.

3. Меҳнат таълими ва умумтаълим фанларини ўқитишда касб-ҳунарга йўналтириш масалалари.

4. Профилли меҳнат таълими ва касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ўзаро узвийлиги.

5. Ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари, уюшмалар, ташкилотлар ва уларнинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги роли.

6. Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга йўналтиришнинг замонавий ахборот технологиялари.

7. Мактабда касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг иш мазмуни.

8. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларнинг ўрни.

9. Ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги, лаёқатига мос касб-ҳунарни онгли равишда танлай олишга тайёрлаш услубиёти.

10. Касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхиснинг интерфаол усуллари.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГЛАРИ ШЎЪБАСИ:

1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида психологик хизматнинг моҳияти ва вазифалари.

2. Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўрикдан ўтказишнинг ташкилий-услубий асослари.

3. Олти ёшли болаларнинг тиббий, психологик-педагогик кўриги ва мактабга мослаштириш натижаларининг таҳлили, хулосалар, истиқбол режалар.

4. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис муаммолари, янги психологик методикалар мажмуаси билан ишлаш бўйича амалий машғулотлар.

5. Мактаб психологининг ўқитувчилар ва ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишларининг мазмуни.

6. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг интерфаол технологиялари.

7. Иқтидорли болаларни танлаш бўйича психологик методикалар.

8. "Психологик-педагогик кузатув дафтари" ва "Психологик-педагогик ташхис дафтари" билан ишлаш тартиби.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДЕФЕКТОЛОГЛАРИ ШЎЪБАСИ:

1. Махсус мактабгача таълим муассасалари дефектологлари (логопедлар) фаолиятининг таркибий мазмуни

2. Умумий ўрта таълим мактабларида дефектологик хизматнинг мазмуни ва хусусиятлари

3. Махсус мактаб-интернатларда коррекцион ишларнинг мазмуни.

4. Нуқсонли болаларнинг махсус таълим–тарбиясини ташкил этишда ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишлар.

5. Махсус таълим муассасалари ва мактабларида нуқсонли болаларга кўрсатиладиган дефектологик хизматнинг интеграцияси.

6. Ривожланишида нуқсон бўлган болаларни интеграция ва инклюзив таълимга жалб этишнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари.

7. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган ва соғлом болалар таълим-тарбиясини интеграциялаш.

8. Нуқсонли болаларни психологик-педагогик ташхис асосида аниқлаш, саралаш усуллари.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТИББИЙ ХОДИМЛАРИ ШЎЪБАСИ:

1. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда Республика ташхис маркази қўшма кенгашининг 2002 йил 29 июн 7-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг бажарилиш аҳволи.

2. 2003 йилда олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги якунлари (таҳлилий хулосалар, келгуси режалар).

3. Тиббий кўрик жараёнида касал деб топилган олти ёшли болаларни соғломлаштириш ишларини такомиллаштириш.

4. Олти ёшли болаларни мактабга мослаштиришда тиббий ходимнинг ўрни.

5. Умумий ўрта таълим мактабларида "Соғлом авлод асослари" курсини ўқитиш муаммолари.

Юқорида тавсия этилган шўъбалар ва белгиланган мавзуларга ижодий ёндошган ҳолда ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, ўзгартиришлар, ёхуд қўшимча мавзулар киритиш мумкин.

Dasturni tuzishda 10-11-sinflar uchun amalda qo'llanib kelinayotgan dastur va darslik asos qilib olindi. Darslik qayta ishlandi va takomillashtirildi.

Navoiy «La'lidin jonimg'a o'tlar yoqilur», «Yorab, ul shahdu shakar yo labdurur?», «Tig'i ishqing yorasidir butmagan» tuyuqlarida o'zbek tili badiiy imkoniyatlari cheksizligining amalda ko'rsatilganligi.

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

ONA TILI

10-sinf

Ona tili bo'yicha o'tiladigan darslar mazmunan ham, shaklan ham, o'qitish uslubining yangiligi bilan ham 9-sinfgacha o'tilgan mavzularning davomi bo'ladi. Bu davomiylik o'tilgan mavzularning yangi qirralarini ochish, ularni og'zaki va yozma nutqda bemalol qo'llash ko'nikmalarini hosil qilishga yordam beradi. Shu yo'l bilan ona tili bo'yicha bilimlari mustahkam bo'lgan o'quvchi oliy maktabga kirishga ham, test savollariga to'la javob berishga ham tayyor bo'ladi.

Ona tili qoidalariga berilgan misollar ham, mashq turlari ham, darslarning mazmuni ham o'quvchining fikrini o'stirishga yordam beradi, uning zamonaviy yuksak talablarga javob beruvchi, har tomonlama mukammal inson bo'lib yetishib chiqishiga yordam beradi.

Shunga erishish kerakki, o'quvchi ona tili bo'limlari orasidagi bog'lanishni, mantiqiy izchillikni anglab olsin.

Ushbu dastur O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va Xalq ta'limi vazirligining buyruq, ko'rsatmalari, ona tilini o'qitishga oid eng so'nggi metodik adabiyotlar asosida tuzildi.

Yangi talablar asosida ona tili darslari 9-sinfgacha shu fandan olingan bilimlarni mustahkam va davomli bo'lishiga ahamiyat berildi.

Dasturni tuzishda 10-11-sinflar uchun amalda qo'llanib kelinayotgan dastur va darslik asos qilib olindi. Darslik qayta ishlandi va takomillashtirildi.

2. Dasturning maqsad va vazifalari

Ona tili talimining asosiy maqsadi- nutq va fikrni boyitish, o'quvchilarning yozma nutqini o'stirish, olingan bilimlarini chuqurlashtirishdan iboratdir. Shu bilan birga, matnlarni tuzish va tahlil qilish, rasmiy hujjatlarni tuza bilish, ijodiy matn yaratish (konspekt va referat yozish, insho, bayon v.b.) qoidalari va tartiblarini o'zlashtirishdan iborat.

Dasturning mazmuni

I. Istiqlol darsi.
II. Ona tili fanidan o'tilganlarni takrorlash va mustahkamlash.
Mashqlar orqali quyidagi mavzularni mustahkamlash:
Ona tilining ahamiyati.
So'z va uning ma'nolari.
Imlo va to'g'ri talaffuz.
Tinish belgilarini to'g'ri ishlatish.
Sodda va qo'shma gaplarni ajrata bilish.
Rasmiy hujjatlarni tuzish.
III. O'zbek adabiy tili
Umumxalq tili, adabiy til va hozirgi o'zbek adabiy tili.
O'zbek adabiy tili fanining bo'limlari.
Rasmiy hujjatlar tuzish va yozma ishlar.
IV. O'zbek alifbosi va imlosi (Yangi o'zbek alifbosi)
Yangi o'zbek alifbosi.
O'zbek imlosining asosiy qoidalari (fonetik, morfologik, shakliy yozuvlar).
Unlilar va undoshlar imlosi.
Asos va qo'shimchalar imlosi.
Qo'shma, juft va qisqartma so'zlar imlosi.
Ko'chirish qoidalari.
Bosh harflar imlosi.
V. O'zbek adabiy tilining talaffuz me'yorlari
Adabiy til talaffuz me'yorlari.
Rasmiy hujjat tuzish va yozma ishlar.
VI. Sintaksis va tinish belgilarining ishlatilishi
Tinish belgilarini qo'llash asoslari.
Sodda gaplarda tinish belgilarining ishlatilishi: ega bilan ot-kesim orasida tirening ishlatilishi, gapning uyushiq bo'laklari, ajratilgan bo'laklarida va gap bo'laklari bilan grammatik aloqaga kirishmagan bo'laklarda tinish belgilari.
Qo'shma gaplarda tinish belgilarining ishlatilishi: bog'lovchisiz, bog'langan va ergash gapli qo'shma gaplarda tinish belgilari.
Ko'chirma gaplarda tinish belgilarining ishlatilishi.
VII. Umumlashtiruvchi darslar va mashqlar.
Rasmiy hujjatlar tuzish va yozma ishlar.
Qiyin so'zlar lug'ati ustida ishlash.
Dars soatlari taqsimoti

Har bir mavzuga ajratilgan soatlar taxminiy bo'lib, o'quvchilarning saviyasiga, bilimiga, o'zlashtirishiga, mavzuning oson-qiyinligiga qarab o'qituvchi quyida ko'rsatilgan soatlarning miqdorini o'zgartirishi mumkin.

Sinf	Bosh mavzular va soatlar taqsimoti	Mavzu qismlari	Soat
X 34 soat	I.Istiqlol darsi. II.O'tilganlarni takrorlash va mustahkamlash (6 soat).	-Ona tilining ijtimoiy ahamiyati. -so'z ma'nolari. -Imlo. -Tinish belgilari. -Sodda va qo'shma gaplar. 1. Takrorlash va mashqlar. 2. Rasmiy hujjatlarni tuzish va yozma ish.	 4 2
	III.O'zbek adabiy tili. (6 soat).	1.Umumxalq tili va adabiy til. Hozirgi o'zbek adabiy tili. 2. O'zbek adabiy tilining bo'limlari. 3.Rasmiy hujjat tuzish va yozma ish. Test-sinov topshi-riqlari.	2 2 2
	IV.O'zbek alifbosi va imlosi. (10 soat).	1.Yangi o'zbek alifbosi. 2. O'zbek tili imlosining asosiy qoidalari.	2 4
		-Unlilar va undoshlar imlosi. -O'zak, negiz, qo'shma, juft va qisqartma so'zlar imlosi. -Ko'chirish qoidalari va bosh harflar imlosi. 3. Rasmiy hujjatlar tuzish va yozma ishlar. Test-sinov topshiriqlari.	 2 2
	V. O'zbek adabiy tilining talaffuz me'yorlari. (6 soat).	1.Talaffuz me'yorlari. 2.Rasmiy hujjat tuzish va yozma ishlar. 3.Test-sinov topshiriqlari. 4. Takrorlash.	2 1 1
	VI. Sintaksis va tinish belgilarining ishlatilishi. (6 soat).	1.Tinish belgilarini qo'llash asoslari. 2. Sodda gaplarda tinish belgilari. 3. Qo'shma gaplarda tinish belgilari. 4. Ko'chirma gaplarda tinish belgilari. 5. Rasmiy hujjatlar tuzish va yozma ishlar.	 2 2 2
	VII. Umumlashtiruvchi darslar va mashqlar. (2 soat)	Takrorlash va amaliy mashqlar. Test-sinov topshiriqlari.	 2

YANGI DARSLIKLAR VA QO'LLANMALAR YANGI DASTUR ASOSIDA

ADABIYOT

(10-sinf uchun 136 soat)

Respublika Ta'lim markazi qoshidagi "O'zbek adabiyoti" ilmiy-metodik kengashining 2002 yil 27 dekabridagi majlisida muhokama qilib, tasdiqlangandan keyin bildirilgan fikr-muloxazalar asosida qayta ishlangan nusxa.

Sirasini aytganda, X-sinfning «Adabiyot» dasturi, avvalo, yangi pedagogik tafakkur talablariga muvofiq o'quvchilarni **mustaqil fikrlashga o'rgatish**ga yo'naltirildi. Shuning uchun dasturda o'rganilishi ko'zda tutilgan har qanday asar, har qanday adabiy siymo bo'yicha bolalarning o'z fikrlari, qarashlari bo'lishi lozimligi ko'zda tutildi. Ikkinchidan, o'quvchilarga adabiyot bo'yicha bilim berish va ularni badiiy matn tahliliga tortish yoshlarda nozik qalb, teran hissiyot, yuksak ma'naviyat shakllantirishga qaratildi. O'rgatish uchun tanlab olingan ijodkorlar, ularning asarlari, beriladigan nazariy ma'lumotlar ham ayni maqsadga, ya'ni bolalarda ezgu axloqiy sifatlar tarkib toptirishga bo'ysundirildi. Uchinchidan, millat badiiy adabiyoti tasodifiy asarlardan iborat bo'lmay, yaxlit bir ijodiy jarayon ekanligini anglatish maqsadida dasturda adabiyot hodisalarida ham sabab-oqibat munosabatlari mavjudligi hisobga olindi. Bunda o'zbek adabiyoti tarixi bosqichlari qanchalik xilma-xil, ba'zan hatto qarama-qarshi tabiatga ega bo'lmasin, aslida, yaxlit bir uzluksiz jarayon sifatida o'zlashtirilishi kerakligi ko'zda tutildi. To'rtinchidan, adabiy jarayonni tekshirish va baholashda filologiya ilmining bugungi darajasidan kelib chiqildi. Adabiyotshunoslikning eng so'nggi yutuqlari va ilmda hozircha u qadar keng yoyilmagan yangi qarashlardan foydalanildi.

Ushbu dasturda o'rganilishi ko'zda tutilgan asarlar badiiy qimmati, tarbiyaviy ahamiyati hamda o'quvchilarning yoshi, ruhiy imkoniyatlari, aqliy rivojlanish darajalariga mosligiga ko'ra tanlab olindi va joylashtirildi. Unda **badiiy matn ustida ishlash** adabiyot o'qitishdagi eng asosiy mashg'ulot ekanligi ko'zda tutildi. Asar tahlilida rang-barang usullardan foydalangan holda muayyan asar yuzasidan sinfdagi o'quvchilarning bir xil xulosaga kelishiga intilmaslik kerakligi ko'zda tutildi. Bu o'quvchilarga ayni bir badiiy hodisadan turlicha estetik-axloqiy ma'no chiqarish imkonini beradi.

Ma'lumki, bu bosqichda adabiy ta'lim tizimli kurs tarzida yo'lga qo'yiladi. Binobarin, barcha adabiy materiallar qat'iy xronologik tartibda joylashtirildi. Shuning uchun ham X sinf materiallari **«Xalq og'zaki ijodidan», «Islomgacha bo'lgan davrdagi turkiy adabiyotdan», «Ilk uyg'onish davridagi turkiy adabiyotdan», «Uyg'onish davri o'zbek adabiyotidan», «Xonliklar davri o'zbek adabiyotidan», «Jahon adabiyotidan»** singari, XI sinfdagi adabiy materiallar esa **«Ma'rifatchilik adabiyotidan», «Jadid adabiyotidan», «Sho'ro davridagi o'zbek adabiyotidan», «Istiqlol davri o'zbek adabiyotidan», «Jahon adabiyotidan»** ruknlari ostida berilgan. Bu hol o'quvchilarning o'rganiladigan badiiy asarga yondashish yo'sinini to'g'ri tanlab olishlariga yordam beradi.

Kirish (1 soat).

Badiiy adabiyot haqida tushuncha. So'zning sehrli, mo''jizaviy kuchi. O'zbek mutafakkirlari so'z qudrati haqida.

Xalq og'zaki ijodidan

«Malikai ayyor» dostoni (5 soat).

«Malikai ayyor» dostonida Fozil Yo'ldosh baxshilik mahoratining namoyon bo'lishi. Dostonda tasvirning ko'pqatlamligi, obrazlar polifonizmi.

Avaz timsolida o'zbekning yovqur, el-ulus manfaatini o'z huzuridan ortiq ko'radigan, ota va vatan yumushlariga sadoqatli o'g'lonlarga xos xususiyatlarning aks ettirilganligi. Maqotil, Ahmad sardor, Yaproqdev, Asad va Shodmon mergan va Asadga xos dadillik, merganlik, ayni vaqtda, manfaat yo'lida xiyonatga moyillik sifatlarining aks etganligi.

Nazariy ma'lumot: Xalq dostonlari.

Xalq qo'shiqlari (3 soat).

«Devonu lug'atit turk»ning qomusiy tabiati. Asar badiiy yodgorlik sifatida. Unda xalq qo'shiqlarining berilishi.

islomgacha bo'lgan davrdagi turkiy adabiyotdan

Qadimgi adabiy yodgorliklar (2 soat).

«Avesto» va zardushtiylik haqida ma'lumot. O'rxun-Enasoy yodgorliklarining yaratilish tarixi. Alp Er To'nga - turkiy xalqlarning milliy qahramoni. Alp Er To'nga tarixiy shaxs sifatida.

Jilk uyg'onish davridagi turkiy adabiyotdan

VIII-XII asrlardagi turkiy adabiyot (1 soat).

O'rta Osiyoda islom madaniyatining shakllanishi. Bir qator qomusiy mutafakkirlarning etishib chiqishi. Movarounnahrning fors adabiyotiga beshik bo'lganligi. Rudakiy hamda Firdavsiy haqida qisqacha ma'lumot.

«Yatimat ad-dahr» - O'rta Osiyo ijodkorlarining arab tilidagi asarlari majmuasi.

Yusuf Xos Hojib. «Qutadg'u bilig» dostoni (3 soat)

Adibning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Asarning yaratilish tarixi. «Qutadg'u bilig» ilk badiiy doston sifatida. Dostonning qurilishi, qomusiy xarakteri, asosiy qahramonlari (Kuntug'di, Oyto'ldi, O'gdulmish, O'zg'urmish) va ularning talqini.

Nazariy ma'lumot. Masnaviy.

Ahmad Yugnakiy «Hibat ul-haqoyiq» dostoni (3 soat)

Adib Ahmad va uning asari haqida ma'lumot. Alisher Navoiy Yugnakiy haqida. «Hibbat ul-haqoyiq» asarining o'rganilishi tarixi. Asarning ilk turkiy pandnomalardan ekanligi.

Nazariy ma'lumot. Mumtoz adabiyotning asosiy xususiyatlari.

Ahmad Yassaviy. Hikmatlar (4 soat).

Ahmad Yassaviyning hayoti va ijodi. Navoiy Yassaviy haqida. Tasavvufning yassaviya (jahriya) yo'nalishi haqida ma'lumot.

Yassaviy hikmatlari. «Devoni hikmat»ning yaratilishi. Devondan o'rin olgan asarlarning janr xususiyatlari. Hikmatlarda tasavvufiy qarashlar talqini.

Nazariy ma'lumot. Hikmat janri.

XIII-XIV asrlar adabiyoti (1 soat).

XIII-XIV asrlarda O'rta Osiyoda ijtimoiy-siyosiy hayot. Mo'g'ul bosqini va uning salbiy oqibatlari. Murakkab tarixiy sharoitning badiiy adabiyot taraqqiyotiga ta'siri.

XIII-XIV asrlar adabiyotida nazm va nasr namunalari. **Rabg'uziy. «Qisasi Rabg'uziy»** (3 soat).

Nosiriddin Burhoniddin Rabg'uziyning hayoti va ijodi haqida ma'lumot.

«Qisasi Rabg'uziy» asari yaratilgan davr va uning yozilishi sabablari haqida mulohazalar. Asarda dunyo yaratilishi, uning takomillashuvi, insonning ana shu mukammal dunyoda yashashga axloqiy jihatdan loyiq bo'lishi lozimligi singari g'oyalarning nabiylar hayoti misolida ilgari surilishi.

UYG'ONISH DAVRI O'ZBEK ADABIYOTIDAN

XIV asrning ikkinchi yarmidan XVII asrgacha bo'lgan davrdagi o'zbek adabiyoti (2 soat).

XIV asrning ikkinchi yarmida Turkistondagi ijtimoiy, siyosiy va tarixiy vaziyat. Temurning tarix sahnasiga chiqishi. Samarqand va Xirotning yirik ilm-fan va madaniyat markazlariga aylanishi. Tarix va adabiyotshunoslikning rivojlanishi. Temuriylar davrida turkiy adabiyotning gullab yashnashi. Samarqand va Hirotda adabiy maktablarning vujudga kelishi. Unda Lutfiy, Atoyi, Sakkokiy, Haydar Xorazmiy, Alisher Navoiy, Bobur va boshqalarning tutgan o'rni. Adabiyot va komil inson masalasi.

Atoyi. Lirika (3 soat)

Shoir haqida ma'lumot. Atoyi taxallusi bilan bog'liq qarashlar. Devoni, g'azaliyoti. Atoyi lirikasining janr xilma-xilligi.

«Ul sanamki suv yaqosinda...», «Soching chun laylat ul-qadru...», «Ey orazi shamsu qamarim, netti, ne bo'ldi?», «Kel ey dilbarki...», «Seni men onglamadim...», «Ey begim, ushbu yuz degul, shams bila qamarmudur», «Qon bo'ldi ko'ngul firoq birla», «Mengiz yo ravzai rizvonmudur bu?», «Sipehri husn ichinda...» g'azallarida lirik qahramon va ma'shuqa munosabatlarining g'oyat ta'sirchan va o'ynoqi tasvirlanganligi, tasvirlarda ruhiy holatlarning aks etishi.

Nazariy ma'lumot. G'azal va uning turlari.

Sakkokiy. Lirik asarlar, qasidalar (3 soat).

Sakkokiyning hayot va ijod yo'li haqida ma'lumot. Shoir ijodining o'rganilishi. Sakkokiy devoni haqida ma'lumot. Lirik asarlari taxlili.

Sakkokiy - qasida ustasi. Uning Ulug'bekka bag'ishlangan qasidasi haqida ma'lumot. «Jahondin ketti tashvishu...» qasidasi tahlili.

Nazariy ma'lumot. Qasida.

Lutfiy. Lirika (4 soat).

Hayoti va ijodi. Lutfiy va Navoiy. Lutfiy Navoiygacha bo'lgan turkiy she'riyatning eng mashhur vakili ekanligi. Ijodining janriy rang-barangligi. Shoir devoni. G'azallarida inson ma'naviy dunyosiga xos go'zalliklar, farahbaxsh tabiat tarovatining tasvirlanishi. "Nozuklik ichra belicha yo'q tori gisuyi", «Yoz bo'ldi, kerak ul buti ayyor topilsa», « Yuzungizda o'g'on nuri ayondur», «Ayoqingg'a tushar har lahza gisu», «Dudog'ing ma'dani jondur dedim, aytur: sanga ne?», «Agar sen bo'lmasang, guldek chamanda», «Jon hasrat ila kuydiyu dildor topilmas», «Jonim chiqadur dard ila jononima ayting», «Nigoro, sensiz mandin ne hosil», «Qon bo'ldi ko'ngul firoqingizdin» g'azallarida sevgi tuyg'usining ulug'lanishi.

Shoir qit'alari. «To'ng'a sig'masmen farahdin gul kibi», «Surati Yusuf, nigoro, sendadur», «Ul mening jonu jahonimg'a salom» qit'alarida lirik qahramon ruhiy holatining ifodalanishi.

Nazariy ma'lumot. Tuyuq. Qit'a.

Alisher Navoiy. Lirika. «Xamsa» (22 soat).

Hayoti va ijodiy faoliyati. Oilasi. Yoshlik yillari. Tahsil. Navoiy va uning mashhur zamondoshlari bilan munosabatlari. Navoiy - davlat arbobi.

Lirik merosi. Devonlari haqida ma'lumot.

G'azaliyoti. Navoiy turkiy adabiyotda «eng ko'p va eng xo'b» g'azal bitgani. Shoir g'azallarida fikrning g'oyat salmoqdorligi, ifoda usulining favqulodda o'ziga xosligi. Til imkoniyatlaridan ulkan mahorat bilan foydalana olishi. Uning «Yordin ayru ko'ngil...», «Bo'lmasa ishq ikki jahon bo'lmasun», «O'tqa solg'il sarvni...», «Gar jafo qil, gar vafokim...», «Men jahondin kechdimu kechmas mening jonimdin el», «Ko'rgali husnungni zoru mubtalo bo'ldum sango», «Qizil, sorig', yashil», «Kimki, bir ko'ngli buzug'ning xotirin shod aylagay», «Lolazor ermaski, ohimdin jahonga tushdi o't», «Husni ortar yuzda zulfin...», «Junun vodiysig'a moyil ko'rarmen...», «Kimga qildim bir vafokim, yuz jafosin ko'rmadim», «Bizning shaydo ko'ngul bechora bo'lmish» g'azallari.

Boshqa janrlardagi lirik asarlari. Shoirning «Xarobot aro kirdim oshufta hol» tarji'bandi. Unda Alloh vasliga oshiq orif obrazining yaratilganligi. «Ko'z birla qoshing yaxshi», «G'urbatda g'arib shodmon bo'lmas ermish», «Zohid senga huru menga jonona kerak», «Gahe ko'rdim falakdin komronlig'», «Yo'q dahrda besaru somon mendek» ruboyilarida shoirning hayotga falsafiy munosabatlari aks etganligi.

Navoiy «La'lidin jonimg'a o'tlar yoqilur», «Yorab, ul shahdu shakar yo labdurur?», «Tig'i ishqing yorasidir butmagan» tuyuqlarida o'zbek tili badiiy imkoniyatlari cheksizligining amalda ko'rsatilganligi.

Shoirning «Jahon ganjig'a shoh erur ajdaho», «Kamol et, kasbkim, olam uyidin», «Gadolig' yaxshiroq ahli fanodin», «G'azalda uch kishi tavridur ul nav'», «Navoiy she'ri to'qqiz baytu o'n bir baytu o'n uch bayt» qit'alarida hayot hodisalariga anvoyi yondashuvining badiiy aks etganligi.

«Kishi aybing desa, dam urmag'ilkim, ul erur ko'zgu», «Bo'lmasang oldimda yo ko'nglimda yo jonimda bo'l» fardlarida inson ruhiy holatining muxtasar tasvir etilganligi.

«Xamsa» dostonlarida Odam va olam muammolarining aks etishi. Ularda ishq talqini. «Xamsa» dostonlarida ijtimoiy-siyosiy masalalar. Shaxs erki («Layli va Majnun»), adolatli podshoh («Saddi Iskandariy»), shohlik va oshiqlik («Sab'ai sayyor») g'oyalarining ifodalanishi. «Xamsa» XV asr turk-islom ma'naviyatining badiiy qomusi sifatida.

Nazariy ma'lumot. Tasavvuf va adabiyot

Muhammad Solih. «Shayboniynoma» dostoni (3 soat).

Muhammad Solihning hayoti va ijodiy faoliyati.

Muhammad Solihning ijodiy merosi. Lirikasi. «Shayboniynoma» dostoni.

Nazariy ma'lumot. Mumtoz adabiyotning asosiy xususiyatlari.

Xoja. Hikoyalar (3 soat).

Adibning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Xojaning ijodiy merosi. O'zbek va fors tillaridagi devonlari. Dostoni. Mazkur asarlarning badiiy xususiyatlari haqida ma'lumot.

Nazariy ma'lumot. Mumtoz hikoya.

Zahiriddin Muhammad Bobur. Lirika. «Boburnoma» (7 soat).

Boburning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Dunyodagi mashhur kishilarning Bobur haqidagi fikrlari. Boburning harbiy safarlari. G'alaba va mag'lubiyatlari. Boburning she'riy merosi. G'azal, ruboiy, tuyuq, qit'a, masnaviy va muxammaslari. She'rlarning hasbi hol xususiyati. Bobur g'azallarining badiiy yuksakligi. «Xazon yaprog'i yanglig' gul yuzing hajrida sarg'ardim», «G'urbatda ul oy hajri meni pir qilibdur», «Sochining savdosi tushti boshima boshtin yana», «Jonimdin o'zga yori vafodor topmadim», «Yana ko'z uyida ma'vo qilibsen», «Bul kecha kulbamga keldi ul quyoshim yoshurun», «Bahor ayyomidur dog'i yigitlikning avonidur», «G'ofil o'lma, ey soqiy, gul chog'in g'animat tut», «Gul jamolin yopqon ul gulning ikki rayhonudur», «Kim ko'ribdur, ey ko'ngul, ahli jahondin yaxshilig'», g'azallari va ularning badiiy o'ziga xosliklari.

«Xazon yaprog'i yanglig'...» g'azalida tabiat manzarasi va shoir ruhiy dunyosi qiyosi. «Xazon yaprog'i», «gul yuz», «sarkash sarv» kabi timsollarning ma'no-mazmuni. She'rning vazn va qofiya xususiyatlari. «G'urbatda ul oy...» shoir umrining yakuni haqidagi she'r sifatida. Vatan ishtiyoqi, g'urbat iztirobining yorqin va betakror ifoda qilinishi. G'azalning iqrornoma xarakteri. Badiiy xususiyatlari.

Bobur — ruboiy ustasi. O'zbek ruboiychiligi rivojida Boburning o'rni. Tilning soddaligi, ifodaning samimiyligi. Ta'rif, tavsif va sharh hamda an'anaviy usullardan mohirona foydalanish. «Yo qahru g'azab birla meni tufroq qil», «Jonimda mening hayoti jonim sensen», «Ey gul, ne uchun qoshingda men xor o'ldum», «Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur», «Ahbob yig'ilmoqni farog'at tutungiz», «G'urbat tug'i yopqon ruhi zardimnimu dey», «Ey yor, sening vaslinga etmak mushkul», «Boburni butun mahrami asror etting» ruboiylarida nozik ta'b va fikrli inson ruhiy holatlarining berilganligi. Ruboiylarida she'riy san'atlar, tashbeh, vazn, qofiya, radif.

Bobur va aruz vazni. «Risolai aruz» («Muxtasar») haqida ma'lumot. «Boburnoma» va o'zbek nasri taraqqiyoti. Asar haqida umumiy ma'lumot. «Boburnoma» - tarixiy-badiiy asar yoki sinkretik prozaning dastlabki namunasi sifatida.

XONLIKLAR DAVRI O'ZBEK ADABIYOTIDAN

XVII asrdan XIX asrning birinchi yarmigacha bo'lgan davrdagi o'zbek adabiyoti (1 soat).

XVII asrdan XIX asrning birinchi yarmigacha bo'lgan davrdagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayot. Bu davr adabiyoti va san'atining Buxoro, Qo'qon, Xiva maktablari mavjudligi. Bu adabiy maktablarning yaxlit umumo'zbek adabiyotini tashkil etishi.

Bu davr adabiyotida shoiralar tutgan o'rin.

Turdi Farog'iy. Lirika. Hajviyot (3 soat).

Turdi Farog'iyning hayoti va ijodi. Shoir she'riyatining mavzu doirasi, badiiy g'oyaviy salmog'i, janriy tarkibi. «Bir sari azm joyi nomusulmondir bu mulk» she'rida mavjud tuzum tanqidi: milliy yakdillik, totuvlik, erkinlik va o'z-o'zini anglashga chorlash tasviri. «Subxonqulixon haqida hajviya»sida boshboshdoqlik, nohaqlik, zulm tanqidi. Ayni paytda, shoirning tarafkashlik, bir tomonlamalikka yo'l qo'yganligi.

«Musulmon bilma aslo, hech mazhab yo'lida o'zbek», «Boshima bir ko'hi g'am bir ot kohu emidin» g'azallarida shoir iztiroblarining aks etganligi.

Turdining sof lirik she'rlari.

Boborahim Mashrab. Lirika (5 soat).

Mashrab o'zbek so'fiylik she'riyatining eng mashhur vakili ekanligi. Shoir shaxsiga doir ma'lumotlar. «Devonai shoh Mashrab», «Devoni Mashrab» asarlari haqida ma'lumot.

Shoirning she'riy merosi. Shoir g'azaliyoti. «Bu tani xokniyu ruhi ravonni na qilay?», «Ishq mazhabiga taqviyu toat chidayolmas», «Dunyog'a kelib, loyig'a bilmay bota qoldim», «Ey mening nozik nihol, oromijonim qaydasan?», «To kiydi qizil o'zini zebo qilayin deb», «Malaksan yo bashar, yo huru g'ilmonsan, bilib bo'lmas», «Hech kima ma'lum emas, holi parishonim mening», «Ko'rsat jamoling mastonalarga...», g'azallari. Mashrabning murabba', muxammas, mustaxzodlarida shoir ruhiy holati murakkabligining aks etishi. Mashrab she'riyatining g'oya va mavzu ko'lami, ruhi va uslubi, badiiy xususiyatlari.

Nazariy ma'lumot. Ma'naviy san'atlar.

Uvaysiy. Lirika (2 soat).

Shoiraning hayot va ijod yo'li haqida ma'lumot. Uvaysiy lirikasida ayol shaxsiyati belgilarining namoyon bo'lishi. «Zamon kulfatidin bu ko'ngul dog' o'ldi, dog' o'ldi», «Mehnatu alamlarga mubtalo Uvaysiyman» g'azallarida zamon murakkabliklarining shoira shaxsiyati orqali berilishi. «Zaboningni kelturgil, ey shakarlab, to'ti guftora» va boshka g'azallari.

Uvaysiyning «Voqeoti Muhammad Alixon» manzumasi va «Karbalonoma» dostoni haqida ma'lumot.

Nodira. Lirika (3 soat).

Nodiraning hayoti. Shoh va shoira oilasi. Shoira lirik merosining badiiy xususiyatlari. «Vasl uyin obod qildim», «Marhabo, ey payki sulton, marhabo", «Nigori gulbadanimni tushimda ko'rsam edim", "Doda keldim, ey salotin sarvari, dodim eshit", «Qilmag'il zinhor izhor ehtiyoj», «Yorning vasli emas ozorsiz», «Kel, dahrni imtihon etib ket», «Abas» g'azallarida ma'shuqa holatining ichkin yo'sinda tasvirlanganligi. Shoira ijodida ayriliq ohanglari.

Gulxaniy. Zarbulmasal (2 soat).Gulxaniyning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Gulxaniyning ijodiy merosi. She'riyati. «Zarbulmasal» - o'zbek xalqining jonli, bo'yoqdor til xususiyatlarini o'zida yorqin aks ettirgan asar.

Maxmur. Hajviyot (2 soat)

Maxmurning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Uning ijodiy merosida hajviy asarlarning tutgan o'rni. Shoirning «Munojot ba dargohi qoziyulhojot», «Qurama», «Qozi Muhammad Rajab hajviyasi», «Hoji Niyoz» singari hajviy asarlarida zamondoshlari obrazlarining yaratilganligi.

Nazariy ma'lumot. Hajviyot.

Munis. Lirika (2 soat).

Shermuhammad Munisning hayoti va ijodi haqida ma'lumot. Munisning ijodiy merosi. «Devoni Munis», «Munis ul-ushshoq» devonlari haqida. Munisning «Yutubon bu zamonda qon shuaro», «Bu zamon ichra aziz el ne ajab xor bo'lib» g'azallarida she'r va hunar ahli hayotining tasvirlanganligi, «Base, g'am biridin chekmish og'irin» she'rida xonlik hayotidagi iqtisodiy etishmovchiliklar va og'ir moddiy sharoit ifodasi.

Muhammad Rizo Ogahiy. Lirika. Tarjima va tarixiy asarlar (8 soat).

Ogahiyning hayoti va ijodi to'g'risida ma'lumot. Shoirning adabiy merosi, mumtoz adabiyot tarixidagi o'rni. Ogahiy - shoir, tarjimon, tarixchi. Ogahiy she'riyati. «Ta'viz ul-oshiqin» devoni haqida ma'lumot.

Shoirning «Ustina», «Ey sho'x, ko'zu qoshingga olam gado, man ham gado», "Vahki, aylab lutfu ehson yor mandin o'zgaga", "Ishqing g'amida diydai giryonima rahm et", "Davrondan agar, ey dil, etsa sanga bir rohat", "Bo'lsa har odam qanoat nuridin ravshanzamir", "Kishikim faqr ko'yida talabgori qanoatdur", «O'yla etkurdi jahonga ziynatu oro bahor», «Dahr bir mayxonadurkim, kulfat oning jomidur», «"Mulku millatga emin o'lsa agar ogohlar"» «Bizki bukun jahon aro kishvari faqr shohimiz» va boshqa g'azallari tahlili. Ogahiyning «Ey ko'ngul, odam xayol aylab, dema nodonga so'z» g'azalida insonni komil ko'rish istagi, «Ashkima gar kanora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun netay» g'azalining badiiy xususiyatlari.

«Ogahnoma» qasidasi-pandnoma ruhidagi asar sifatida. Ogahiyning qit'a, ruboiylari.

Ogahiy - mohir tarjimon.

Ogahiy - tarixnavis.

Nazariy ma'lumot. Tardi aks, raddi matla'.

jahon adabiyotidan

Muhammad Fuzuliy. Lirika (3 soat).

Fuzuliy haqida ma'lumot. Dostonlari. Shoir lirikasi Fuzuliy lirikasining badiiy xususiyatlari.

Mirzo G'olib. Lirika (2 soat).

Mirzo G'olibning tarjimai holi va ijodiy yo'li. Shoir she'rlarining o'ziga xos xususiyatlari, unda ijodkor shaxsining yorqin aks etganligi.

Asarlarni o'rganish uchun 106 soat.

Yozma ishlar uchun 26 soat.

Takrorlash uchun 4 soat.

(Davomi bor.)

Kam ta'minlangan, ko'p bolali, nogiron xodimlarga bepul yoki bo'lmasa imtiyozli narxlarda yo'llanmalar beriladi.

ЖАМҒАРМА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар бир кун тарих. У ҳафталардан сўнг ойларга, ойлар эса йилларга айланади. Ўтган йиллар анча катта давр. Жамғарма ана шу йиллар мобайнида ўзини истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи ташкилот сифатида кўрсатишга ҳаракат қилди ва маълум даражада бунинг уддасидан чиқмоқда ҳам. Шу жиҳатдан қараганда, жамғарма биргаликда иш юритувчи ўз ҳамкорларига ҳам эга. Булар — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия ҳамда Амир Темур жамғармалари, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказларидир.

Кейинги йилларда жамғарма ахборот технологиялари бизнесини шакллантиришга киришди. Тошкент Давлат техника университети билан ҳамкорликда ўтказилган "Эрудит ахборотлар технологиялари" кўрик-танловининг биринчи босқичида 52 нафар талаба иштирок этган бўлса, иккинчи босқичига уларнинг 25 нафари етиб келди. Кўрик-танлов ахборот технологияларини мукаммал ўрганаётган ёшларни аниқлашга ёрдам берди. Шу ўринда ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек луғатининг электрон намунасини ишлаб чиқиш, нашрга тайёрлаш ва чоп эттиришга киришилганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Кейинги йилларда ташкил қилинган "Улуғбек зичи" ҳамда "Замонавий тўқимачилик технологиялари" деб номланган шўъба корхоналари ҳам жамғарманинг қаддини тиклаб олишига ёрдам беради. Ҳозирги пайтда бу корхоналар ўз фаолиятини бошлашган ва улар ҳадемай даромад келтира бошлайди.

Жамғарма низомида кўрсатилишича, у ўз ҳамкорлари билан турли кўрик-танловларни уюштириб, ғолибларни тақдирлаб боради. У ташкил этилган даврдан бошлаб қандайки тадбирлар уюштирилган бўлса, барчасини санашга кўп вақт кетади ва айтиш мумкинки, келажагига умид қилса бўладиган қобилиятли ўқувчи ва талабаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга бош-қош бўлди.

Шу йилнинг 8—10 апрелида "Улуғбек юлдузлари" кўрик-танлови эълон қилинган эди. Республика Ўқувчилар саройи билан биргаликда ўтказилган бу танлов ёш самогирларнинг ракета-модель спорти бўйича маҳоратларини аниқлади ва ғолибларни тақдирлади. Бундан ташқари олий таълим муассасалари ўртасида бўлиб ўтадиган ҳар йилги "Ўзбекистон — Ватаним меним" кўрик-танловида ғолиб чиққан жамоаларга ҳам жамғарма раҳбарияти беэътибор эмас.

— Биз истеъдодли ёшлар ҳақида кўп гапирамиз ва уларга тан берамиз. Улуғбек номидаги жамғарма бу ишга ўзини тўла маънода дахлдор деб билади. Унинг Хоразм ва Фарғона вилоятларида бўлимлари бор. Жиззах вилояти бўлимининг жамғарма билан алоқаси мақтайдиган даражада эмас. Менимча, унинг минтақавий бўлимларини ташкил қилсак, жамғарманинг амалга ошириши керак бўлган ишлари кенгаяр ёхуд енгиллашарди. Бу ҳозирча орзу, агар рўёбга чиқса, жамғарма ўз обрў-эътиборини тағин ҳам мустаҳкамлаган бўларди, — деб таъкидлайди жамғарма ижрочи директори Жасурбек Солиҳов.

... Ҳар бир жойнинг паст-баланди, тош-тарозиси бор. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ўз қадди-бастини, нуфузини яна ҳам кўтариб олишга интилаётган Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳақидаги фикримиз ҳам шундай. Шунга умид қилиш керакки, жамғарма ўз номига муносиб бўлиб қолади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ҲАМИША ҲАР БИР ХОДИМ ҲАҚИДА

Касаба уюшмаларини ғамхўр ташкилот деймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Республикамиз миқёсида касаба уюшмалари федерацияси фаолият кўрсатади. Унга бир қанча тармоқлар уюшган. Шулардан бири таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасидир.

Таълим муассасаларида меҳнат қилаётганларни ижтимоий ҳимоялаш, шарт-шароитлар яратиш шу ташкилот зиммасида. Мухбиримиз қўмита ташкилий бўлим бош мутахассиси Маҳмуда Мирзаевани суҳбатга тортиб, таълим муассасаларида меҳнат қилувчиларга касаба уюшмалари қандай ғамхўрликлар кўрсатаётгани билан қизиқди.

Ommaviy tashkilot

— Маҳмуда опа, аввало, касаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларига қисман тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳар бир киши қаерда, қайси тармоқда ва қайси жамоада ишлашидан қатъи назар уюшма аъзоси бўла олади. Аъзолар меҳнат қилиш, дам олиш ва шу каби ҳақ-ҳуқуқларга эга. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Бу қонун ҳаётда фаоллик билан ишламоқда. У мамлакатимиз касаба уюшмалари федерациясининг бош ҳужжати ҳисобланади.

— Демак, ана шу қонун доирасида иш юритиш ҳар бир касаба уюшмасининг бош мақсади ҳисобланади. Сиз худди шу қонун асосида ишлайдиган олий таълим муассасаларидаги касаба уюшмалари ишига қандай баҳо берасиз?

— Гарчанд мамлакатимизда 60 дан зиёд институт ва университетлар бўлсада, қўмитамиз буларнинг 38 таси билан иш олиб боради. Қолган таълим даргоҳлари эса ўз вазирликлари билан алоқа ўрнатишган. Бизга қарашли даргоҳларда эса профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг 35431 нафари, талабаларнинг 124274 нафари касаба уюшма аъзосидир. Албатта, уларнинг ҳар биридан аъзолик бадаллари ўз вақтида ундириляпти. Касаба уюшмалари ҳар бир таълим даргоҳидаги етакчи жамоат ташкилотларидан бири эканлигини айтадиган бўлсак, унинг зиммасидаги вазифалар жуда кўп. Ҳар бир ходимнинг ўз ишини бажариши, меҳнат шартномаси талабларига риоя қилиши, тартиб-интизомни сақлаши, қандайдир масалалар муҳокамасида бу ташкилот аъзоларининг ўрни алоҳида бўлиши керак.

— Аксарият ҳолларда ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнат таътили ёз ойларига тўғри келади. Қўмита бу масалага қандай эътибор беради?

— Ўқитувчи ақлий меҳнат билан банд. Мия, юрак фаолияти билан боғлиқ ҳолда ишлаш уни руҳан чарчатади. Тиббиёт фани хулосасига кўра, 80 фоиз касалликларнинг келиб чиқиши асаб тизими фаолиятининг нормал ишламаслиги билан боғлиқ. Демак, асаблари маълум даражада толиққан ўқитувчи йилига бир маротаба курорт, санаторий ёки профилакторийларда соғлигини тиклаши керак. Бу эса касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишидир. Тармоқ ходимларининг турли манзарали, баҳаво санаторийларда дам олишларини таъминлаш мақсадида ўтган йилги ёз мавсумида 12597 та йўлланма ажратилган эди. Шундан 1250 таси бепул берилди. Қолганлари эса, йўлланма умумий нархининг 30-40 фоизини тўлаган ҳолда имтиёзли дам олган кишилардир.

— Бу йилги дам олиш мавсуми ҳам тармоқ ходимларини қониқтирармикан?

— Кўпинча ўқитувчи-мураббийлар ўз ихтиёрларига кўра уйда дам олишни афзал билишади. Тўй ва бошқа маъракаларини ёз ойларига мўлжаллашади. Санаторий-профилакторийда ҳордиқ чиқаришни истаганларнинг эса талаблари, албатта, инобатга олинади. Кам таъминланган, кўп болали, ногирон ходимларга бепул ёки бўлмаса имтиёзли нархларда йўлланмалар берилади.

Бу йилги ёзги мавсумда тармоқ ходимларининг 27280 нафар фарзанди мактаблар қошидаги, 12835 нафар болалар эса шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда дам олишди ва олишмоқда. Марказий қўмита ташаббуси ва ҳомийлигида 4 йилдан бери август ойида Тошкентдаги "Лочин" соғломлаштириш оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан кам таъминланган халқ таълими ходимларининг 350 нафар фарзанди дам олмоқда. Бу анъана шу йил август ойида ҳам давом этади.

— Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талабаларини соғломлаштиришга ҳам озми-кўпми эътибор берилаётгандир?

— Бир қанча даргоҳлар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўз ҳордиқ масканларига эга. Касаба уюшмалари ўз ходимларининг дам олишини тўғридан-тўғри ташкил этишади. Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийларга 2109 та йўлланма ажратилди. Санаторий-профилакторийларда эса жами 7277 киши дам олган бўлса, шундан 4734 нафари талабалардир.

— Маҳмуда опа, қўмита фақат соғломлаштириш масаласи билан эмас, балки турли тарихий шаҳарларга зиёрат уюштириш, спорт мусобақаларини ўтказиш билан ҳам шуғулланади.

— Ҳа, сизнинг айтиб ўтганларингиз ҳам қўмита вазифасига киради. Фақат буни алоҳида мавзу қилиш мумкин.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

ЛУҒАТЧИЛИК: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Jarayon

Тилшуносликда терминологияни ўрганиш лексикология ҳамда лексикография нуқтаи назаридан олиб борилади. Бунда термин моҳияти, унинг тушунча билан муқобиллиги, тилдаги ўрни, терминологик тизимдаги аҳамияти, терминологик луғатларни пухта тузиш тамойиллари аниқланади.

Мамлакатимиз мустақиллиги жамиятимиз аҳволини тубдан ўзгартирди. Бу табиийки миллий тилимизга ҳам таъсир қилади. Энг аввало, тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Ўзбек тили давлат идоралари, ташкилотлари, оммавий-ахборот воситалари, қонун, илмий-техника, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, таълим, маданий, иш юритиш каби соҳалар тилига айланди. Буларнинг ҳаммаси қисқа вақт ичида ўзбек тили луғатчилигини бойитишга, янгидан-янги сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, мазкур жараён адабий тил меъёрлари асосида ўзбек тили луғатчилигини янада тараққий эттириш, шакллантириш лозимлигини долзарб масалага айлантирди. Бу эса, ўз навбатида пухта шаклланган илмий терминоло-гияни яратиш зарурати туғилганлигидан далолат беради. Чунки жамиятдаги ҳар бир илмий тармоқларда содир бўлаётган воқеа, ҳодисалар, энг аввало, атама, терминлар билан номланади ва муайян терминологик луғатлардан жой олади. Масалан, банкчилик, тадбиркор, реклама бозори, фермер, оилавий пудрат, сармоя, мониторинг, рейтинг, солиқчилик кабилар шулар жумласидандир.

Худди шундай, истиқлолимиз шарофати билан ўзбек қонунчилиги ҳам миллий тус олди, қонунларимиз ўз она тилимизда яратила бошланди. Ҳуқуқий соҳада қатор атама, ибора, терминлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси юридик терминология луғатини яна ҳам тараққий эттириш, терминларни монографик тарзда яхлит ўрганиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Юридик терминларни бир тартибга солиш, уларнинг бир хиллилиги тамойилларига эришиш, айниқса, луғат тузувчилар, қонун чиқарувчилар, таржимон ва ноширлар томонидан амалга оширилиши лозим. Мазкур масала ҳозирги ўзбек ҳуқуқий луғатчилигининг шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Кейинги йилларда бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Масалан, Ўзбекис-тон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг ташаббуси билан 2001 йилда чоп этилган "Юридик энциклопедия"си, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Бектемировларнинг "Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати", Ғ.Сатимовнинг «Инглизча-русча-ўзбекча ҳуқуқий атамалар луғати» фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида юридик соҳа луғатчилиги анча ривожланиб, шаклланиб, тараққий этиб бормоқда. 1991 йилдан то ҳозирги давргача яратилган юридик луғатларни солиштириб кўрсак, улардаги атама, ибора, терминлар терминология талаблари асосида қўлланилаёт-ганини яққол кўриш мумкин.

Гулнора ҒУЛОМОВА, ТДЮИ катта ўқитувчиси

Kollejlar hayotidan

БЎЛАЖАК ҲАМШИРАЛАР МАСКАНИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида 1993 йилда тиббиёт билим юрти ташкил этилган эди. Ўқув юртига қабул қилинган ўқувчиларга дастлабки йилларда ягона мутахассислик — "Ҳамширалик иши" йўналишида таълим берилди. Илк йилларда билим юртида бор-йўғи 120 нафар йигит-қиз тиббиёт соҳасида билим олган бўлса, 2001 йилга келиб бу рақам 300 нафарга етди. Айни шу йили тиббиёт билим юрти — касб-ҳунар коллежига айлантирилди ва ўқув дастурига қўшимча тарзда "даволаш иши", "тиш техниги" мутахассисликлари киритилиб, янги-янги бўлимлар ташкил қилинди. Коллежда ўтган 10 йил давомида 2500 га яқин тиббиёт мутахассислари тайёрланди. Шуларнинг 200 нафардан зиёди мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттириб, етук ва малакали шифокорлар бўлиб етишдилар ва айни пайтда соҳада фаол меҳнат қилмоқдалар.

Таълим муассасасида дарслар замонавий асбоб-ускуналар, ўқув қўлланмалари билан жиҳозланган хоналарда янги педагогик технологиялар, услуб ва методлардан фойдаланилган ҳолда ташкил қилинган. Айниқса, коллеж ўқитувчиларидан Н.Абиев, Ш.Турсунов, М.Исмоилов, Р.Муҳаммадиев, Д.Нормуродов, Э.Мардиев, М.Абдураҳимова, Д.Тўймаматова, Д.Суюновларнинг дарсларини ўқувчилар ўзгача қизиқиш ва эътибор билан ўзлаштирадилар.

Коллеж талабалари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган спорт ва илмий-ижодий танловларда, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар.

Мен коллежнинг собиқ ўқувчиси сифатида ўқув юртим жамоасини 10 йиллик юбилейи билан қутлаб, уларнинг фаолиятига унум ва ривож тилайман. Коллеж ўқувчиларига эса ўқиш ва келгуси иш фаолиятларида омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Бобомурод ОДИЛОВ, Тошкент давлат маданият институти талабаси

Jurnalist tekshiruvi

"ДИСКО-КЛУБ" ВА «БАРЛАР» БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Таҳририят томонидан "диско-клуб" ва "тунги бар"-ларнинг ҳаётий муҳитини ўрганиб, мақола тайёрлаш вазифаси топширилгач, ростини айтганда, бундай клубларга умуман бормаганлигим сабабли мақолани қандай ёзиш керак, деган хаёл билан бир неча кун паришон юрдим. Ниҳоят пойтахтимиздаги клубларнинг ҳаётий муҳитини ўрганишга киришдим.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Соат 22 га яқинлашмоқда. Гавжум Сайилгоҳ бўйлаб юрарканман, қайси «диско-клуб» ёки «бар»га киришни ўйлардим. Ниҳоят бир милиционерга мурожаат қилиб, мақсадимни айтганимда, «Зарафшон» концерт залининг кичик бўлинмаларининг айримлари шунақа клублар эканлигини тушунтирди. Қаранг-а, "Зарафшон"нинг олдидан ҳар куни ишга ўтиб-қайтарканману бу ерда бундай жойлар борлигини билмас эканман.

"Зарафшон" концерт залининг автомашиналар қўйиладиган томонидан юриб, эшик тепасига "Танцевальное шоу", "FM ART BAR" деган ёзувга кўзим тушди. Ичкарига кирмоқчи эдим, бир барзанги йигит тўхтатиб, кириш ҳақи 4 минг сўм эканлигини айтди. Нархни эшитиб, устимдан бир челак сув қуйилгандек бўлди. Ундан қизиқсиниб, "ичкарига киргач, бошқа хизматлар текинми?" деб сўрадим. У мийиғида кулиб, "Сен бу ерга биринчи марта келаяпсанми? Ёш экансан, яхшиси "Диско-клуб"ларга бора қол", — дея маслаҳат берган бўлди. Мен эшикдан ичкарига бирров назар солишни илтимос қилдим. У, йўқ демади. Ичкаридаги "бармен"га кўзим тушди. Унинг ёнида 16-17 ёшлар атрофидаги икки қизнинг қўлида сигарета чўғланиб турар, "бармен" эса уларни спиртли ичимлик билан сийламоқда эди. Қулоқни ларзага келтирадиган алламбало қўшиқлар садоси остида эса ярим-яланғоч қизлар муқом қилмоқда... Уларни кўриб ҳозир ёшларимиз шундай жойларда дам олар экан-да, дея таассуфда қолдим. Эшик оғасига қайтадан мурожаат қилиб, журналист эканлигимни диско клублар ҳақида мақола ёзмоқчи бўлаётганимни тушунтираётганимда, унинг шериги менга маслаҳат бера кетди. **Биринчидан,** бу ердан ёзган мақоланг газетада чиқмайди, **иккинчидан,** ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан. **Учинчидан,** вақтингни бекорга кетказма. Уни эшитиб бўлганимдан сўнг "хўжайини" билан учрашмоқчи эканлигимни айтдим. Шунда бироз кутишимни айтиб, бир йигитни чақириб чиқди. У «бар»нинг хўжайини йўқлигини, ўзи хўжайиннинг укаси Илҳом Абдукаримов эканлигини айтди. Ва мақсадимни сўради. Мен мақсадимни айтдим. У менга бу ер ҳақида ёзмаслигимни маслаҳат бера бошлади ва "Сизни ичкарига қўя олмаймиз, ичкари муҳитни қандай тасаввур қилсангиз, шундайлигича ёзаверинг" деб хайрлашди. Эшик қоровулларига, белгиланган 4 минг сўмни бериб, ичкарига кирсам бўладими, дея сўрасам, энди мен учун бу эшик ёпиқ эканлигини тушунтириб, қаерни хоҳласанг ўша жойга мурожаат қилавер, дегандек қараш қилди.

У жойдан "Демир" дўконига қараб юриб, ўнгга қайрилдим. Бу ерда машҳур "Karavella" диско-клуби бор экан. Клубга ёшлар кириб-чиқиб юришибди. Бундан олдинги ҳолатда журналистлигимни айтганим боис, керакли маълумотни ололмаганлигим сабабли, бу жойда ўз касбимни яшириб, тўғридан-тўғри касса ходимига мурожаат қилдим. Билет нархи бир ярим минг сўм. Сотувчи қўлимдаги қоғозларга қараб, шубҳаланди шекилли, менинг нега келганимни сўрай кетди. У ўзи билмоқчи бўлган нарсасини била олмагач, қўлимдаги сумкамни очишни сўради. Сумкадаги ёзиб олиш аппарати (диктафон)га кўзи тушиб, журналистмисиз, дея рус тилида сўрадию, у ҳам тўнини тескари кийиб олди. Бу "операция" ҳам амалга ошмади. Менга билет сотилмагач, диктафоннинг мурватини босиб, сабабини сўраганимда, қаршимдаги "кассир" йигит "гунг"га айланди. Унинг қўл ишораларидан билдимки, у мендан диктафон мурватини ўчириб қўйишимни сўраётган экан. Кейин бу жойга мени умуман қўймаслигини дангалига айтди. Хуллас, иш юришмагач уйга қайтар эканман, фақат бир нарсани ўйлардим. Нима учун журналистлигимни билишгач, мени бу жойларга қўйишмади? Ёки бу клубларда ростдан ҳам, кураклда турмайдиган ҳар хил воқеаларнинг гувоҳи бўлишимизни хоҳлашмайдими?! Бу менга қоронғулигича қолаверди... Албатта, юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига зид келиб қолгани анча ўйлантириб қўйди. Чунки, қонуннинг 10-моддаси (журналистнинг касбига доир фаолияти кафолатлари)нинг иккинчи хатбошида: "Давлат журналистга ахборотни эркин олиш ва тарқатишни кафолатлайди", дея ёзиб қўйган. Бундан ташқари "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси(ахборот олиш ҳуқуқини бузганлиги учун жавобгарлик)да: "Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар" дея белгиланган-ку?!

Бироқ бу шахслар бундай қонунларнинг борлигини, билмасалар ҳам керак?..

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Бу мавзу изидан Ғафур Ғулом истироҳат боғи (аввалги Мирзо Улуғбек)-даги очиқ типда ҳафтада уч марта бўладиган "Диско-клуб"га бордим. Чиптахонага яқинлашар эканман, ҳозир фалон нархни айтса керак, деган хаёл билан билет нархини сўрадим.

Бу ерда 200 сўмлик билетни ҳеч қандай сўровларсиз, текширувларсиз қўлга киритганимга хурсанд бўлиб, ёшлар орасига сингиб кетдим. Лекин жазавага тушиб, рақсга тушаётганларнинг ичида ўзимни ноқулай сездим ва секингина четга чиқиб, уларни кузата бошладим. Ҳар хил тилларда айтилаётган қўшиқларга турлича муқом қилаётган ўғил-қизларни кузатар эканман, уларнинг кўпчилиги кишининг нафсониятига тегадиган гапларни гапириб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётганини кўриб, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Айниқса, қизларнинг қўлида чўғланиб турган сигареталару ўғил болаларнинг бир-бирлари билан "ўпишиб" саломлашишларини кўриб, бизнинг ёшларимиз онгига бу иллат қандай сингиб қолди экан, деган хаёлга толдим.

Шу маҳал катталарга бевосита тақлид қилиб рақсга тушаётган 7-8 ёшлар атрофидаги 3-4 нафар болага кўзим тушиб, уларни суҳбатга тортдим:

— Нега оромгоҳларга бормадинглар?

— Юборишмади, — дейди Дилфуза исмли қизча.

— Дилфуза, атрофингдагиларнинг ҳаммаси катта ёшдагилар экан, сен бу ерда соат нечагача бўласан?

— Соат 22.00 гача.

— Бу ердан нима ўрганаяпсан?

— Қўшиқ эшитиб, рақс ўрганаяпмиз. Мана укам ва синглим ҳам шу ерда.

— Буни уйда ўргансангизлар бўлмайдими?

— Уйда қизиқ бўлмайди.

— Бу жойга тез-тез келиб турасизларми?

Ҳа. Улар оналари билан бирга келишган экан.

"Бу жойда ҳар хил тоифадаги ёшлар бор. Фарзандларингиз уларнинг салбий томонларига тақлид қилиб, сизсиз ўзбошимчаликлар қилишини тасаввур қила оласизми?", дея сўрадим бу болаларнинг онасидан.

— Менсиз ҳеч қачон болаларим "Диско-клуб"ларга боришмайди. Биз оилавий келганмиз, уларни ўзим бош бўлиб шу жойга олиб келдим. Менимча, сиз айтганчалик бўлмаса кераг-ов...

Бу оиладан узоқлашар эканман, ҳар ким турлича ҳордиқ чиқаришини, уларга ҳеч ким бундай дам олинг, дея олмаслигини ҳис қилдим. Лекин кичик ёшдаги фарзандларини нима учун бу жойда дам олдираётган онага тушунмадим... Чунки 7-8 ёшдаги бола "Диско-клуб"да дам олишига сираям ақлим етмади. Бундай ёшларнинг оромгоҳларга боргани яхши деб ўйладим.

Шу зайлда яна 6 ёшли Ўткиржон исмли бола билан танишдим. У бир чеккада жимгина ўтирарди. Ундан ким билан келганини сўраганимда, "акам билан" дея жавоб қилди. Бу ер сенга ёқаяптими, деган саволимга "йўқ", деб жавоб берди ва агар акаси рози бўлганида ҳозироқ кетишини қўшиб қўйди...

Катталарнинг эътиборсизлигини қаранг, 6 ёшли бола кечки соат 22 да "Диско-клуб"да ўтирибди?!

Шундан сўнг ўз тенгдошларимни ҳам суҳбатга тортдим.

— Мен, — деб сўз бошлади Чарос исмли қиз, — 17 ёшдаман. 4 йилдан буён "Дискло-клуб"ларга бориб тураман.

— Нима учун бу ерга келасиз?

— Хурсандчилик учун. Кўпчилик дугоналарим шу ерда бўлгани сабабли улар билан ҳордиқ чиқараман.

— Бу ерда тартиббузарликлар ҳам бўлиб турадими?

— Бу одатий ҳолат. Бусиз дискотека дискотека бўлармиди?! Ҳаммаси ур-йиқит билан қизиқ бўлади-да. Чунки кимдир ўзини кўрсатади, яна кимдир...

— Агар сизнинг шахсий ҳаётингизга дахл қилмаса, битта савол берсам, майлими?

— Албатта.

— Мана сиз сигарета чекиб турибсиз. Нега?.. Бу қанчалик яхши ёки ёмон?

(У сигаретани ташлаб юборди.)

— Сигарета чекишимнинг сабаблари бор.

— Қанақа сабаблари?

— Севги.

— Севгини сигарета чекиш билан даволаса бўладими?

— ... (энсаси қотганга ўхшади)?

— Сигарета чекишингизни ота-онангиз биладими?

— Йўқ билмайди. Лекин "Диско-клуб"ларга келишимни билади.

— Сизнинг ёшингиздаги қизларни маросимлар билан ўзга уйга келин қилиб узатишади. Сизнинг ҳам ота-онангизнинг орзу-ҳаваслари бўлса керак. Бундай юришингиз уларнинг орзуларини ёки удумларимизни қанчалик оқлайди?

— Тўғриси, бу ҳақда ўйлаб кўрмабман. Лекин биламанки, бу яхшимас...

Мен суҳбатни давом эттириш учун бир четдан кузатаётган ўзим қатори Мурод исмли йигитни гапга солдим.

— Бу ерда рақсга тушаётган қизларнинг шундай юришини ота-оналари билармикан?

— Билишмаса керак. Чунки бу ўзбекчиликка тўғри келмайди.

— Бундай жойларда дам олиш яхшими?

— Менимча, йўқ.

— Бу жойларда ахлоқбузарлик ҳолатлари ҳам содир бўладими? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Ўзи кўпчилик болалар, бу ерга ахлоқи бузуқ қизлар учун келишади... Чунки биронта яхши қиз келиб бу ерда дам олмайди. Уларни ота-оналари ҳам қўйишмайди. Яна бундай дейишимга сабаб, бу ерлар улар учун панох, яъни, "бозор" деса ҳам бўлаверади.

Бу гаплар замирида қанчалик ҳақиқат ётганини билиш мақсадида Ғафур Ғулом истироҳат боғи жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ходими Шуҳрат Султоновга мурожаат қилдим:

— Болаларнинг айтишича, истироҳат боғи диско-клубидаги кўпчилиги ахлоқи бузуқ қизлар экан. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Нотўғри гап. Чунки бу ерда анча йилдан буён ишлайман. Одамнинг ташқи қиёфасидан фарқлаш мумкин.

— Сиз шу муҳитда ишлайсиз. "Диско-клуб"лар ёшларга нима беради?

— Энди биласизми, кўпчилик шундай жойларда дам олади.

— Яна бир далилни айтишдики, дискотека уриш-жанжалсиз ўтмас экан. Бу қанчалик тўғри?

— Кичик жанжаллар бўлиши мумкин.

Хуллас, суҳбатимиз давом этаётган бир вақтда дискотека тугаганлиги эълон қилинди. Мен ҳам суҳбатга нуқта қўйиб, озгина маълумот олганимдан хурсанд бўлиб, уйга қайтдим.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Эрталаб ўрнимдан туришга ҳаракат қиламану, бошим гангиб бораётганидан тура олмайман. Хаёлимдан алламбало хотиралар ўтмоқда... Уларни тушимда кўрдимми, ёки ўнгимда, ҳеч эслай олмайман. Шунда тўсатдан ўтган кечаси "тунги бар"ларнинг бирига борганимни эсладим. Бу ҳолатимга назар солиб, "бу ер мен борадиган жой эмас экан" деб қўйдим. Кеча барда кўрган кишиларимнинг ҳаммаси ҳам менинг ҳолатимдек карахтмикан, ёки?..

Шу кеча Шота Руставели кўчаси бўйлаб «ТРИ ДЕВЯТКА», диско клуби томон юрар эканман, унинг қаршисида жойлашган "ПИВО OSTERBRAU БАР"-ига кўзим тушди. У ерда одамлар гавжум эди. Менга пешвоз чиққан "эшик оға"лар яхши мулозамат кўрсатиб, ичкарига кириб ҳордиқ чиқаришимни таклиф қилишди. Эшикни очишим билан ҳар хил рангдаги чироқлардан кўзим қамашди, қулоқни қоматга келтирадиган куй-қўшиқдан эса бироз ўзимга келолмасдан қулайроқ жой топа олмаётганимда, хизматкор қизлар жой таклиф қилишди. Замонавий жиҳозланган бу ерда анчагача ўнғайсизланиб ўтирдим. Сабаби, "тунги бар"ларнинг бундай жиҳозланиши хаёлимга келибди, дейсизми? Шу алфозда ўтирганимда официант қиз таомлар рўйхатини қўлимга тутқазди. Уни варақлар эканман, овқат туридан бир неча баравар кўп ичимликлар рўйхатини кўриб ҳайратландим. Нархлар "чақадиган" даражада, албатта. Унга қараб, кола ичимлиги ва салат олиб келишини сўрадим. У менга қараб "ҳеч қандай спиртли ичимлик ичмайсизми", дея мурожаат қилди. Унга "йўқ", деган жавобни берганимда, қиз ҳайратланганича жойида тик қотди. Бошқа ҳеч нарса керак эмас, дея яна эслатганимдан кейингина мендан узоқлашди.

Атрофимдагиларни кузатдим. Кимдир саҳнага чиқиб, ўзи хоҳлаганча рақсга тушмоқда. Яна кимдир ичимлик ичиб, қўшиқ эшитмоқда.

Рақсга тушиш майдончасида 5-6 нафар киши рақсга тушмоқда. Хизматкорларни айтмаганда, бу ердаги дам олувчи эркакларнинг кўпчилиги таҳминан 40 ёш атрофида. Лекин чақчақлашиб ўтирган ёнидаги "хонимча"ларнинг ҳаммаси эса 20 ёшга ҳам тўлмаганлар. Рақсга тушаётган бир "акахон"ни кўриб кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билмайсан. Ўзи 50 ёшлар атрофида, ёнидаги қиз эса ўзининг фарзанди қатори. Ҳаракатлари эса одамнинг ғашини келтиради. Яна шуни аниқ айтиш мумкинки, қиз унинг хотини эмас. Чунки ҳеч қандай эркак ўз рафиқасини бунақанги ёпиқ типдаги барларга олиб келмаса керак. Агар ўз турмуш ўртоғи эрининг шундай юрганини билиб қолса, қай аҳволга тушар экан?

Бу ердаги ҳолатни кўриб, ростини айтганда, катта авлод эркакларидан ва ёши жиҳатидан мен қатори қизлардан хафа бўлиб кетдим. Нафс қули бўлган «акахон»ларгаю, пул илинжида юрган қизларга бир нарса дейишга сўз ожиз эканлигини англаган ҳолда, ортиқ ўтирмасдан уйга кетишга аҳд қилдим. Лекин шу вақт қўшиқ айтаётган йигит томонидан «рақс шоу»си бошланиши эълон қилинди. Бу яна нимаси экан дея қолишга мажбур бўлдим. Бир маҳал ярим яланғоч қизлар саҳнани эгаллади. Ҳамманинг кўзи уларда. Рақсга тушаётган қизлар тўсатдан дам олувчилар томонга ҳаракатлана бошлади. Бу ҳар бир кишига алоҳида муқом қилиш учун, ҳамда бу ерга ташриф буюрган «бойвачча»лардан пул йиғиб олиш мақсадида қилинаётган ҳаракатлар экан. Пул олиш учун ҳамма нарсага тайёр бу қизларга нима дейишга ҳам ҳайронсан киши...Бу ерда қолишга сабрим чидамади. Яна нималар бўлишини кўришни ҳам хоҳламасдим.

Ҳисоб-китоб қилиш учун официантни чақирдим. У менга жами 2375 сўм бўлганини айтди. Мен ҳайратланиб унга савол бердим. **"Биргина Кола ва "Салат" шунча нархдами?"** У менга бир қараб тушунтира кетди: «Кола 400, салат 500, вход 600, шоу 600, за обслуживание 275 сўм" дея сўзини якунлади. Ва охирида "Желаем новых встреч" дея хайрлашди.

Ташқарига чиққанимда соат 24 дан ошган эди. Хуллас, қанақа ҳолатда уйга етиб келганимни билмадим... Шу ухлаш билан эртасига уйғонганимда туш вақти бўлган экан. Бу кечинмалар билан таҳририятдан берилган вазифаларни уддалагандай бўлдиму, лекин бундай ҳолатлар биз ёшларга нима беришини била олмадим?!

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Eng alam qilgani — ukamning "Otam shu to'yga ketgan aroqning to'rt yashigiga ketgan pulga repititor yollaganida edi, men bu yil talaba bo'lgan bo'larmidim", degan gapi bo'ldi".

Тўй ўзбекнинг азалий удуми. Минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўплаб халқ ўйинлари, лапарлар, маросим анъаналари тўйлар туфайли барҳаёт десак, нотўғри бўлмас. Ўзбек тўйлари асрлар мобайнида ёшлар ахлоқининг мукаммал шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бундай маросимларда ўтириш-туриш, ўзини тута билиш, қай даражада юксак ахлоққа эга эканини кўрсата билиш тўйларда катта аҳамият касб этган. Шу туфайли азалдан турли тадбирларда, айниқса, тўйларда одоб-ахлоқ, хушмуомалалик, меҳмондўстлик каби умуминсоний фазилатларга кўп бора гувоҳ бўламиз.

Аммо бугунги тўйларимиз қай тарзда ўтаяпти? Уларда юқорида таъкидланган унсурлар борми? Маросимларимиз аксарият ҳолларда исрофгарчилик борасида кимўзар мусобақасига айланиб қолмаяптими? Бу саволлар билан юзма-юз келганда, негадир, жавоб ўрнига сукут сақлаб, ерга қарашни афзал биламиз.

Ушбу мақолада тўйларнинг яхши-ёмон жиҳатларини, имкони борича таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Агар бу борадаги мулоҳазаларимиз Сиз, азиз муштарийларни қўлингизга қалам олиб жавоб йўллашга ундаса, марҳамат, ўз фикрларингизни мактуб орқали бизга йўлланг.

Тўй — ўзни кўрсатиш эмас

ТЎЙДАГИ ТОМОША

Бундан бир қанча вақт муқаддам ўзига тўқ ҳамқишлоғимиз элга тўй берди. Эрталабдан кечгача тўрт қозон ош дамланди. Кечки базмга ҳам бир талай одам зиёфатга айтилиб, шунга яраша жой қилинди. Хизматчиларнинг гапсўзларига қараганда, тўй эгаси тўйга минг шиша атрофида ароқ ҳозирлаган экан.

Кеч кириб, зиёфат бошлангач, даврага келин-куёв таклиф қилинди. Аммо меҳмонлар учун тайёрланган жойнинг ярми бўш қолди. Бўш қолган жойлар базмни томоша қилиш учун келган хотин-халаж ва ёш болалар билан тўлдирилди. Мезбон учун бообрў ҳисобланган меҳмонларга алоҳида меҳрибончилик кўрсатилди (Бу ҳол деярли барча тўйларда учрайди). Дастурхонга 2 хил овқат, 2 кишига биттадан икки маротаба ароқ тортилди. Даврада ичмайдиганларни ҳисобга олмаганда (улар бармоқ билан санарли), маст бўлмаган одам қолмади. Деярли ҳамма рақсга тушди. Аллақаердан топиб келинган отарчига рақсбоп ашулани қайта-қайта айттириб ўйнашди. Ярим тунга бориб давра сийраклашиб қолди. Ўртакаш энди келинкуёвга жавоб берадиган вақт бўлганини айтиб, оқсоқолга микрофонни тутди. Дастурхонга тортилган ароқлардан оқсоқол ҳам бенасиб қолмаган шекилли, гандираклаганча тушунарсиз тарзда ғудрана-ғудрана икки ёшга оқ фотиҳа берди. Унга қўшилиб юзларига фотиҳа тортаётган одамларни кузатиб туриб, беихтиёр марҳум бобомнинг "Ароқ ичган одамнинг қарғиши ҳам, олқиши ҳам ижобат бўлмайди",– деган гапи ёдимга тушганди ўшанда.

Кейинроқ таниқли адабиётшунос Султонмурод Олим бир суҳбатда тааж-жуб билан: "Ҳайронман, ўзбекка нима бўлаяпти ўзи. Тўйлари ароқсиз ўтмай қолди, яна шу тўйда қўлига қадаҳ тутиб, чайқала–чайқала, худога шукур айтишади, гўё тилаклари ижобат бўладигандай тилаклар ҳам тилашади. Тангри ҳузурида бу қадар адабсизлик қилишга шайтоннинг ҳам журъати етмасов. Буларнинг оқибати нима бўлади, ёлғиз худога аён", деган эди...

Ўшанда келинни гўшангага кузатиб қўйган куёв ва куёвжўралар ўйин-кулгини яна узоқ вақт давом эттиришди. Вужудимда ҳорғинлик сезиб, уйга қайтдим...

Эрталаб уйқудан турсам, соат 10 бўлган экан. Шу қадар донг қотиб ухлабманки, ойим ҳам уйғотишга ботинмабди. Бетимни ювиб, уйга киргач, укам Фарҳод акани (воқеа қатнашчиларининг исмларини атай ўзгартирдик) милиса олиб кетганини айтиб қолди. Ҳайрон бўлиб, боиси билан қизиқдим. "Кеча тўй тарқагандан кейин жанжал бўлипди. Фарҳод Темурни уриб ўлдириб қўйишига оз қолибди, у ҳозир реанимацияда эмиш", дея изоҳ берди укам ўз хабарига. Кейинроқ воқеанинг тўла-тўкис тафсилотини бошқалардан узуқ-юлуқ билиб олдим. Укамнинг гаплари рост экан.

Жабрдийда-ку тузалиб чиқди, аммо зўравон қамалиб кетди. Ҳар ким ўзича хулоса чиқарди. Биров зўравонни ёмонласа, бошқаси жабрдийдани маломат қилди. Лекин ҳеч ким бу жанжалнинг бош сабабчиси бўлган тўйни тилга олмади. Аслида ҳамма касофат ўша ердан бошланган эди. Меъёридан чиқиб ичилган ароқ охир-оқибатда икки оилани юз кўрмас қилиб, бир йигит шаънига "ўтириб чиққан" тамғасини босди.

* * *

"Академик Юнус Ражабий ва шоир Ҳабибийлар ёзган мақолада айтилганидек, тўйхоналарда "катталар" "мен сенга айтсам"га етгунча ичишади. Оёқлари остида шиша йиғиб юрган болаларга парво ҳам қилишмайди. Бугина эмас, ўша "катталар" орасидаги энг ҳурматли одамлар ёшларга тилак тилаган бўлиб, қадаҳ кўтаришади. Ҳаммани ичишга, "оқ ичишга" ундашади. Шу билан ҳовлини, томларни тутиб кетган болаларнинг кўз ўнгида ичкиликка обрў туғдириб беришади. Модомики, шундай экан, меҳмонлар тарқалгандан кейин столга бемалол ўтириб, шишаларнинг юқини ичаётган болаларга қайси тил билан "ичкилик ичиш уят" деб бўлади?"(А. ҚАҲҲОР "Уят" мақоласи.)

* * *

Машҳур адибимизнинг ушбу сўзлари изоҳга муҳтож эмас.

Сўзимиз бошида тўйларимизда халқимизнинг ахлоқи тўла-тўкис намоён бўлишини айтдик. Бироқ, бугунги тўйларда оммавий ичкиликбозликлардан сўнг юксак ахлоқнинг эмас, жуда ҳам тубан ахлоқнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ёш авлод тарбиясида беиз кетмайди.

Янглишмасам, бундан ўн-ўн икки йиллар муқаддам, бир тўйда эндигина беш-олти ёшга кирган болакай қаердандир ароқми, виноми ичиб олиб, маст бўлиб қолибди. Ўз идрокини йўқотган гўдак юришга ҳаракат қилар, лекин эплаёлмай йиқиларди. Бу ҳолдан атрофдагилар кулар, уни мазах қиларди. Шу пайт болакайнинг акаси келиб қолди. Воқеани кўриб, жаҳлланди, укасини уришга қасд қилиб, қўлини кўтарганча ундан "Ичдингми?",деб сўради. Болакай акасига қараганча "Ҳа, ичдим, нима дейсан", деб жавоб қилди. Бу жавоб аканинг тепа сочини тикка қилди, аммо қўлига эрк беришни лозим топмай, "Нега ичдинг", дея саволини янгилади. "Нима ишинг бор, ўзинг ҳам ичиб олгансан-ку". Уканинг бу жавобидан сўнг ака бошқа гапирмади, уни даст кўтариб олганча уйига олиб кетди. Эҳтимол, гўдакнинг акасига нисбатан гапирган ҳақ гапи унинг жаҳлини кесгандир. Бироқ, нима бўлганда ҳам бу ҳол фожеадан бошқа нарса эмас, алҳол, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг юқоридаги гапларининг исботи айнан мана шу эмасми?...

Қолаверса, бундай тўйлардаги "тўнига қараб" муомала қилиш аксарият ҳолларда кўнгилхираликка олиб келади. Тўй эгасининг барча қилган хизмати норози бўлганлар, иззат талаблар томонидан "одам ажратиш" дея баҳоланади. Энг муҳими, битта тўйга кетган харажатга баъзан бутун бошли иморат тиклаш ёки анча-мунча қиммат турадиган машина сотиб олиш мумкин. Одамларни қойил қолдириш учун тўй қилганларга қараб туриб, қуйидаги латифанамо гап ёдга тушади: Бир бадавлат киши одамларни хурсанд қилиш мақсадида, уларга биттадан қўй улашибди. Бироқ қўйларнинг бўйнида ипи йўқ экан, шунда одамлар қўйни етаклашга қийналганларидан "қурумсоқ бўлмай ўл, қўй берсанг, ипи билан бермайсанми", деб ундан норози бўлишган экан.

ҲАСРАТ

Университетни тугаллайдиган йилимиз бир курсдошимиз уйланди. Мен тўйга боролмадим. Орадан бирмунча вақт ўтиб, у билан учрашдик. Курсдошим гап орасида тўй ҳақида ёзғириб қолди. "Буни қаранг, ҳамма харажат бир бўлдию, ароқнинг харажати бир бўлди. Отамга: "Қўйинг шу зормандани бермайлик", десам, "Мен одамларнинг тўйига бориб ароғини ичганман", деб қарзга бўлса-да, ароқ олдирди. Ана энди қарзни узиш қийин бўлаяпти. Укамни репититорга олиб келаман, деганимда қарз олишга унамаган отам ароққа келганда ўйлаб ҳам ўтирмади. Энг алам қилгани — укамнинг "Отам шу тўйга кетган ароқнинг тўрт яшигига кетган пулга репититор ёллаганида эди, мен бу йил талаба бўлган бўлармидим", деган гапи бўлди".

* * *

Агар етти ерда тўй бўлса,
ошни тушургайлар,
Тўюб қорни, кекуруб,
кўп керишконига диққатман.
Маъориф, илм йўлина,
тийинни кўзлари қиймас,
Базмда баччага сўмлар,
беришқонига диққатман.
(А. Авлоний "Диққатман" шеъри)

ТЎЙЛАРИМИЗГА КИРИБ КЕЛ(АЁТ)ГАН ЁТ ОДАТЛАР ВА ЙЎҚОЛИБ КЕТАЁТГАН АНЪАНАЛАР

Айрим динга эътиқод қилувчи баъзи тоифалар учун вино муқаддас ичимлик ҳисобланади. Улар бу ичимликка илоҳий, яъни, покловчи неъмат сифатида қарашади. Ҳатто, чўқинтирилаётган гўдак ҳам вино ва нон билан чўқинтирилади. Шу важдан уларда ичкилик ичилганда, яхши ниятлар айтилади ва бу Тангри ҳузурида қабул бўлади, дея умид қилинади. Улар шу туфайли тўйда ҳам, азада ҳам ичишади. Гапнинг индаллосини айтганда, бу тоифа шу тариқа бир ибодат маросимини ўтайди. (Худди мусулмон аҳли яхши тилаклар билан фотиҳа қилганидай).

Гарчанд, ўз кўзимиз билан аниқ кўрмасак-да, ўзбекнинг тўйларида спиртли ичимликлар қўйилиши ўтган асрнинг 30-йилларигача бу қадар урф бўлмаганди, деган гапларни боболаримиздан кўп эшитганмиз. Юз йилдан ортиқ давом этган мустабид тузум туфайли тўйларимизда қадаҳ олиб сўз айтиш урф бўлди. Бу ўзбек халқи учун бегона, аммо бугунги кунда жуда чуқур сингиб кетган ёт одатдир.

Жуда катта дабдабаю асъаса билан ўтувчи "Загс" маросими, бу маросимда кийиладиган келин-куёв либослари айнан ғарб анъаналарига тақлиддан бошқа нарса эмас. Бунинг ҳам Ғарб удумлари билан боғлиқлик жиҳати йўқ эмас. Тасаввур қилинг, ҳашамдор черков, келин-куёвга юзланиб турган ва никоҳ ўқиётган руҳоний, башанг костюм-шимда турган куёв ва биз "фата" деб атовчи оқ либосдаги келин. Бу ҳолнинг бугунги кунда юртимизда бўлиб ўтадиган «загс» маросимларидан нима фарқи бор.

Бу ўринда, миллий никоҳ либосларимиз бошқа халқ либослари билан алмашилганию, никоҳ маросими ҳам бутунлай ўзгариб кетганига гувоҳ бўламиз.

Аввал халқимиз тўй қилса, ҳозиргидек кечки базм эмас, кўпкарили тўй қилган. Катта-катта кураш мусобақалари, арқон тортиш каби қатор удумга айланган ўйинлар шу тўйлар баҳона ташкиллаштирилган. Энди эса, бу анъаналар негадир унутилаяпти. Шаҳар-ку, майли, олис қишлоқларда ҳам бу анъаналардан кечки базмларнинг афзал кўрилаётгани ташвишланарли ҳол эмасми?..

ИБРАТЛИ ВА ИБРАТСИЗ ЖИҲАТЛАР

Ўзбекистон ҳудуди қадимдан турли цивилизациялар учрашган ҳудуд ҳисобланади.

Агар эътибор қилсангиз, бир вилоятдаги тўй удумлари бошқасиникига асло ўхшамайди. Ҳатто уларда аждодларимиз эътиқод қилган зардўштийлик, оташпарастлик, масиҳийлик, монийлик, буддавийлик каби қадимги динларнинг унсурлари ҳам учрайди.

Ҳар бир вилоятнинг тўйларида бир қанча ибратли жиҳатлар мавжуд. Масалан: Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, қисман Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қадимий удумлар яхши сақланган. Юқорида таъкидланган кўпкари, кураш, арқон тортиш каби халқ миллий ўйинлари уюштирилиб турилади. Фарғона водийси ҳамда Тошкентда тартиб-меъёр тўйларнинг қонунига айланиб улгурган.

Бироқ, оғриқли, ноўрин жиҳатлар ҳам борки, бу исроф, ортиқча дабдабабозликлар билан боғлиқ. «Фалончидан ўтказаман, мен кимдан камман», қабилида ўтаётган тўйлар исрофдан бошқа нарсага олиб келмаётир. Шу ўринда мавлоно Жалолиддин Румийнинг "шакл ва моҳият" ғояси ёдга тушади. "Инсонлар аксарият ҳолда моҳиятни унутиб шаклга берилади", дейди мавлоно Румий. Аслида тўй қилишдан муддао нима? Элга дастурхон ёзиб, дуосини олиш, ўғилни хатна қилдириш ёки уйлантириш ёхуд қизини турмушга бериб, халққа билдириш. Тўйнинг моҳияти ана шунда. Хулоса шуки, тўй мавзуси ғоят мураккаб, бир мақола билан қамраб бўлмайдиган мавзу. Аммо бугунги ўзбек тўйлари эътиборга, бир оз ислоҳотга муҳтождек гўё.

1998 йилда ушбу мавзуга нисбатан мамлакатимиз раҳбари ўз муносабатини билдириб, ташвишини изҳор қилган ва тўйларни тартибга келтириш борасида ўз фармонини эълон қилган эди. Шундан сўнг тўйлар бирмунча изга тушди. Аммо жараён тўла-тўкис ўз ниҳоясига етгани йўқ. Назаримизда, тўйларни тартибга келтириш борасидаги ислоҳотларнинг бош ижрочилари маҳалла оқсоқоллари бўлмоғи лозим.

Дабдабаю асъасалар шаклдан ўзга нарса эмас. Шаклга муккасидан кетиб, катта миқдорда қарз олган, бор маблағини тўйга совуриб қўйиб, ўзини қийнаган инсонларнинг ҳоли барчага ибрат бўлмоғи лозим.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
«Ma`rifat» мухбири

НИГЕРИЯ АСКАРЛАРИ ЯХШИ КУТИБ ОЛИНДИ

Минглаб либерияликлар Монровия кўчаларида патрул хизматини ўташ учун келган Нигерия давлатининг тинчликпарвар кучларини кутиб олиш учун кўчаларга чиққанлар, дея хабар беради BBC News. "Биз тинчликни хоҳлаймиз" дея кўчани бошларига кўтарган маҳаллий кишилар тинчликпарвар кучларни очиқ юз билан кутиб олганлар. Ҳозирда Нигериядан 100 га яқин аскарлар Монровияга келтирилган бўлса, уларнинг сони 1500 нафаргача оширилиши, умуман Либерияга киритилажак Ғарбий Африка давлатларининг тинчликпарвар кучлари сони 3250 кишига етиши мумкинлиги кутилмоқда. Шунингдек, Америка аскарларининг ҳам биринчи вакиллари пойтахт Монровиядаги АҚШ элчихонасига вертолёт ёрдамида келтирилганлар.

Истеъфога чиққанлигини ошкор этган президент Чарльз Тейлор эса, ўзининг ўрнига мамлакатни ҳозирга қадар вице-премьер лавозимида ишлаган 58 ёшли Мозес Бла бошқаришини айтган. Бироқ, исёнчилар ҳукуматни Тейлор тарафдорлари томонидан бошқарилишига норозилик билдирганлар. Бугунга қадар фуқаролар уруши туфайли 2 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган.

УСЛУБ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

"Нью-Йорк Таймс" газетасига интервью берган генерал Рикардо Санчес Қўшма Штатлар Ироқдаги ҳарбий тактикаларини ўзгартиришни режалаштираётганлигини маълум қилган. Унинг айтишича, ҳарбий операциялар ўтказиш қисқартирилиши кутилмоқда. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳам тўхтовсиз рейдлар ўтказиш ва ҳибсга олиш ҳар доим ҳам яхши тактика бўлавермаслигини қайд этган. Пауэлл фикрича, америкаликлар озгина ён босишлари ва бошқарув тизимида маҳаллий ҳокимиятга ҳам имкон беришлари лозим. Шунингдек, ҳозирда ташкил этишга киришилган полициянинг махсус бўлинмалари ҳам ижобий ҳол. Кўнгиллилардан иборат бўладиган мазкур бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилганидан сўнг иттифоқчилар операцияларини ўтказишга зарурат қолмайди. Кеча эса, Буюк Британия урушда қатнашган ҳарбий кемаларини Форс кўрфазидан қайтариб олиб кетган.

"Ми—8" УРИБ ТУШИРИЛДИ

Чеченистоннинг жануби-шарқий туманларидаги Дышне-Ведено аҳоли пунктида Россия федерал кучларига қарашли "Ми—8" вертолёти жангарилар томонидан зенит ракетаси ёрдамида уриб туширилган. Натижада экипаж аъзоларининг бир нафари ҳалок бўлиб, қолган икки нафари оғир жароҳатланган. Десантларни белгиланган объектга ташлаганидан бироз вақт ўтиб, вертолёт ракета ҳужумига йўлиққан. Ҳозирда фожеа юз берган жойда қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Ингушетияда гранатомёт ва катта колибрли пулемётлар билан қуролланган жангарилар Россия аскарлари кетаётган автоколоннага ҳужум қилганлар. Бу ҳуруж вақтида ҳам 6 нафар рус ҳарбийси ҳалок бўлиб, 7 нафари турли даражада тан жароҳати олганлар.

ҲАЙДАР АЛИЕВ АМЕРИКАДА ДАВОЛАНМОҚДА

Ушбу ҳафта ўрталарида Анқарадан АҚШнинг Огайо штатидаги Кливленд шаҳри шифохонасига келган Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев даволаниш муолажаларини олишни бошлаган. Шифохона вакилининг айтишича, 80 ёшли Ҳайдар Алиев юрак хасталикларидан ташқари, буйраги бўйича ҳам муолажалар олади. Текширувлар чоғида Озарбайжон президентидан неврологик касаллик аломатлари топилмаган.

Xalqaro hamkorlik

КУНЧИҚАР ЮРТНИНГ БИР БЎЛАГИ

Пойтахтимизда бундан уч йил муқаддам фаолиятини бошлаган Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбек-Япон маркази мана шу қисқа давр мобайнида ўзига юзлаб ўзбекистонлик ёшларни жалб қила олди. Бу марказ Ўзбекистон ҳамда Япония ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бир томондан ҳамда JICA — Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги иккинчи томондан ушбу халқаро ташкилотнинг асосий муассислари этиб белгиланди.

Ўзбекистонда халқаро бизнесни ривожлантириш учун зарур кадрлар тайёрлаш тизимига кўмаклашиш, Япония маданияти ва тилини турли хил ахборот манбалари орқали Ўзбекистон аҳолисига етказиш йўли билан давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ва дўстона алоқаларни чуқурлаштириш борасида хизмат қилиш ушбу жамоатчилик ташкилотининг асосий мақсади сирасига киради. Айни пайтда мазкур марказ атрофига Шарқ мамлакатлари, хусусан, Япония ҳақида билишни истаган ёшлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар, қўйингки, турли хил касб эгалари бирлашишган.

— Марказимиз бизнес курсларини ташкил қилиш, компьютер саводхонлиги ва япон тилини ўрганиш ҳамда ҳар иккала давлат ўртасида ахборот ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш каби асосий йўналишларда фаолият кўрсатиб келмоқда, — *дейди ушбу марказ япон тили ўқув курсларининг менежери, жаноб Цутому Куротаки.* — Бу ерга келаётган ўқувчи-ёшлар бой кутубхонамиз жамғармасидан, шунингдек, видеотека, аудиотека ҳамда халқаро ахборот тизими — Интернет бурчагидан бемалол фойдаланишади. Японияда чиқаётган газета ва журналлар, ТВ дастурлари билан ҳам мунтазам равишда танишиб борадилар. Эътиборлиси, кутубхонамизда ташкил қилинган компьютер тармоғи орқали ўзбекистонлик тингловчилар Японияда энг нуфузли олий ўқуҳларнинг кутубхоналар жамғармаларидан ўзларига зарур бўлган ўқув адабиётлари ва дарсликларни танлаш имкониятларига эгадирлар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз зарурки, мамлакатимиз таълим тизимида Японияниг Ўзбекистонга бераётган амалий ҳамда беғараз ёрдами республикамизда ушбу соҳани ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик ёшлар ўртасида хорижий тилларни, хусусан, япон тилини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга тобора ўсиб бормоқда. Ана шу боис, Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбек-Япон маркази қошида япон тилини ўрганиш курси ҳам ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда бу ерда 4 босқичли — 2 та бошланғич ва 2 та ўрта таълим даражасидаги ўқув-таълим курслари ишламоқда. Яқин келажакда бу ерда гид-таржимонлар тайёрлаш курсларини очиш ҳам режалаштирилаяпти.

— Мен икки йилдан буён Ўзбекистонда ишлаяпман, — *дейди японияли ўқитувчи Юнико Кобаяши хоним.* — Мана шу вақт оралиғида шу нарсага амин бўлдимки, ўзбекистонлик талаба-ёшлар илм олишга жудаям чанқоқ экан. Буни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўтаётган назарий ва амалий машғулотларим давомида чуқур хис қилаяпман. Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбек-Япон марказида эса нафақат талаба-ёшлар, балки турли ёшда ҳамда ҳар хил касб эгалари бўлган ўзбекистонликларнинг япон халқи маданияти ва тилини чуқур билишга интилаётганликларини кўриб, ўзбек халқига бўлган ҳурматим тобора ошиб бормоқда.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларидаги таҳсили давомида япон тилини мукаммал ўрганаётган ёшларимиз айни чоғда Японияниг тарихи, маданиятини билиш билан бирга ушбу мамлакат томонидан таъсис этилаётган грант танловларида ҳам иштирок этиб, ўз билимларини кенг намойиш этишмоқда. Шулардан бири — ҳар йили март ойида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба-ёшлари ўртасида нотиқлик санъати бўйича кўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда. Мазкур танловнинг финал босқичлари ҳар уч йилда Марказий Осиё бўйича бўлиб ўтади. Бу ўзига хос нотиқлик санъати байрамида иштирокчи талабалар бугунги кунда долзарб бўлган мавзулардан бирини танлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини япон тилида ифодалаб беришлари керак. Улар, албатта, ҳайъат аъзолари томонидан бериладиган саволларга ҳам жавоб беришлари керак бўлади. Ҳакамлар ҳайъати энг яхши талабани аниқлаб, у муносиб тақдирланади. Мана, икки йилдирки, бу кўрик-танлов республикамиз мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ўртасида ҳам ўтказилиб, самарали натижа бермоқда. Танлов шартларидан ўрин олган япон халқи маданияти ва турмуш тарзини акс эттирувчи саҳналаштирилган кўринишлар, миллий рақс ва қўшиқлар ёшларимиз томонидан маҳоратли ижро этилиб, ушбу тадбир мазмунини бойитаяпти.

Умуман олганда, пойтахтимиздаги Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбек-Япон маркази барчада Кунчиқар юртнинг бир бўлаги сифатида таассурот қолдиради.

Юлдуз РАҲМОНБЕРДИЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети
2-босқич талабаси

ГИЁҲВАНДЛАР ОРАСИДА АЁЛЛАР КЎПРОҚ



БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бўлими Афғонистонда тадқиқот ўтказди, дея хабар беради BBC News. Пойтахт Қобулда ўтказилган текширувлар натижасида шаҳарнинг минглаб аҳолиси ё кайф қилиш учун ёки тиббий восита сифатида героин, опиум каби гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишлари маълум бўлган. Гиёҳванд модда истеъмол қилувчи 200 нафар киши, соғлиқни сақлаш соҳаси ва полиция ходимларидан иборат 100 нафар мутахассис билан суҳбатлар ўтказилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, Қобулнинг ўзида гашиш истеъмол қилувчи 24 минг, кокаин қабул қилувчи 11 минг, 7 мингга яқин героин истеъмол қилувчи, яна шунча миқдорда спиртли ичимликлар ичувчи кишилар яшайдилар. Опиум ва унинг маҳсули бўлган героин етиштириб беришда дунёда етакчилик қиладиган Афғонистоннинг гиёҳвандлик билан шуғулланувчи аҳолиси ўртасида аёллар кўпчиликни ташкил этади.

DEPARTMENT OF STATE · UNITED STATES OF AMERICA

АЙРЕКС ва АҚШ Давлат Департаменти Таълим ва Маданият масалалари бўлимининг

«Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури

IREX

Андижон, Фарғона, Қарши, Наманган, Термиз ва Нукус шаҳарларида Регионал ўқитувчи лавозимига танлов эълон қилади

Регионал Ўқитувчининг вазифалари:

- Дастур иштирокчилари ҳисобланган мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун тренинглар ўтказиш;
- Ўқувчиларнинг Интернетга йўналтирилган фаолиятини ривожлантириш ва мониторинг ўтказиш;
- Ўқув Интернет Маркази администраторларининг ишини бошқариш;
- Ота-оналар ва ўқитувчилар кенгаши фаолиятига кўмаклашиш;
- Маҳаллий маъмурият билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш;
- Интернет марказидан унумли фойдаланиш учун жамоат ташкилотлари ва маҳалла билан ишлаш;
- Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тренинг ва конференцияларда иштирок этиш;
- Дастур координаторига ҳисобот бериш;

Талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси;
- Гуруҳ бўлиб ишлаш қобилияти, меҳнатсеварлик;
- АҚШ лойиҳаларида ишлаш тажрибаси;
- Компьютерда ишлаш тажрибаси (Word, Excel, Access, Power Point, HTML программалари билан);
- Олий маълумоти;
- Педагогик малакаси;
- Интернет билан ишлаш тажрибаси;
- Ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши мақсадга мувофиқ;
- Сафарларга бориш эҳтимоллиги.

Танловда иштирок этиш учун хат ва хатга илова қилинган резюмени 2003 йил 22 августгача *Ikhafizova@irex.uz электрон манзили ёки + (99871) 1525147 факс орқали юборишингизни сўраймиз.*

DEPARTMENT OF STATE · UNITED STATES OF AMERICA

АЙРЕКС ва АҚШ Давлат Департаменти Таълим ва Маданият масалалари бўйича бўлими

«Ўзбекистон мактабларида Интернет»

IREX

янги дастури бошланганлигини эълон қилади

Ушбу дастур:

- Мактабларни Интернетга боғлайди – ғолиблар қуйида кўрсатилган вилоятларда жойлашади;
- Агар ғолиб мактабларда компьютерлар бўлмаса, ушбу мактабларни компьютерлар билан таъминлайди;
- Мактаб ўқитувчиларини ўқув жараёнида Интернетдан фойдаланишга ўргатади;
- Ўқувчиларнинг Интернетга доир лойиҳаларини қувватлайди;
- Ўта ижодий фикрловчи ўқитувчиларни АҚШ га уч хафталик стажировкага юборади.

Иштирокчи вилоятлар: Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси.

Дастурда иштирок этиш учун мактаблар очиқ танлов асосида танланадилар. Танлов 2003 йил 4 августдан бошланади. Ушбу программада қатнашиш учун анкетани IREX/IATP марказида ёки connect.irex.uz веб саҳифасидан олиш мумкин. Қўшимча маълумотлар учун IREX нинг Тошкентдаги офисига мурожаат этинг: Телефон: +998 (71) 1152849, +998 (71) 1152856, ёки e-mail connect@irex.uz

E'tiborga loyiq holat: to'qqiz yoshida Margaret badiiy so'z ustalari tanlovida g'olib chiqadi. "Bir omading keldi-da", — deydi unga muallimasi. "Nega omadim kelar ekan? Men bilimimga yarasha g'olib chiqdim!" — deya javob qaytaradi achchiqlangan qizaloq.

Mashhur kishilar hayotidan

МАРГАРЕТ ТЭТЧЕР — англиялик энг яхши "эркак"

"Хонимлар ва жаноблар! Даунинг-стритни тарк этар эканман, янги бош вазирга Буюк Британияни менинг ҳукуматим ҳокимиятга келган пайтдагидан кўра яхшироқ аҳволда қолдириб кетаётганимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман!" Бу сўзларни айтиш учун Маргарет Тэтчердан қанчалик ирода талаб қилинганини ҳеч ким билмасди.

Истеъфо, афтидан Маргаретнинг ҳаётидаги энг ҳаяжонли воқеа бўлган эди. Британия фуқароларининг ҳиссизлик ва совуққонлик тўғрисидаги айбловлари ҳам, мухолифларининг асоссиз таъна-дашномлари ҳам, сиёсий ёки руҳий мағлубиятлар ҳам — буларнинг ҳеч бири унинг бунчалик изтироб ва алам чекишига сабаб бўлмаган эди. Консерваторлар партияси лидерлигидан ва айни пайтда бош вазирлик лавозимидан жудо қилиш уни руҳиятидаги "темир қобиқ"дан чиқариб, ёлғизлик ва иложсизлик муҳитида қолдириш билан тенг эди.

Лекин Маргарет ўзини ҳеч нима бўлмагандай, ҳалиям от устидагидай, қўл остидагиларнинг таълиму эҳтиромлари ҳануз унга қаратилгандай тутди...

Бундай совуққонлик фақат урушнинг ўт-оловларида тобланган генералларнинггина қўлидан келарди. Аммо Маргарет аёл киши эди. Уни кўпчилик "темир лэди" деб аташсада, не-не эркакларни ортда қолдириб, ҳокимиятнинг энг юқори шоҳсупасига кўтарилганига қарамай, барибир "заифа"лар зотидан эди.

Тэтчер ҳар доим ўзига нисбатан заиф жинс вакили сифатида эмас, бош вазир сифатида ёндошишларини талаб қиларди. "Маргарет Тэтчер аёл киши эканлиги ҳақидаги мишмишлар тўғрими?" — дея киноя қилишарди оғзига кучи етмаганлар. Чиндан ҳам унга эркаклар билан ишлаш ҳар доим осон ва қизиқарли эди. Тэтчер эркаклар оламида уларнинг ўйин қоидаларини қабул қилиб яшардигина эмас, йўлбошчиликни ҳам қўлга киритди. Бундай оғир вазифани бажариш эса ҳар қандай эркакнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Унга, опаси, ҳатто қизлари — умуман аёллар билан тил топишиш қийин бўлган. Эркаклар унинг энг яхши дўстлари ва муносиб рақиблари эди. Маргарет оғир дамларда маслаҳат ва ёрдам сўраб айнан уларга мурожаат қилишни маъқул кўрган.

Бундай эркаклар рўйхатининг бошида унинг отасининг номи турмоғи керак. "Деярли ҳаммаси учун отамдан қарздорман", — дея қачонлардир тан олган эди Тэтчер.

ПЎЛАТ ҚАНДАЙ ТОБЛАНДИ?

1925 йил 13 октябрь куни туғилган Маргарет грэттянлик баққол Альфред ва тикувчи Беатрислар оиласининг иккинчи қизи эди. Тўрт йил олдин оилада Мюриэл исмли қизалоқ дунёга келган эди. Бу сафар ҳам қиз! Альфред эса иккинчиси, албатта, ўғил бўлади, дея умид қилганди. Бутун билими, тажрибасини бериб, уни ўз ғояларига илҳомлантирмоқчи эди...

Беатрис, аксинча, бундан қувонди. Мюриэл каби улғайиб, ҳамма ишларда унга ёрдамчилик қилса нимаси ёмон?

Таъкидлаш жоизки, Робертслар оила қуриш масаласига жиддий ёндошишган эди. Альфред ва Беатрис баққоллик дўкони сотиб олишга етарли маблағ жамғарганларидан кейингина никоҳдан ўтишган. Тўйдан тўрт йил ўтибгина уларнинг оиласида биринчи фарзанд дунёга келган.

Пул жамғариш бўйича Альфредга тенг келадигани йўқ эди. Ўспиринлигида ҳафтасига 14 шиллинг топар, 12 шиллингни квартирага тўлар, бир шиллингни эҳтиёжларига ишлатиб, қолган бир шиллингни "қора кун"га дея асраб қўярди.

Қизча туғилгач, умидлари пучга чиққан Альфред қанчалар изтироб чекмасин бефойда эди. Бунинг устига Маргарет гўдаклигиданоқ қатъий характер ва фавқулодда ақлий қобилиятларини намоён эта бошлади.

Болалар деярли спартакча шароитда ўсиб улғайишди. Уйда водопровод ҳам, бошқа қулайликлар ҳам йўқ эди. Қизалоқлар жуда ёшлигидан бошлаб дўконда отасига ёрдам беришарди.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, Маргаретнинг айнан отаси билан муносабати ўзаро ишонч даражасида эди. Онаси ва опаси билан мулоқотлар унга анча зерикарли ва қизиқарсиз туюларди. "Улар билан нима ҳақида гаплашишни ҳам билмасдим", — дея тан олган эди Тэтчер. Отаси эса бор-йўғи тўртинчи синфни битирган бўлишига қарамай, (тўғри, бу унга кейинчалик Грэнтем шаҳри ҳокими бўлишига халақит бермади), ҳар доим билимларини оширишга ҳаракат қиларди. Бу хусусият Маргаретга ҳам юқди.

Альфред қизини, аввало, тартиб ва итоатга ўргатган эди. Масалан, иқтисод нуқтаи назаридан Маргаретга дугоналарини уйга бошлаб келишга рухсат беришмасди. Унга майдачуйда харажатлар учун ҳафтасига икки пенс беришарди. Лекин қизалоқ пулни бемаъни нарсаларга сарфлашни хаёлига ҳам келтирган эмас, ота-бола икки ҳафтада бир кутубхонага боришар, икки китобни танлаб олишар ва албатта, ҳар бирини навбат билан ўқиб чиқишарди.

Бироқ, Альфреднинг тарбиявий тизимидаги энг муҳим нарса фарзанд билан чин дилдан суҳбатлашиш эди. "Ҳар доим ўз ақлинг билан иш қил. Ҳеч қачон ҳеч бир ишни ўртоқларинг шундай қилаётганликлари учунгина қилма. Ҳеч қачон бошқаларга ўхшаб одамларнинг кўзига ҳунук кўриниб қолишдан қўрқиб оломонга эргашма, сен оломонга эмас, оломон сенга эргашсин", дер эди у Маргаретга. Асосийси, Альфред қизини шаҳардаги энг яхши мактабга ўқишга берди. Ўқитувчиларнинг хотирлашларича, у мактабда тенгдошларидан фарқли равишда қунт билан ўқиган, барча топшириқларни тиришқоқлик билан бажарган. Ҳолбуки, у тенги қизлар одатда ўқишдан ҳам кўра турли ишларга, қўғирчоқ, тақинчоқ, рақс ва ўғил болаларга кўпроқ қизиқишади. Шу сабабли тенгқурлари уни унчалик ёқтиришмаган. Уларнинг назарида Маргарет анча димоғдор ва кибрли эди. Унинг дугонаси йўқ эди (у билан ниманиям гаплашарди? Дизраэли сиёсатининг ўзига хос жиҳатлариними?) ва бунга ҳатто ҳаракат ҳам қилмаган.

Эътиборга лойиқ ҳолат: тўққиз ёшида Маргарет бадиий сўз усталари танловида ғолиб чиқади. "Бир омадинг келди-да", — дейди унга муаллимаси. "Нега омадим келар экан? Мен билимимга яраша ғолиб чиқдим!" — дея жавоб қайтаради аччиқланган қизалоқ.

Ўн яшар Маргарет Робертеснинг сайлов кампаниясида иштирок этганига нима дейсиз? Йўқ, у парламентга номзодини қўйган эмас. Бор-йўғи алоқачи ролини бажариб, ҳужжатларни ташиб турди, холос... Эртак китобларни ўқиш ўрнига кечалари отаси билан ўртоқларининг дунёвий муаммолар муҳокама қилинадиган гурунгларини тинглаб ўтирадиган қизчадан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин.

Қизалоқ отасининг таъсирисиз сиёсатчи сифатида обрў қозониш ҳақида жиддий ўйлай бошлаган эди. У ҳатто фикрларини тўғри ва ишонарли баён қилишни ўрганиш мақсадида Кестевен дискуссия клубига аъзо бўлган эди.

Шунга қарамай, Маргарет мактабни битиргач кимёгар бўлишга қарор қилди. Сиёсат — ажойиб иш, бироқ обрў-эътибори эртага қандай бўлишини ким билади? Кимё эса ҳар доим кимёлигича қолади. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши, дейдилар-ку.

Айни пайтда Маргарет актёр бўлишни ҳам ўйлаб қўйган эди. Аммо, бу ҳаммасидан ошиб тушганди: Альфред Робертснинг фикрича, дунёда актёрликдан ҳам кўра бемаъни машғулот йўқ эди.

Шуҳратпараст Маргарет нуфузли Оксфорд университетига ўқишга киришга қарор қилди. Бу иш провинциялик қандайдир баққол қизининг қўлидан келмаслиги мумкин эди, аммо олдига қўйган мақсадига эришишга ўрганган Маргаретнинг эмас. "Келажаги ҳақида орзу қилган киши ҳар қандай қийинчиликларга қарамай мақсадидан оғишмаслиги керак", — деб ҳисоблар эди у.

Маълум бўлишича, Оксфордга кирмоқчи бўлган киши ўқиш учун муайян миқдорда бадал тўлаши ва лотин тилини билиши зарур экан. Бир неча ой ичида у бу тилни сув қилиб ичиб юборди" ва кириш имтиҳонини "аъло" баҳога топширди. Тўлаш учун пулни эса отасидан олди.

Бу Альфреднинг қизига берган энг сўнгги ёрдами эди. Энди Маргарет отасидан миннатдор ҳолда буткул мустақил яшашни бошлаган эди. Ота қизининг муваффақиятга эришишига ишонарди. Чунки унда бунинг учун зарур бўлган барча хусусиятлар бор эди. "Маргарет 99,5 фоиз комил инсон. Қолган ярим фоиз эса у озроқ мулойимроқ бўлганида эришиши мумкин бўлган нарсалардир", — дейди у ҳақда отаси орадан йиллар ўтгач.

Агар отаси тирик бўлганида энг оғир дамларда Маргаретнинг кўнглини кўтариш учун нимадир деган бўлар эди. Иккинчидан, у қизининг ҳаётидаги энг катта мағлубияти — бош вазирлик лавозимидан кетишини кўрмагани бир жиҳатдан яхши бўлгандир, балким?

СЕВГИ КИМЁСИ

Маргарет усиз шахсий ва ижтимоий ҳаётини тасаввур қилолмайдиган эркак — шубҳасиз, эри Дэннис Тэтчердир. Бироқ, Маргарет унга ҳам тўла-тўкис суяна олмасди. Эри унга ниманиям маслаҳат бера оларди? Ёрдам бериш учун қўлидан нимаям келарди? Чунки у ўзининг ҳар қандай эркакдан кўра кучлироқ, ақллироқ, керак бўлса, айёрроқ эканлигини яхши биларди.

Бунинг устига унинг практицизми туйғуларига ҳам ёйилган эди. Дэннис билан танишувига қадар ҳам оддий қишлоқ йигити бўлган бир фермер кўнгил майлига бўйсуниб Маргарет билан оила қуриш орзусида юрарди. Лекин шуҳратпараст қизни қишлоқдаги турмуш у қадар ўзига тортмасди. Деҳқон йигит рад жавобини олади (ва охир-оқибат Маргаретнинг опаси Мюриэлга уйланади).

Юқори синфларда ўқиётганида Маргарет бир йигит билан севишади У графнинг ўғли эди. Лекин йигитнинг онаси қизга рўйхушлик бермайди. Унингча, баққолнинг қизи ўғлига унчалик ҳам муносиб эмас эди.

Шунинг учун Маргарет Оксфордга билим олиш ва юксак обрў-эътибор қозониш, шу тариқа одамларга кимлигини кўрсатиб қўйишга қатъий аҳд қилган ҳолда йўл олади. Унинг атрофдагилар билан тил топишиши ҳамон қийин кечар, талабалар орасида бировга қўшилмаслиги билан ажралиб турарди. Бутун диққат-эътиборини ўқишга қаратган эди. Айни пайтда аранг кун кўрарди: баъзи кунлари бир бурда нон ва тухумга қаноат қилишига тўғри келар эди.

Кимё билан шуғулланар экан, Маргарет асосий мақсадини унутмаганди, сайловда қатнашади. (Бу борада ҳарқалай тажрибаси бор эди.) Унинг сиёсий карьерасидаги муҳим қадам консерваторлар ассоциациясига кириши ва шундан сўнг, аёллар орасида биринчи бўлиб унинг раиси этиб сайланиши бўлди.

Вақт ўтган сайин ўқиш Маргарет учун иккинчи даражали ишга айлана борди, аммо у ҳамон имтиҳонларни муваффақиятли топширишда давом этарди.

Университетни тугатгач, у бири бир мутахассислиги бўйича ишга жойлашди, бироқ ўйу фикри кимёда эмас эди. Буни ҳамкасблари пайқамаслиги мумкин эмасди. Улар Маргаретни ёқтиришмас ва уни очиқчасига "Герцогиня" деб аташарди.

У касбини ўзгартириш тўғрисида тез-тез ўйлай бошлади ва шу тариқа иккинчи мутахассислик — юристликка ўқишга қарор қилди. Айни пайтда парламент учун сайловга ўз номзодини қўйди, бироқ мағлубиятга учради. Лекин, шу билан бирга, унга омад кулиб боқди дейиш ҳам мумкин: партия конференцияларидан бирида бўлғуси турмуш ўртоғи Дэннис Тэтчер билан танишади. Ўшанда жаноб Тэтчер уни ғоят самимийлик билан ўзининг ҳашаматли "Ягуар" машинасида уйига элтиб қўйишни таклиф қилган эди...

Танишувларининг биринчи куни Дэннис Маргаретда айтарли таассурот қолдирмади. Лекин, у йигитнинг илтифотларини рад қилишга ҳам шошилмади. Кейинчалик Маргаретнинг иқрор бўлишича, Дэннисниг оила қуриш тўғрисидаги таклифига рози бўлишига улар ўртасидаги қизиқишларнинг умумийлиги сабаб бўлган экан: "У бўёқлар ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланарди, мен эса кимёгар эдим". Шу каби уларнинг сиёсий қарашлари ҳам мос эди — иккаласи ҳам консерваторлар партияси тарафдори эдилар.

Дэннис бадавлат эди. Унга бўёқ ишлаб чиқарувчи фирма мерос қолган бўлиб, айни пайтда унинг қўли остида гуллаб-яшнаётганди. У Маргаретдан ўн ёш катта эди. Аммо викторианча руҳда тарбияланган Маргаретни ҳаммасидан ҳам Дэннисниг илгари уйланганлиги хижолатга солар эди. Улар буни Маргаретнинг ота-онаси ва бўлғуси фарзандларидан сир тутишга келишиб олдилар. Буни қарангки, одамлар бу ҳақда орадан анча йиллар ўтгач, Тэтчер хоним бош вазир бўлганидан сўнггина хабар топишди — журналистлар махфий ҳужжатларни титкилаб, Дэннисниг биринчи хотинининг исми ҳам Маргарет эканлигини аниқлашган эди.

1951 йил 13 декабрь куни бўлган никоҳ маросимига 50 киши таклиф этилган эди. Улар орасида Дэннис бундан-да яхшироғини топиши мумкин эди, дея таассуфини яширмаган йигитнинг онаси ва опаси ҳам бор эди. Бунинг устига Маргарет кўк рангли никоҳ кўйлагини кийиб олгандики, бу байрамона кайфиятга умуман мос эмасди (шундан сўнг Маргарет бу кўйлагини ҳар хил маросимларда жуда кўп кийди).

Ким нима деса десин, аммо бу никоҳ икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Маргарет бир одим билан ўзининг кўплаб муаммоларини ҳал қилиб олди. У суянса бўладиган тоғини топган эди, энди севган иши — сиёсатга бутун умрини бағишлаши мумкин эди. Дэннис эса Маргарет қиёфасида ўзининг нозик елкасига нафақат давлатнинг, балки унинг энг кичик ячейкаси — оиланинг ҳам ташвишларини олишга тайёр рафиқани топганди. Дэннис рафиқасини "бошлиқ" деб чақиришни хуш кўрарди. Ўзини эса, табиийки, "ходим" деб ҳисобларди. Одатда, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, дейдилар. Ўхшатишимиз унчалик мос бўлмаса-да, никоҳда ҳам шундай. Эр-хотинлардан қайсидир иккинчи планга ўтишга, ўзининг кучли жуфтининг сояси бўлишга маҳкум бўлади. Бу рол Дэннисни тўла қониқтирарди.

(Давоми бор.)

Institutimiz qoshida texnologiya va dizayn o'quv-ishlab chiqarish markazi faoliyat ko'rsatayapti. Bu erda talabalar kuch-g'ayrati bilan turli liboslar, jumladan, sport kiyimlari ham tikib chiqarilayapti.

КАТТА ИШЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

хўжалик аъзолари моддий манфаатдорлигини ошириш, иш ҳақларини олишлари ҳақида қайғуриш... Табиийки, бу жараёнлар тўхтовсиз давом этиши ва самара, пировард натижа улар ҳар бирининг ўз вақтида, ижобий ечимига дахлдорлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Яна бир муҳим томони шундаки, уларнинг барчаси хўжалик раҳбарининг бевосита аралашуви, елибюгуриши, йўл-йўлакай юзага келаётган турли муаммоларни ҳал этиб боришини тақозо қилади. Бозор иқтисоди муносабатлари ҳукм сураётган ҳозирги даврда бу масалаларнинг ечими ҳам аввало моддий-молиявий аҳволга бориб тақалиши турган гап.

Шу сингари қатор сабаблар рўкач қилиниб, "пахтакор"лик ёшларнинг ўринли талаблари назардан четда қолиб турган бир пайтда, Президентимизнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги Фармони чиқди. Жойларда спортга эътибор тубдан ўзгарди. Болалар спортини умумхалқ ҳаракатига айлантириш вазифа қилиб қўйилди. Жойларда кенг кўламли амалий ишлар, ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлашга киришилди.

Табиийки, "Пахтакор" ширкат хўжалиги ёшларининг талаби ҳам қондирилди. Катта клуб спорт билан шуғулланиш иштиёқидаги ёшлар ихтиёрига берилди. Эндиликда бу ерда қирқ нафардан ортиқ маҳаллий ўқувчилар ҳудудда кенг тарқалган, авлоддан авлодга ўтиб бойиб келаётган, номдор, жаҳон мусобақалари совриндорлари етишиб чиққан спорт тури — кураш сирлари, беллашиш маҳоратини эгалламоқдалар.

Спортга муносабатнинг бу қадар тубдан ўзгариши ота-оналар қарашларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Аввалари ҳатто бепул таклиф этилганда ҳам фарзандларининг муайян спорт машғулотларига боришларига монеълик қиладиган, уй-рўзғор юмушлари кўплигини баҳоналайдиган, далада мол боқишларини афзал биладиган ота-оналар эндиликда ҳеч оғринмасдан ўғил-қизларининг спорт машғулотларида қатнашишлари учун оила бюджетидан ҳатто маблағ ҳам ажратмоқдалар. Улар спорт насл-насабларининг соғломлиги, жисмоний чиниқишларини таъминлашдан ташқари астойдил машқ қилиб, маҳоратларини ошириб борсалар жаҳон майдонлари, халқаро беллашувлар сари ўзларига йўл очиш, онаюртлари довруғини кенг ёйиш имконини беришини тушуниб етишган.

"Пахтакор"лик болаларнинг яна бир орзулари рўёбга чиқмоқда. Хўжаликда барпо этилаётган стадионда ишлар ниҳоясига етмоқда. Ҳадемай, улар ҳам спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун худди шаҳардагилардек имкониятга эга бўлишади.

Ҳа, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи қарори сабаб нафақат биз юқорида мисол тариқасида келтирган ширкат хўжалиги, балки барча шаҳар ва туманларда, бутун вилоятда спортга муносабат тамомила янгича мазмун касб этди. Аслида вилоятда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун аввалдан муайян замин яратиб қўйилган эди. "Универсиада — 2002" ўтказилиши муносабати билан 25 минг ўринли ҳашаматли "Бухоро" ўйингоҳи барпо этилди, "Семурғ", "Ҳумо", "Ёшлик" сингари замонавий спорт мажмуалари, туманлар марказларидаги ўйингоҳлар бутунлай янгидан таъмирланди. Шаҳар ва туманлар кўркига кўрк қўшиб турган касб-ҳунар коллежларидаги мавжуд шароитларни айтмайсизми! Лекин мамлакатимиз раҳбари қўяётган талаб масалага бутунлай янгича нуқтаи-назар билан ёндашишни, истиқболни кўзлаб ҳаракат қилишни тақозо этарди. Шунинг учун ҳам болалар спортини умумхалқ ҳаракатига айлантириш бўйича вилоят ҳомийлик кенгаши томонидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатни тайёрлаш учун мутасадди бўлган гуруҳ аъзолари бунга қадар вилоятдаги мавжуд аҳволни ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Тавсияларда ҳаракат қатнашчиларининг асосий фаолият йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди. Оила, маҳалла, маҳаллий ҳокимият органлари, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари, кўп қаватли уй-жой мулкдорлари ширкатлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари, спорт интернатлари ва мактаблари, спорт кўмиталари, соғлиқни сақлаш муассасаларидан тортиб нодавлат ташкилотлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши, "Маънавият ва маърифат" бўлимлари, жамғармаларгача — барчасининг вазифалари аниқ кўрсатиб берилди. Оммавий спорт мусобақалари ташкил қилиш, уларнинг миқёс ҳамда турларигача белгилаб олинди. Асосий эътибор мазкур ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этишга қаратилди ҳамда жойларда спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мавжуд иншоотлардан самарали фойдаланиш, талабга жавоб бермайдиганларини таъмирлаш ва жиҳозлаш чора-тадбирларини кўришга қаратилди. Гарчи бошланганидан буён кўп вақт ўтган бўлмаса-да, катта ишларнинг илк самараларини бугунги кунда вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туман, қишлоқда кўриш ҳамда истаганча мисол келтириш мумкин. Айниқса, таълим муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси уюшмалари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Жондор, Бухоро, Қоракўл туманлари ва Бухоро шаҳрида оддий спорт майдончаларини ташкил қилиш ва оммавий соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раззоқ Шукуровнинг қуйидаги фикрлари ҳам далиллайди:

— Агар январь ойида 1—4-синфлардаги 129712 нафар ўқувчининг 40714 нафари спортга жалб этилган бўлса, ўқув йили ниҳоясига келиб бу кўрсатгич 65900 нафарга етди, — дейди у маълумотларни таҳлил қилар экан. — Жами контингенти 179 минг 600 нафар бўлган 5—9-синфларда эса бу рақам тегишли равишда 16159 (январь) ва 91214 нафар (май)ни ташкил этди. Юқори синфлар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 37 фоиздан 54 фоизга ўсди.

Тизимда шу билан бирга ўқитувчиларининг 500 нафарга яқин фарзанди дам олаётган "Ёш алоқачи", "Пахтасаноатсотиш" ҳиссадорлик жамиятининг "Ёш пахтакор", Вобкент туманидаги "Зарафшон", Олот туманидаги "Роҳат" сингари дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида бу йўналишда қилинаётган ишларни алоҳида эътироф этса арзийди.

Вилоятда болаларни спорт кийимлари билан таъминлаш масаласига ҳам келажагимиз эгаларининг шуғулланишлари учун зарур ва ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, соҳани малакали мутахассис ва мураббийлар билан таъминлашдек серқирра фаолиятнинг узвий, ажралмас бўлаги сифатида қаралмоқда. Яқинда Бухоро шаҳридаги "Семурғ" мажмуида ўтказилган спорт кийимлари ва анжомлари кўргазмаси бунинг яққол далилидир. Вилоят ҳокимлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги 25 корхона қатнашди. Улар орасида халқимизга яхши таниш бўлган пойтахтдаги "Юлдуз", "Тонг", "Малика", шунингдек, Фарғона, Хоразм, Наманган каби вилоятларнинг лар малакасини ошириш, машғулотлар сифатини яхшилаш борасида ҳам муайян тадбирлар кўрилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб эса факультатив дарс соатлари кўпайтирилади.

Мактабларда ёзги таътил давом этаётган шу дамларда ҳам болалар спортига эътибор назардан четда қолаётгани йўқ. Халқ таълими бошқармаси томонидан "Ёзги мавсум" дастури ишлаб чиқилган. Шунга асосан жойларда маҳаллалар, касаба уюшмалари, "Камолот" ижтимоий ҳаракати билан биргаликда кўплаб мусобақалар, турнирлар ўтказилмоқда. Оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар ўртасида эса болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими иштирокида спортнинг 9 та тури бўйича беллашувлар ташкил этилмоқда. "Ўзбектелеком" акционерлик компанияси "Бухоротелеком" филиали ишчи-хизматенгил саноат тизимига кирувчи корхоналари билан бир қаторда Бухородаги ҳиссадорлик жамиятлари, фирмалар ҳам ўзлари тайёрлаган спорт кийимлари ва анжомларини намойиш этдилар. Бухоро шаҳридаги олимпия заҳиралари спорт мактаби ўқувчилари ва "Семурғ" мажмуида спорт турлари билан шуғулланаётган болалар кўргазмага келтирилган либосларини кийиб, барча қатнашчиларнинг кўз ўнгида намойиш этишди.

— Бундан илгари Тошкентда ўтган худди шундай кўргазмада қатнашган эдик, — дейди Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг кафедра мудири С.Мусаев. — Гап шундаки, институтимиз қошида технология ва дизайн ўқув-ишлаб чиқариш маркази фаолият кўрсатаяпти. Бу ерда талабалар куч-ғайрати билан турли либослар, жумладан, спорт кийимлари ҳам тикиб чиқарилаяпти. Бухоро ва Ромитан туманлари билан шартномалар туздик. Хомашёни "Бухоротекс" ҳамда "Қоракўлтекс" корхоналаридан олаяпмиз.

Кўпгина маҳсулотлар кўргазма боис, муносиб харидорларини топди. Бухоролик харидорлар билан 500 миллион сўмлик шартномалар тузилганлиги шундан далолат.

Албатта, юқоридагиларни ўқиб, Бухорода болалар спортини ривожлантириш юзасидан белгилаб олинган ҳаракат дастури силлиқ рўёбга чиқарилаётган экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Айрим жойларда бу иш қийинчилик билан кечмоқда. Масалага бирдай масъулият билан ёндошмаётган ҳомийлар ҳам йўқ эмас. Маблағ масалаларини ҳал қилиш ҳам ҳар доим осон кечмаётир. Рисоладагидек ўйингоҳлар барпо этиш, уларни спорт анжомлари билан жиҳозлашда муаммолар юзага келмоқда. Лекин уларнинг барчаси вилоят ҳомийлик кенгашининг изчил фаолияти, юқори талабчанлиги боис ўз ечимини топиб бораётир. Энг муҳими, бу иш умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Бухорода болалар спортини ривожлантириш борасида бугун кўрилаётган чора-тадбирлар катта ишларнинг бошланиши. Бу ишларнинг самаралари навқирон авлодимизнинг эртанги кундаги жисмоний ва маънан баркамоллиги, бугунги ёшлар орасида катта истеъдод эгаларини топиш ва тарбиялаш, уларнинг спортда мамлакатимиз номини жаҳон ареналарига олиб чиқишлари, халқаро майдонларда юртимиз нуфузини янада баланд кўтаришларида ўз аксини топади. Бугун эса ҳеч муболағасиз ана шу улуғ ва эзгу ниятлар рўёби учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

УЛАР КАТТА ТЕННИСНИНГ БИР БЎЛАГИ

Америкалик оилавий ракетка усталари саналган Уильямсларга кўз теккан кўринади. Уимблдон турнирида сўнг Винус мушакларидаги оғриқлар туфайли бир неча турнирларда иштирок этолмаслигини маълум қилганди. Серена ҳам ўтган ҳафта рентгендан ўтгач, чап оёғидаги жароҳатлари боис бир қанча йирик турнирларни ўтказиб юборишга мажбур бўлди. Аввалига Acura Classic, сўнгра Los Angeles Open. Ўтган ҳафтада эса Стэнфорд турнирида ҳам қатнашолмаслигини маълум қилганди. Энди келаётган ҳафтада ўтиши лозим бўлган Bank of the West Classic турнирида ҳам Серенани кўришимиз гумон бўлиб турибди. Сан-Диего турнири ("Акура Классик") WTA таснифидаги нуфузли ўнта турнирдан бири саналади. Унинг мукофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади.

"Улкан тож" туркумига кирувчи йилнинг тўртинчи, сўнгги турнири — Америка Очиқ чемпионати баҳсларига опа-сингиллар айни пайтда спортчилар қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Қуйида улар ҳақида маълумот бериб ўтсак:

Серена УИЛЬЯМС

1981 йилнинг 26 сентябрида Сэйгинав (Мичиган штати)да туғилган. Палм-Бич Гарденсда яшайди. 5 ёшидан теннис ўйнашни бошлаган. 1995 йилнинг сентябридан буён профессионал теннисда.

Энг юқори кўрсаткичлари. Якка тартибди: 23 ғалаба ва 7 финал. Жуфтликда: 11 ғалаба ва 1 финал. Аралаш жуфтликда: 2 ғалаба ва 2 финал.

WTA Tour таснифидаги энг юқори кўрсаткичи ва ҳозирги ўрни — 1-поғона (илк бор — 2002 йилнинг 8 июлидан).

Йиллар давомидаги рейтинги: 1997 йилда 99-чи, 1998 йилда 20-чи, 1999 йилда 4-чи, 2000 йилда 6-чи, 2001 йилда 6-чи, 2002 йилда 1-чи.

Фаолияти давомида тўплаган маблағи - 12291 030 доллар.

Винус УИЛЬЯМС

1980 йилнинг 17 июнида Линвуд (Калифорния штати)да туғилган. Палма-Бич`Гарденс (Флорида штати)да истиқомат қилади.

4 ёшидан теннис ўйнай бошлаган. 1994 йилнинг октябридан профессионал теннисчи.

Энг юқори кўрсаткичлари: Якка тартибда: 29 ғалаба ва 17 финал. Жуфтликда: 10 ғалаба ва 1 финал. Аралаш жуфтликда: 2 ғалаба.

WTA Tour таснифида якка тартибдаги энг юқори ўрни — 1-ўрин (2002 йилнинг 25 февралидан). Ҳозирги ўрни — 4-поғона.

Йиллар давомидаги рейтинги: 1995 йилда 204-ўрин, 1996 йилда 204-ўрин, 1997 йилда 22-ўрин, 1998 йилда 5-ўрин, 1999 йилда 3-ўрин, 2000 йилда 3-ўрин, 2001 йилда 3-ўрин, 2002 йилда 2-ўрин.

Фаолияти давомида топган маблағи — 12 901 130 доллар.

"ҚОРАБЎТА" ФИНАЛДА

Термиз шаҳрида болалар иштирокида уюштирилган "Футболимиз келажаги" турнирининг ҳудудий босқичи Сурхондарё вилоятининг "Қорабўта" жамоаси ёш футболчиларига омад келтирди. Сабаби, самарқандлик, қашқадарёлик тенгдошлари билан ўзаро куч синашган сурхондарёликлар барча ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғалабага эришдилар ва "Футболимиз келажаги" турнирининг кейинги босқичига бериладиган йўлланмани қўлга киритдилар.

КАФЕЛЬНИКОВНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Канаданинг Монреал шаҳрида бўлиб ўтаётган "Masters" турнирининг нимчорак учрашувида россиялик профессионал теннисчи Евгений Кафельников герма-ниялик Райнер Шуттлерга имкониятни бой бериб қўйди. Икки сет натижаларига кўра, Райнер 6:1, 6:4 ҳисобида Кафельников устидан ғалаба қозонди.

Bundan bir necha yillar avval qizimning bolalar bog'chasiga o'zbekona qo'g'irchoqlar kerak bo'lib qoldi. Qo'g'irchoq teatrida ishlayotganim munosabati bilan menga murojaat qilishdi.

Ko'ngil bitiklari

МАКТАБЖОНИМ, УНУТИЛМАС БИР ОШЁНИМ

Нурли бўлиб, зиё берган ўзинг асли,
Эркин бўлиб, дунё берган ўзинг асли,
Қўшиғимга жило берган ўзинг асли,
Сен ошёним, мадад олдим қанотингдан,
Онажоним, куч-ғайрат бер саботингдан.

Орзуларнинг гулханини ёкдим сенда,
Ҳайрат бўлиб, мурғак дилдан боқдим сенда,
Ирмоқ бўлиб, шўх шодланиб, оқдим сенда.
Оғушингни билар эдим кенг осмоним,
Мактабжоним, унутилмас бир ошёним.

Онам тутган тол бешигим табаррукдир,
Очиқ турган ҳар эшигинг табаррукдир,
Сен ўргатган ҳар қўшиғинг табаррукдир,
Омон бўлгин, яшнаб тургин сен ҳар замон,
Куйчи қизинг бўлай, она Ўзбекистон!

Феруза ҚУРБОНОВА,
Денов шаҳар 84-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси

КАКЛИК

Куйла, дилларни забт этиб,
Юлдузларга овозинг етсин,
Сенинг хонишингдан маст бўлиб
Бирин-кетин тўкилиб кетсин.

Куйла, майли тоғлар титрасин,
Юрагимга солсинлар ғулу.
Овозингдан дунё уйғонсин,
Хонишларинг энг буюк орзу.

Сен тоғларнинг озод қушисан,
Мен — ватаним эрка қизиман.
Мадҳ этамиз шўх-шан, шу юртни
Сен куйи бўл, мен-чи сўзиман.

Гулноза ЭГАМБЕРДИЕВА

Қўғирчоқ. Бу сўзни эшитибоқ болаларимизнинг юзларига табассум югуради. Чунки қўғирчоқ фақат овунчоққина эмас, балки оламни танитувчи, дунёқарашини шакллантирувчи тарбия воситаси ҳамдир.

ҚЎҒИРЧОҚ ФИДОЙИСИ

Oramizdagi odamlar

Республикамизда анъанавий қўғирчоқбозлик санъатининг ривожланишида режиссёр, қўғирчоқсоз, ҳунарманд уста Мансурбек Қурёзов ташаббуси билан ташкил этилган "Жайхун" қўғирчоқ театрининг хизматлари катта. Студия Хоразм вилояти Хонқа тумани маданият ишлари бўлими қошида 1989 йилдан ўз ишини бошлаган. Жонкуяр ташкилотчи Мансур аканинг мутахассислиги режиссёр. У дастлабки фаолиятини 1988 йилда Хоразм вилоят мусиқали драма театрида режиссёр сифатида бошлаган. Болаларга қувонч бағишлаш, маънавий баркамол ўстириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўзлигини танитишга хизмат қилиш унинг асосий мақсадидир. У бошчилик қилаётган бу театрда 10 дан зиёд турли касб эгалари меҳнат қилади. Мансур Қурёзов ҳаваскор ёшлар билан актёрлик маҳорати бўйича "Устоз-шогирд" мактабини яратишга ҳаракат қилмоқда. У билан суҳбатлашганимизда "Болаларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ўйинчоқлардир, негадир ҳанузгача дўкон пештахталарида, бозор савдо расталарида ўзбекона ўйинчоқлар, миллий қаҳрамонларимиз тасвирланган қўғирчоқлар йўқ. Бундан бир неча йиллар аввал қизимнинг болалар боғчасига ўзбекона қўғирчоқлар керак бўлиб қолди. Қўғирчоқ театрида ишлаётганим муносабати билан менга мурожаат қилишди. Шу нарса туртки бўлиб, мен миллий қўғирчоқлар ясашга кириб бордим. Изланишларим натижасида рассом, ҳайкалтарошлар билан танишдим, янги дўстлар орттирдим. Янги қимматбаҳо китобларга эга бўлдим. Шеърли, жозибали, эртакона янги дунёни кашф этдим. Истардимки, Марказий Осиёда ҳозиргача ташкил этилмаган қўғирчоқлар музейини очиш керак", дейди у куюниб.

Мансурбек Қурёзов Республика театр ижодкорлари ҳамда ҳунармандлар уюшмаси аъзоси. "Тўғри ва эгри", "Афанди ҳангомалари", "Алла", "Шоҳсанам қиссаси", "Туҳмат тош ёрар", "Бахт қуши" каби эртак, пьесалар муаллифи. Спектакллари бир неча бор Республика миқёсидаги кўрик-танлов фестивалларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган.

Тиниб-тинчимас ижодкорга туганмас илҳом ва ишларида муваффақиятлар тилаб, "кўзлаган орзуларингиз ушалсин Мансурбек"деб тилак билдирамиз.

Мухтасархон КАРИМОВА

"ТАҚДИР ЗАРБАСИ"

Taqdim

Шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрида "Келди-ю кетди" студияси томонидан ишланган "Тақдир зарбаси" номли кинофильм намойиш этилмоқда. Ўтган куни мазкур фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросими олдидан "Мирзо" театри қизиқчиларининг чиқишлари ҳамда фильмни яратишда иштирок этган ижодкорларнинг дил сўзлари томошабинларнинг мириқиб дам олишларига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, фильм режиссёри Эргаш Мўминов, қизиқчи Валижон Шамшиев ҳамда Алижон Андақуловлар сценарийси асосида суратга олинган ушбу кинофильм ғоявий жиҳатдан жуда мукаммал, ҳазил-мутоибага бой, юксак дид ва маҳорат билан ишланганлиги сезилиб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда спортга кенг эътибор берилаётган бир пайтда, каратэ спорт турининг фильмда акс эттирилиши ва шу орқали мазмунан бойитилганлиги кинофильм ютуғидир. Мана шу спорт тури орқали инсоннинг ўз устида ишлаши, чиниқиши, жисмоний ва руҳан тетик бўлиши каби фазилатлари тарғиб қилинган.

— Фильм томошабинларга ҳавола этилгунга қадар, ҳар жиҳатдан жуда улкан машаққатлар эвазига ишланди, энди баҳони томошабинлар беришади", дейди, бош роль ижрочиси, сценарий муаллифларининг бири, қизиқчи Валижон Шамшиев.

Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Дилбар Икромова, қизиқчи Шукрулло Исроилов, жаҳон чемпиони, 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Хўжамқул Хўжақуловлар фильмда маҳорат билан яратган образлар ундаги нозик қирраларнинг ҳам тўлақонли бажарилганлигини кўрсатиб турибди. Хуллас, тақдимот жараёнида зал тўла томошабинларнинг барчаси чуқур ҳиссиётга берилган ҳолда томоша қилгани ва фильмдан таъсирланган жиҳатлари, таассуротларини бир-бирларига сўзлашиб қайтишганининг гувоҳи бўлдик.

Гофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

«МУСТАҚИЛЛИК»

шоҳмотсимон кроссворд

Ушбу катаклар уч қисмга бўлинган. Биринчи қисмдаги катаклардаги ҳарфларни от юриши билан ўқиб, давомини стрелка билан ўртадаги катакларга мос тарзда яна от юришида ўқиб чиқсангиз, давлатимиз мадҳиясининг бошланиш қисми келиб чиқади.

Ё	С	Д	Ш,	Ҳ	Н	Л	Е	Р	З	У	Р	Л
А	О	Ш,	Е	И	М	У	Ў	М	Ҳ	Ў	И	Ф
Т	У										К	И
Д	Б										А	Н
Қ	О										Б	А
А	Л										Г	Н,
Ж	Р										М,	О
Ў	О										И	Д
Е	А										Н!	Е
Т	Й										Ў	Ж
Н	С										Л	Я
А	Й	Т	Ҳ	Р	Г	А	Ш	Л	Н	А	О	С
	Р	Г	А	Х	У	А	А	Б	Д,	Т	Ш	Г

МУСТАҚИЛЛИК

И	А	Ж	К	Г
Р	О	Н	С	А
Л	Т	Н!	П	И
Т	О	Р	Ҳ	И
А	О	Н	Б	О

ЮРТДОШЛАР !

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ

Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОЕВ

Ангрен шаҳридаги 11-мактаб томонидан 1978 йилда Базарбаева Сарабу Ибрагимовна номига берилган А № 807294 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юрист аёллар бирлашган жамияти ёрдамга муҳтож аёлларга бепул юридик хизмат кўрсатади.

Сизга ёки сизнинг яқинларингизга кўмак лозим бўлса қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 1322365, 1358142.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси малака ошириш факультети профессори, академик **Эркин ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимлари ва касаба уюшмаси аъзолари бошқарма илмий-услубий маркази услубчиси Ибодат Эргашевага онаси **Иқлим ая АБДУҲАЛИМОВАнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-726.
Тиражи 19380. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи:
Абдулҳамид МУХТОРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва снёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00